

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
Юристар малакасини ошириш маркази**

**Одилқориев Х.Т.**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ЖАМИЯТИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНИШИНING ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент–2019

**УЎК 340.1 (075)**  
**КБК 67.3я72**

**Одилқориев Ҳ.Т.,**

Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари/Ўқув қўлланма. – Т.: INNOVATSION RIVOJLANISH NASHRIYOT-MATBAA UYI, 2019. – 362 б.

Юристар малакасини ошириш марказининг Илмий кенгашида 2019 йил 26 августдаги мажлисида тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган (*1-сонли баённома*).

**Тақризчилар:** юридик фанлар доктори, профессор Ж.Ў.Тошқулов  
юридик фанлар доктори, профессор И.Т.Тулътеев  
юридик фанлар доктори Ш.Н.Бердияров

Ўқув қўлланмада мамлакатимизда давлат ва жамиятни модернизация қилишга йўналтирилган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, устувор вазибалари ва асосий йўналишлари очиб берилган. Унда Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши босқичида қонунчилик соҳасидаги замонавий янгиланишлар, суд-ҳуқуқий тизимдаги демократик ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги изчил чоратadbирлар ҳамда уларнинг самараси тизимли таҳлил этилган.

Мазкур китоб ҳуқуқшунослар, малака оширувчи юрист амалиётчилар, олий ўқув юртларининг талабалари, давлат бошқаруви органлари ходимлари учун мўлжалланган.

**УЎК 340.1 (075)**  
**КБК 67.3я72**

ISBN 978-9943-5903-4-2

© Ҳ.Т.Одилқориев, 2019 йил  
© Юристар малакасини ошириш маркази, 2019 йил

*Мазкур ижод маҳсулимни  
Аллоҳнинг раҳматидан умидвор  
ҳолда муҳтарам валидам –  
Қосимова Насибахон Юнусжон қизининг  
ёрқин хотрасига бағишлайман*

## Сўз боши

Давлат ва жамиятнинг нисбати, улар ўртасидаги алоқадорлик ҳамда ўзаро ҳамкорлик диалектикаси мазкур изланишимизнинг асосий мағзини, бош лейтмотивини ташкил этади. Маълумки, давлат ва жамият жонли ижтимоий – тарихий воқеликлар сифатида маърифий тараққиётнинг турли босқичларида ўз ҳаракатланишининг муайян фалсафий мафкурасига, концептуал стратегиясига эга бўлади. Улар кўзлаган мақсади, белгилаган марралари, фаолиятининг мазмун-моҳияти, юксалиш тенденциялари ва йўналишлари жиҳатидан тавсифланадилар. Айни шу сифатларига кўра, давлатлар ва жамиятлар бир – биридан фарқланади, тегишлича изоҳланади ҳамда баҳоланади.

Юқоридаги туб маъноли, методологик қоидага асосланиб талқин юритиш мумкинки, бугунги ўзбек давлатчилиги ва жамияти ўз тарихий тараққиётида сифат жиҳатдан янги давр – *инновацион* ривожланиш босқичига кирди. Дарҳақиқат, мамлакатда адолатли ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик институтлар ҳамда кадриятларни қарор топтириш айнан туб ислохотлар, инновацион ғояларга асосланган жиддий модернизациялаш жараёнлари орқали рўёбга чиқарилиши мумкин.

Давлат бошқарувининг муҳим демократик усули бўлмиш парламентга Мурожаатномада Ўзбекистон Республикаси Президенти алоҳида урғу бериб таъкидлаганидек, **инновация** – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни... айнан инновацион ғоялар асосида бошлашимиз керак.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион** ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан

ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, чорак асрдан зиёд мустақил тараққиётимиз даврида ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга қаратилган кўламдор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга бугунги кунда босиб ўтилган йўлимиз ҳамда тажрибамизни холисона баҳолашдан, ўтган йилларда эгалланган марралар ва ютуқларни чуқур таҳлил қилишдан, шунингдек тезкор ривожланаётган замон талабларидан келиб чиқиб, давлат ва жамият миқёсидаги демократик ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида мамлакатимизни янада ривожлантиришга йўналтирилган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниб, собитлик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш давридаги устувор вазифаларни ўз қамровига олган ушбу Стратегия давлатимиз ва жамиятимизни тараққиётнинг янги замонавий босқичига олиб чиқишнинг муҳим ижтимоий – сиёсий дастурий ҳужжатидир. Унинг эътиборга молик рамзий жиҳати шундаки, мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг дастлабки йўналиши мамлакат сиёсий тизимини комплекс модернизация қилиш вазифасини назарда тутувчи “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш” деб номланган. Унга кўра, давлат ва жамиятнинг изчил, жўшқин, айна вақтда, мувозанатда ривожланишига шарт-шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизация қилиш, жамият тузилмаларининг демократик тизимини яратиш орқали унинг оптимал ва самарали бошқарилиш механизмларини вужудга келтириш, ижтимоий – сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, инсон манфаатларини устувор таъминлаш кафолатларини қонуний асосларда яратиш мақсадлари назарда тутилади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 19 – 20 - бетлар.

Ҳаракатлар стратегиясида “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлангани бежиз эмас. Мазкур ҳужжатнинг юқорида эътироф этилган биринчи бўлимида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш уч гуруҳга бўлиб изоҳланган:

***биринчи гуруҳ: Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлиснинг, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:***

давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

***иккинчи гуруҳ: Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:***

давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва

эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси ҳамда сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

**учинчи гуруҳ: Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:**

халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш.

Шунингдек, Стратегияда суд – ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судларнинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш, судларни янада ихтисослаштириш, судлов жараёнида тортишув тамойилларини кенг жорий этиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, фуқаролар манфаати йўлида одил судлов ҳамда адолат тантанасига эришиш долзарб вазифа этиб белгиланди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш учун ҳар йили алоҳида Давлат дастурлари қабул қилиниб, улар изчиллик билан ҳаётга жорий этиб келинмоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди: “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” (2017 йил), “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни

қўллаб-қувватлаш йили” (2018 йил) ва “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” (2019 йил)да амалга оширишга оид Давлат дастурлари шулар жумласидандир. Ушбу Дастурларда Стратегиянинг жумладан, биринчи бўлимидаги устувор тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг энг муҳим бўғинлари қуйидагилардан иборат:

– давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлат ҳаётида сиёсий партиялар ролини ошириш;

– давлат бошқарувини такомиллаштириш, иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклаш, давлат ва хусусий секторлар ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг замонавий шакллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

– давлатнинг ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмаларини қайта кўриб чиқиш, давлат хизмати нуфузини ошириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва маҳаллий органлар мустақиллигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, уларнинг парламент ва жойлардаги вакиллик ҳокимият органлари ҳузуридаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш, маъмурий ислохотларни давом эттириш, давлат бошқарувида инновацион шаклларни ҳамда замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, пухта кадрлар сиёсатини йўлга қўйиш, ҳокимликларнинг мустақиллиги, ташаббускорлиги ҳамда масъулиятини ошириш.

Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, унинг ижтимоий бошқарув тузилмалари ва механизмларини яратиш ислохотларнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Бунда фуқаролик жамияти институтларининг, шунинг нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёсдир. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлаштириш ислохотлар кейинги босқичининг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилди. Жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти

устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли кучайиб боради. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда<sup>1</sup>. Фуқаролик институтларининг янада ривожланишига эришиш ва уларнинг нуфузини кучайтириш мақсадида Президент томонидан жамият миқёсида давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларининг *ижтимоий шериклигини* йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилганлиги айтиш мумкин. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг муҳим кўрсаткичи инсон ҳуқуқларини кафолатли таъминланишидир. Шу боис Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат билан алоҳида фуқаролар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, демократиянинг кўйидан ривожланишини таъминлайди<sup>2</sup>. Фуқаролик жамияти институтлари жамият ишларини бошқариш борасидаги давлат фаолиятини тўлдирди, чунки улар ўз кўлами, оммавийлиги ва мослашувчанлиги туфайли ижтимоий ҳаётда юзага келадиган муаммоларни аниқлаши ҳамда давлат идораларининг имкониятлари чекланган ўринларда, айниқса, маҳаллий даражаларда таъсирчан ҳаракат қилиши мумкин.

Фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 42 – 43.

<sup>2</sup> Қаранг: Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. – Т., 2009. – Б.202.



ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Жамият бошқарувининг демократик институтлари фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий алоқаларни ўрнатиш, ушбу муносабатларни халқчил ва адолатли тартибга солиш вазифасини адо этиши боис маърифий фуқаролик жамиятини қарор топтиришга йўналтирилган ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бу борада фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигининг таъсирчан механизмларини яратишга жиддий эътибор берилмоқда.

Китобхон эътиборига тақдим этилаётган мазкур ўқув қўлланмада бугунги замонда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқаруви соҳасида алоҳида долзарблик касб этаётган қуйидаги мавзулар бўйича фикр-мулоҳаза ва таҳлил юритилиши мақсад қилинган:

– ҳозирги ўзбек жамиятининг сиёсий тизимини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги инновацион ислоҳотлар. Маъмурий ислоҳотлар: мазмуни ва истиқболлари;

– ҳуқуқий тизим ва қонунчилик соҳасидаги замонавий ислоҳотлар;

– давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

– мустақил суд ҳокимиятини қарор топтириш, суд – ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш соҳасидаги демократик янгиланишлар;

– қонун ижодкорлигини такомиллаштириш янги концепциясининг мазмун-моҳияти;

– замонавий ҳуқуқий тараққиётнинг маъно-мазмун, кадриятлари, тенденциялари ва истиқболлари;

– Ўзбекистон қонунчилиги тизимида медиация институти: шаклланиши, аҳамияти ва истиқболлари.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, эришилаётган муҳим марраларни таҳлил қилиш, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги янги ғояларни, белгиланган ҳайрли мақсад ва вазифаларни, шаклланаётган демократик институтлар ҳамда ижтимоий – сиёсий кадриятларни талқин этиш, уларни ҳуқуқий тафаккуримиз ва маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш ушбу асарни ёзишдан кўзлаган бош мақсадимиздир.

# I. СИЁСИЙ ТИЗИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сиёсий демократияни қарор топтириш, бошқача айтганда, сиёсий тизимни демократлаштириш жамиятимиз ҳозирги босқичининг муҳим йўналишидир. Давлатли уюшган жамиятда давлат бошқаруви ҳамisha сиёсий маъно-мазмун касб этади. Жамиятимиз ижтимоий – сиёсий ҳаётини муттасил эркинлаштириб бориш, модернизация қилиш ислохотларимизнинг бош мағзи ва мақсадидир. Мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий – демократик жараёнларни англаб етиш учун жамиятимиз сиёсий тизимини таҳлил ва тавсиф этиш лозим.

Жамиятнинг сиёсий тизимини талқин этиш, яъни мамлакатнинг бутун сиёсий муносабатлари, сиёсий институтлари, сиёсий кадриятлари, сиёсий мафкураси, ғояларининг, шунингдек давлат – ҳуқуқий ҳодисаларнинг амалий ифодаси ва бошқа сиёсий воқеликларнинг зоҳир бўлиши, айниқса, сиёсий ҳокимият тузилмаси ҳамда механизмларининг функционал жиҳатларини тизимли, жумладан, тегишли тушунчалар, таърифлар, воқеликлар, ҳодисаларнинг изчил тизими сифатида тасаввур этишдир.

Маълумки, ўзбек жамияти ҳам ҳар қандай кишилиқ жамияти сингари серқирра, сержило, мураккаб, улкан *ижтимоий тизимдир*. Жамиятнинг барча таркибий тузилмалари, ижтимоий тизимлари ўзаро узвий алоқадорликда, боғлиқликда, таъсир этишда мавжуд бўлади ҳамда ҳамкорликда ривожланади. Шу боис тизимлилик, ўзаро чамбарчас диалектик боғлиқлик жамиятнинг табиий ҳолати ва яшашининг зарурий шартидир. Жамият нисбатан йирик тизимли воқелик (феномен) сифатида, ўз навбатида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий – ахлоқий, диний, ҳуқуқий тизимларнинг муштарак йиғиндисидир. Мазкур мустақил тизимларнинг ҳар бири алоҳида фан соҳаларининг таҳлил ва тадқиқот объектини ташкил этади. Биз эса бу ўринда асосий эътиборни *сиёсий тизим* масалаларига қаратамиз.

“Тизим” категорияси юнонча – “sisteme” – қисмлардан иборат бутун, ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил

килувчи кўп қисмларнинг мажмуи. Ижтимоий тизимлар (сиёсий тизим эса ижтимоий тизимнинг бир туридир) бошқа барча тизимлардан ажралиб турадилар, энг содда ижтимоий бирликлардан тортиб, то жамиятнинг ижтимоий тузилмасигача бўлган турли-туман қисмлар унга мансубдир.

Энди “сиёсий тизим” феноменининг асосий мағзини ташкил этувчи “сиёсат” категориясига тўхталиб ўтамыз. “*Сиёсат*” юнонча “polis”, “politikos” сўзларининг таржимаси бўлиб, унинг маъноси “*давлатни бошқариш санъати*”, “давлат ишлари” демакдир. Қадим юнон файласуфи Демокритнинг фикрича, «сиёсат – бу давлатни идора этиш, бошқариш маҳоратидир». Бу фикрни давом эттириб Афлотун сиёсатни ҳукмдорнинг санъати сифатида, яъни шохнинг одамларни (жамиятни) бошқариш соҳасидаги билми ва қобилияти сифатида таърифлайди. «Сиёсий санъатнинг моҳияти, – дейди у, – давлатнинг умумий ҳаётини оқилона ташкил этиш ва олиб бориш қобилиятида, сиёсий «матони» тўқиш қобилиятида намоён бўлади».

Бугунги кунда сиёсат – давлат ишларида иштирок этиш, давлатни йўналтириб туриш, унинг шаклини, вазифаларини, фаолиятининг мазмунини белгиланиши (ифодаланиши) деб талқин қилинади. Сиёсат – бу турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига нисбатан бўладиган муносабатининг ифодасидир. Инглиз сиёсатшунос олимлари Г.Понтон ва П.Джилл сиёсатни уч жиҳатнинг муштарак бирлиги:

- 1) кишиларнинг ижтимоий масалаларни тушуниш ва ҳал этиш усуллари;
- 2) бу фаолият асосида ётувчи принциплар;
- 3) айрим шахс ёки гуруҳнинг вазият устидан назоратни қўлга киритиш ва уни сақлаб қолиш воситаси тарзида изоҳлайдилар.

Ҳозирги замон сиёсатшунослик фани *сиёсатни муайян* фаолиятга имконият яратиш санъати, мурасага эришиш санъати, истак (интилиш) билан аслида эришиш мумкин бўлган натижани мувофиқлаштириш санъати, деб таърифлайди. Таниқли немис олими Арнольд Бергиштрессер сиёсатни кишиларга раҳбарлик қилиш санъатининг олий кўриниши сифатида баҳолайди. Унинг

ватандоши Пауль Ноак эса кишиларни асосий ижтимоий ишларга жалб этиш санъати, маҳорати деб қарайди.

Ғарб сиёсатшунослигида кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, сиёсат – жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини муросага келтириш, уйғунлаштириш асосида оқилона қарор қабул қилаолиш қобилиятидир.

Сиёсий тизим – халқ иродасига мувофиқ сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга хизмат қилувчи сиёсий ташкилотлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат уюшмалар), сиёсий нормалар, принциплар, институтлар, сиёсий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муштарак йиғиндиси. Ушбу тизимга кирувчи элементлар нафақат сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга, балки жамиятга оқилона сиёсий раҳбарликни таъминлашга хизмат қилади.

Сиёсий тизим инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси – сиёсат, сиёсий муносабатлар ва алоқалар соҳаси билан боғлиқдир. У муайян сиёсий ироданинг маҳсули сифатида вужудга келади ва бу ироданинг амалга оширилишига сафарбар этилган воситаларнинг институциявий (ташкилий-тузилмавий) расмийлашган шакли тарзида намоён бўлади. Сиёсий тизим кишилар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг барқарор шакли бўлиб, унинг ёрдамида жамият аъзоларининг барчасига нисбатан ҳокимият таъсири амалга оширилади ёхуд қатъий иродавий қарор қабул қилинади.

Сиёсий ва ҳуқуқий адабиётларда сиёсий тизимнинг таркибий тузилиши қуйидаги қисмлардан иборат деб кўрсатилади:

*ташкилий жиҳат* – давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;

*меъёрий жиҳат* – ҳуқуқ, сиёсий норма ва анъаналар, сиёсий ҳаёт доирасидаги ахлоқ ва маданият қоидалари;

*коммуникатив жиҳат* – сиёсий институтлар ўртасидаги алоқа боғлаш воситалари ва шакллари: сайловлар, референдумлар, оммавий муҳокамалар, мажлислар, давлат ва сиёсий партияларнинг аҳолига мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, жами сиёсий алоқалар тизими ва ҳоказо;

*мафкуравий жиҳат* – сиёсий онг, жамиятда хукмронлик қилувчи, уни йўналтирувчи сиёсий мафкура.

Сиёсий тизимни бундай тушуниш унинг талқинига комплекс ёндашишни таъминлайди. Юқоридаги талқиндан келиб чиқиб, сиёсий тизимни қуйидаги асосий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: 1) сиёсий ва ҳуқуқий нормалар; 2) сиёсий тузилмалар (институтлар); 3) сиёсий фаолият; 4) сиёсий онг; 5) сиёсий маданият.

*Сиёсий ва ҳуқуқий нормалар* – Конституция, кодекслар, низомлар, партиявий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бўлиб, улар сиёсий муносабатларни тартибга солишга ва ривожлантиришган йўналтирилган бўлади.

*Сиёсий тузилмалар (институтлар)* – сиёсий ва давлат ташкилотлари, улар ўртасидаги муносабатлар, институтлар ҳамда муассасалар йиғиндисидир. Бу ерда сиёсий фаолият, ҳаракатлар ва муносабатни амалга оширишнинг ташкилий жиҳати назарда тутилади.

*Сиёсий фаолият* – жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш тизимини, умуман сиёсий тизимни муҳофаза этиш, ривожлантириш ҳамда функционал жиҳатдан таъминлашга қаратилган фаолият туридир. Мазкур фаолият индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий ташкилотларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда, сайловларда ва бошқа сиёсий жараёнларда иштирок этиши, уларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятдир.

*Сиёсий онг* – ижтимоий онгнинг бир тури бўлиб, у сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмларини акс эттирувчи ва кишиларнинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги хулқ-атворини йўналтирувчи тафаккурнинг намоён бўлишидир. Сиёсий онг-сиёсий назариялар, дастурлар, таълимотлар тарзида, шунингдек, сиёсат ҳақидаги оддий инсоний қарашлар, тасаввурлар ва анъаналар кўринишида бўлиши мумкин.

*Сиёсий маданият* – сиёсий тизим субъектлари бўлмиш сиёсий партиялар, бирлашмалар ва жамоалар давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки чоғида, шунингдек сиёсий муносабатларни

ташкиллаштириш борасида кўлланиладиган (риоя этадиган) қадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимидир. Бугина эмас, сиёсий маданият бу муайян миллат ёки ижтимоий–сиёсий жамоанинг сиёсат олами, сиёсий жараёнлар амалга ошишининг қонун ва қоидалари хусусидаги тасаввурлари мажмуи ҳамдир.

Сиёсий тизимнинг марказий таркибий бўғинини, *ўзагини-давлат* ташкил этади. Давлат сиёсатни шакллантирувчи, амалга оширувчи ва жамиятни бошқарувчи муҳим зарурий ташкилий тузилмадир. Давлат сиёсий тизимга кирувчи барча элементларни баҳамжиҳат этувчи, уларнинг ҳаракатига (фаолиятига) сиёсий мазмун бағишловчи, система ҳосил қилувчи бўғиндир. Сиёсий тизимнинг вазифа ва функцияларини адо этишда давлат ниҳоятда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат сиёсий тизимининг қонуний асосларини ташкил этади. Унда давлат, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми ва ўзаро алоқалари ҳамда фаолиятининг устувор тамойиллари белгиланган.

Сиёсий тизимнинг амал қилиши, фаолият кўрсатиши мазкур институт ҳақидаги конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқишини ва ҳаётга татбиқ этилишини англатади.

Сиёсий тизимнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, халқнинг сиёсий иродасини аниқлаш, ифодалаш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

*иккинчидан*, халқ оммасини жамият ва давлат олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажарилишига сафарбар этиш;

*учинчидан*, жамиятни уюштириш ва бошқариш, жамият ривожининг қонуниятларини аниқлаш ва илмий асослантирилган механизмларини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий системасининг *моҳияти* – халқ ҳокимиятчилигини амалга оширилишидан, ҳокимиятнинг халқ манфаатига бўйсундирилганлигидан иборат. Зеро, унинг социал базасини халқ ташкил этади.

Сиёсий тизим моҳияти қуйидаги вазифаларда ўз ифодасини топади:

– сиёсий тизим ўзида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, этник ва миллий тузилмаларини, демографик жараёнларни, аҳолининг маълумот даражасини, ижтимоий онг ҳолатини, маънавий-руҳий ва маърифий-мафкуравий ҳаётни, халқаро аҳволни акс эттиради;

– сиёсий тизим орқали манфаатларнинг асосий гуруҳлари аниқланади. Зеро, ҳозирги шароитда жамиятимиз сиёсий тизими олдида, аввало, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда турли манфаатлар мувозанатини тўғри аниқлаб олиш вазифаси турибди<sup>1</sup>.

Республикамиз сиёсий тизимининг *мақсади*:

1) Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтириш;

2) демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш;

3) ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик муҳитни, сиёсий барқарорликни, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими қуйидаги *вазифаларни* бажаради: Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини таъминлаш; мамлакатдаги сиёсий кучларни ушбу мақсадлар йўлида бирлаштириш; жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга ошириш; унда демократик тамойилларни қарор топтириш; бозор иқтисодиёти муносабатларининг муваффақиятли ривожланиши учун тегишли сиёсий шарт-шароит ва ҳуқуқий заминни яратиш; қонун устуворлигини таъминлаш; жамиятда маънавий барқарорликни таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ва шу асосида янги авлодни, комил инсонни тарбиялаш.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий системаси қуйидаги ўзига хос *хусусиятлар* билан тавсифланади:

*биринчидан*, сиёсий, иқтисодий ва ғоявий манфаатларнинг бирлиги; халқни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга сафарбар қилиш;

*иккинчидан*, ўзбек халқининг миллий, маънавий ва маданий қадриятлари, тарихий мероси билан замонавий демократик

---

<sup>1</sup>Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2008. – 122-б.



қадриятлар ва принципларни ҳамоҳанг бирлаштириш ва шу йўл билан ривожланишнинг маърифий даражасига эришиш.

Мамлакатдаги сиёсий тизим ўз фаолиятида Конституцияда белгиланган асосий принципларга таянади. Булар: 1) давлат суверенитети; 2) инсон ҳуқуқларининг устувор таъминланиши; 3) Конституция ва қонунларнинг устунлиги; 4) халқ манфаатларининг биринчи ўринга қўйилиши, ижтимоий адолат ва демократия талабларига қатъий риоя этиш; 5) ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилига риоя этиш; 6) ҳурфикрлилик ва кўппартиявийлик, ошкоралик ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади (12-модда). Сиёсий тизимни демократик тарзда фаолият кўрсатишига кафолат берувчи конституциявий қоидалардан бири оппозиция (муҳолифат) ҳуқуқларининг таъминланишидир. «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас» (34-модданинг 2 қисми). Шундай қилиб, Конституцияда Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган.

Демократик ислоҳотлар натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда сиёсий плюрализм ҳамда кўппартиявийлик институтлари (анъаналари) қарор топмоқда.

Сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрлилик (плюрализм) демократик фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти бўлиб, шахснинг эркинлиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади. Инсонлар табиатан хилма-хилдирлар, уларнинг манфаатлари ва яшаш тарзлари ҳам турличадир. Шу боис ҳар бир инсон ўзига хос фикрлайди, мушоҳада юритади. Маълумки, ҳар бир инсон танҳо ва у бетакрордир. Фикрлар хилма-хиллиги фуқаролик жамиятининг ихтироси эмас, бу табиий ҳолатдир.

«Плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маърифий жамиятга хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шароитни эътироф этадиган ва ўз ғояларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мафкура илғор, кучли ва ҳаётбахш бўлади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири-мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган сиёсий маданиятини шакллантиришдан иборат. Мазкур жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига риоя этиб яшашни жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Сайловолди Дастурида мамлакат сиёсий тизимини модернизация қилиш масаласи биринчи галдаги мақсад, устувор вазифа этиб белгиланди: «Сиёсий тизимни ривожлантириш соҳасидаги устувор вазифаларимиз ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини амалга ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришдан иборат.

Биз давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид энг муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсирини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим

---

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: «Ўзбекистон», 2000, 19-бет.

аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш тарафдоримиз<sup>1</sup>.

Мазкур фикрлар ва Сайловолди Дастурида илгари сурилган бошқа ғоялар ҳозирда юртимизда амалга оширилаётган Ҳаракатлар Стратегияси маъно-мазмунини ташкил этувчи фундаментал қоидаларга айланган.

Хўш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни *модернизация* қилиш деганда нимани англамоқ лозим? Сиёсий назария соҳасидаги адабиётлардаги талқинларга кўра, *модернизация* ибораси остида жамиятнинг ҳозирги индустрлашуви шароитидаги вакиллик сиёсий ҳокимиятининг, давлат бошқарув аппарати (оқилона бюрократия)нинг шаклланиши, ялпи урбанизация, умумий таълим тизимининг қарор топиши, ижтимоий мослашув ва сиёсий ижтимоийлашувнинг жадаллашиши асосида очиқ демократик жамият шаклланишига олиб боровчи барча жараёнларнинг йиғиндиси англанади.

Аксарият олимларнинг фикрича, модернизация цивилизациявий, ижтимоий-маданий хусусиятга ҳам эга, бошқача айтганда, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини камраб олади. Б.С.Старостиннинг таъкидлашича, модернизациянинг асосий мақсади ва маъноси фақат иқтисодий ўсишдан эмас, балки технологик маданият, бошқарув маданияти, сиёсий ва цивилизациявий маданиятларни ўз ичига олувчи ижтимоий маданият тараққиётининг маълум даражасига эришишдан иборат<sup>2</sup>.

Сиёсий адабиётларда таъкидланишича, модернизацияни уч тип (тур)га ажратиш мумкин:

– *эндоген*, яъни ўз негизида амалга ошириладиган модернизация;

– *экзоген* (имитацион), яъни ўз негизида бўлмагани учун ўзлаштиришлар асосида амалга ошириладиган модернизация;

---

<sup>1</sup>XXI аср газетаси, 2016 йил 3 ноябрь.

<sup>2</sup>Старостин Б.С. Модернизация и национальная культура. – М., 1995, с.17.

– *эндоген-экзоген*, яъни ўз негизда ҳамда ўзлаштирилган кадриятлар ва институтлар асосида бўладиган модернизация.

Эндоген-экзоген модернизацияни қўллаётган мамлакатларда сиёсий омил нисбатан муҳим ўрин тутати. Бунда ижтимоий ва сиёсий тузилмаларнинг муайян тарзда ўзгариши учун етарли шарт-шароитлар вужудга келмагани боис давлат баъзи бир ҳолларда ислохий ўзгаришлар жараёнининг ташкилотчиси (ташаббускори) бўлишга мажбур бўлади. Бу ҳол фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ва сиёсий партияларнинг мустақиллиги ҳамда ташаббускорлигини чеклашга олиб келади.

*Сиёсий модернизация* замонавий сиёсий институтлар ҳамда сиёсий тузилмаларнинг шаклланиши, ривожланиши, кенгайиши ҳамда янада такомиллашиши тарзида тушунилади. Бу ўринда замонавий сиёсий институтлар деганда хориждаги илғор сиёсий институтлар андозаларини кўр-кўрона кўчириш эмас, балки муайян жамият ривожланишининг айна босқичига мос сиёсий тизим, халқнинг (турли ижтимоий гуруҳларнинг) сиёсий ҳаётда, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш эҳтиёжларига самарали хизмат қилувчи сиёсий институтлар, тузилмалар назарда тутилади. Муҳими шундаки, мазкур сиёсий институтлар, бир томондан, жамиятда унинг олға юксалишининг муҳим шарти бўлган сиёсий барқарорликни, иккинчи томондан, кенг аҳоли қатламларининг, омманинг сиёсий иштирокини, сиёсий фаоллигини таъминлаши лозим.

«Сиёсатшуносликка кириш» маълумотнома-луғатида берилган таърифга кўра, *«сиёсий модернизация»* деганда *«сиёсий тизимни ўзгартириш, шу жумладан аҳолининг турли табақаларининг сиёсатда иштироки (сиёсий партиялар ва манфаатлар гуруҳлари ёрдамида) кучайиши ва янги сиёсий институтларнинг (ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий сайлов тизимлари, кўп партиявийликнинг) вужудга келиши тушунилади»*<sup>1</sup>.

Сиёсий модернизацияни ҳозирги замон сиёсий институтлари ва уларнинг амалиётини, шунингдек замонавий сиёсий тузилмани шакллантириш ва ривожлантириш деб таърифлаш мумкин.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Введение в политологию / Под ред. В. П. Пугачева. – М., 1996. – С. 131.

Сиёсий модернизация деганда, шунингдек ижтимоий мақсадларнинг янги андозаларига мослашишга ва ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлайдиган янги институтларни ташкил этишга сиёсий тизим имкониятининг ортиши ҳам тушунилади. Бу жараён ҳам объектив (ижтимоий-иљтисодий ва маданий), ҳам субъектив (сиёсий раҳбариятнинг сиёсий тизимни озми-кўпми самарали ўзгартиришга қодирлиги) омиллар билан белгиланади.

Сиёсий модернизациянинг универсал таркибий қисм элементларини ажратиш мумкин:

- сиёсий роллар ва институтлар юксак даражада ихтисослашган табақалаштирилган сиёсий тузилмани ташкил этиш;
- мустақил замонавий давлат барпо этиш;
- давлатнинг иштирокини кучайтириш, давлат ва фуқароларни боғловчи қонуннинг аҳамиятини ошириш ҳамда унинг амал қилиш доирасини кенгайтириш;
- фуқаролар (сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган шахслар) нинг сонини кўпайтириш, ижтимоий табақалар ва шахсларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш;
- оқилона сиёсий бюрократиянинг вужудга келиши ва кўпайиши, оқилона раҳбарга эга бюрократик ташкилотни бошқарув ва назоратнинг етакчи тизимига айлантириш;
- анъанавий элиталар ва улар легитимлигининг кучсизланиши; таракқийпарвар элиталарнинг кучайиши<sup>1</sup>.

Сиёсий модернизация жараёнларига икки омил тўсиқ бўлиши мумкин: биринчиси, – сиёсий соҳанинг жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларидаги ўзгаришлардан, янгиланишлардан ортда қолиб кетишидир, бу инқилобий инқирозга сабаб бўлиши мумкин; иккинчиси, – фуқаролик жамиятининг ривожланиш ҳолати, сиёсий элитанинг умумий даражаси ва социумнинг сиёсий маданияти демократик ислоҳотлар шиддатига тайёр эмаслигидир.

Сиёсий элитани ислоҳотларни бошлашга даъват этувчи ички ва ташқи омиллар мажмуи модернизацияни бошлашга рағбатлантиради. Янгиланиш жараёнлари иқтисодий ва ижтимоий

---

<sup>1</sup>Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш. “Сиёсий маданият” – Т., 2004, 264, 265, 266-бетлар.

институтларни қамраб олиши мумкин, аммо анъанавий сиёсий тизимга дахл этмаслиги керак. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий модернизацияни «юқори»дан, эски сиёсий институтлар доирасида ва анъанавий элита раҳбарлигида амалга ошириш мумкин. Аммо бошланган анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтиш жараёни муваффақиятли тугаши учун бир қатор шартларни бажариш, авваламбор, жамиятнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар ўртасида мувозанатни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, техникавий-иқтисодий модернизациянигина эмас, анъанавий институтларни ўзгарган шароитларга мослаштириш ва янги институтлар ташкил этиш жараёнини ўз ичига олган сиёсий модернизацияни ҳам амалга оширишга ҳукмрон элитанинг тайёрлиги жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилишнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш ва уни изчил жорий этиш муҳим саналади. Бунда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш босқичига ўтаётганлигимиз боис иқтисодий инфратузилмани тубдан қайта қуриш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш талабларига мос келадиган сиёсий тизимни қарор топтириш лозим. Айни вақтда, иқтисодиётни бошқаришнинг эскирган тизими ўрнига инновацион ғояларга асосланган самарали механизмларни жорий этиш, тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш ва унинг кафолатларини кучайтирувчи ҳуқуқий механизмларни яратиш, сиёсий ва давлат бошқарувининг оптимал инновацион шаклларини жорий этиш, бутун жамиятни ва давлат сиёсатини маърифийлик ҳамда маданият томонига буриш талаб этилади. Шунингдек, сиёсий тизимни демократлаштириш учун фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки ҳамда ташаббускорлигини таъминлаш, давлат билан жамиятнинг ижтимоий шериклигини йўлга қўйишга реал хизмат қилувчи сиёсий институтлар ҳамда механизмларни шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Таассуфки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган чорак асри мобайнида жамият ва давлат бошқарувининг самарали сиёсий механизмларини яратишга, сиёсий тизимни том маънода демократлаштиришга хизмат қиладиган сиёсий институтларни шакллантиришга етарли эътибор қаратилмади. Жамиятимиз ижтимоий – сиёсий тараққиётининг аниқ дастурини яратиш ўрнига прагматик сиёсат юритиш йўли танланди. Қатор сиёсий-демократик ислохотлар ўтказиш, тегишли сиёсий институтларни жорий этиш тадбирлари “ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш” деган ваз билан ортга сурилди ёки кун тартибига умуман қўйилмади. Масалан, сайлов тизимини демократлаштириш борасида сусткашликка йўл қўйиб, узок йиллар мобайнида халқаро ташкилотлар, экспертлар ва кузатувчиларнинг танқидий мулоҳазаларини эътиборсиз қолдириб, хаспўшлаб келдик. Жумладан, парламентнинг халқ томонидан бевосита сайланадиган қўйи палатаси таркибида “Эко ҳаракат” вакиллари учун 15 та депутатлик ўринларини квоталаб қўйиш Конституциянинг 117 – моддасида мустаҳкамланган “ҳар бир сайловчи бир овозга эга” деган принципни бузишга олиб келди. Яъни, парламентга сайлов жараёнида актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар депутатликка номзодлар учун ўз яшаш жойларидаги сайлов участкаларида бир марта овоз берадилар. Умумий сайловлар ўтгач, Марказий сайлов комиссияси белгилаган муддатда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг республика Конференцияси ўтказилади. Конференция делегатлари бўлган фуқаролар Қонунчилик палатасининг ўн беш депутатини сайлаш учун овоз берадилар. Демак, Ўзбекистоннинг баъзи фуқаролари ҳам ҳудудий сайлов участкасида, ҳам Конференцияда овоз бериб, “икки овозга” эга бўладилар. Бу эса Конституциянинг 117 – моддасига зиддир.

Юқорида таъкидланганидек, сиёсий тизимнинг ислох этилиш мароми бошқа жабҳалардаги ислохотлар суръатидан анча суст бўлди. Энг асосийси, халқ оммаси сиёсий жараёнларга кенг жалб этилмади, ижтимоий онг “фуқаролик жамиятининг сиёсий тизими” воқелигидан узоклаштирилди ёки чалғитилди. Бу борада қуйидаги тенденцияга эътибор қаратиш ўринли.

Тараққийетимиз турли даврларида ижтимоий онг эътиборига турлича цивилизацион ғоялар, бошқача айтганда, шiorлар ҳавола қилинди. Масалан, дастлаб давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ялпи ислоҳ этиш – *демократлаштириши* (1992 – 1995 й.й.), сўнгра ижтимоий – сиёсий ҳаётни *эркинлаштириши* (1996 – 2000 й.й.), иқтисодиётни давлат ва жамият қурилишини, суд-ҳуқуқ соҳасини, жиноятга жазо тайинлаш сиёсатини *либераллаштириши* (2001 – 2004 й.й.), кейинги босқичда давлат ва жамиятни *модернизация қилиши* (2005 – 2010 й.й.), иқтисодиётни *дифференциация қилиши* (2008 – 2012 ва кейинги й.й.), демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш *концепцияси* тақдим этилди (2010 – 2016 й.й.) ва ҳ.к.

Сиёсий тизимнинг муҳим қисми ҳисобланган сиёсий партиялар сунъий тарзда шакллантирилиб, давлат тузилмалари назоратида “ривожлантирилди”, улар ўртасида ҳақиқий сиёсий рақобат ривожланиши учун шароитлар яратилмади, соғлом сиёсий оппозиция қарор топмади. Муҳим сиёсий қарорлар ва қонунлар қабул қилинишида таянч механизмларига эга бўлиш мақсадида дастлабки ўн йилликда парламент таркибида ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки институти шакллантирилди. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларини ислоҳ этиш тўғрисидаги қонун билан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари айна вақтда маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари фаолиятига ҳам раҳбарлик (раислик) қилиши тартиби жорий этилди. Ушбу нодемократик институт қарийб йигирма беш йил давомида амал қилиб келди.

Давлат тузилмалари билан сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида самарали ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйишнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмлари яратилмади. Сиёсий ҳаётга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этишнинг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари



томонидан ифодаланадиган манфаатларини ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермади<sup>1</sup>.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг долзарб масалаларини муҳокама этиб бориш, мулоқот юритиш, фикр ва ахборот алмашиш учун муносиб сиёсий майдон яратилмади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ўта муҳим, шунингдек сиёсий тизим ривожини учун аҳамиятли институти бўлмиш фуқароларнинг том маънода ўзини ўзи бошқаруви ривож топмади. Ёки у бир томонлама – фақат маҳалла даражасида ривожлантирилди, холос. Аслида ўзини ўзи бошқарув принципи сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа барча нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг асосини ташкил этиши лозим эди.

Сиёсий партияларнинг фаолияти, уларнинг сайлов жараёнларидаги иштироки, бошқа фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши, айниқса оммавий ахборот воситалари ва диний ташкилотларнинг фаолияти қатъий давлат назорати остида бўлиб келди. Уларнинг ташаббуслари давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланишга сазовор бўлмади. Бундай муҳит фуқароларнинг сиёсий институтларга, сиёсий тизимга бўлган ишончига путур етказди.

Сиёсий модернизация йўлидан бораётган жамият олға силжишининг ўзига хос кўрсаткичи – бу аввало, парламентнинг сиёсий институтлар тузилмасидаги ўрни ва роли, турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари парламентда ўз ифодаси (вакиллиги)ни топганлиги, уларнинг ҳокимият қарорларини қабул қилинишига реал таъсир ўтказиш имкониятидир. Айнан шу боис Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида “давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти устидан парламент

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. – Халқ сўзи. 2018 й. 5 май.

назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро ҳокимиятининг бошқа бўғинлари устидан назорат ваколатларининг кенгайтирилганига оид конституциявий янгиликларни баёнимизнинг кейинги фаслларида муфассал келтирамиз.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак” номли маърузасида парламент, бошқа ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партияларнинг ўтган даврдаги фаолиятини танқидий руҳда таҳлил қилиб берди<sup>1</sup>. “Бугун биз замон талабларидан келиб чиқиб, тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлидан жадал илгарилаб бормоқдамиз... Биз миллий парламентимиз тимсолида, аввало, жамиятимизнинг ҳақиқий кўзгусини, одамларни ўз ортидан эргаштириб, эзгу мақсадлар сари бошлашга қодир бўлган катта бир кучни кўрамиз”<sup>2</sup>. Шу боис Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид энг муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш лозим. Бунда парламент мажлисларида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини муҳокама этиш, вазирлар ва давлат кўмиталари раисларининг, Бош Прокурор ҳамда бошқа идоралар раҳбарларининг ҳисобдорлигини мунтазам йўлга қўйиш, шунингдек, парламент сўрови, депутатлик сўрови институтларини фаоллаштириш зарур бўлади. Бу ишлар фақат мамлакат парламенти даражасида бўлиб қолмасдан, балки пастки бўғинда, яъни вилоят, туман, шаҳар вакиллик органлари даражасида ҳам йўлга қўйилиши муҳимдир.

Парламент ва депутатлик сўровларига беписандлик қилган раҳбарлар, мансабдор шахсларга тегишли ташкилий чоралар, шу жумладан маъмурий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилиши лозим.

---

<sup>1</sup>Халқ сўзи, 2017 йил 13 июль.

<sup>2</sup>Халқ сўзи, 2017 йил 13 июль.

Ҳозирги ислохотларнинг пойдеворини ташкил этаётган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқий ислохотлар жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида парламент, маҳаллий вакиллик органлари, шунингдек сиёсий партиялар ва ҳудудий партиявий гуруҳларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакат сиёсий ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини таъминловчи механизмларни шакллантириш, уларнинг ташаббускорлигини, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнлар ва воқеликларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш самарали натижалар бериши табиий.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан парламентнинг қатъиятига, ҳукумат ва ижроия ҳокимият органларининг масъулиятига, сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига бевосита боғлиқ.

Ижроия ҳокимият тузилмаларини шакллантириш ва фаолиятини ташкил этишни демократлаштириш сиёсий тизимни модернизациялашнинг муҳим йўналишидир. Ҳокимият тармоқлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш принципи ҳаётга жорий этилиб, фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб боргани сайин ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари, ваколатлари ҳамда тизимини оптималлаштириш, модернизация қилиш амалга оширилади.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида ўтган даврда қуйидаги қадамлар қўйилди:

*Биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари аниқлаштирилди. Хусусан, Конституциядан “Президент айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади” деган қоида (89-модда) чиқариб ташланди.

Илгари Вазирлар Маҳкамаси Раисига тегишли бўлган ваколатлар, масалан, Ҳукумат фаолиятига раҳбарлик қилиш, унинг мажлисларида раислик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини имзолаш ҳуқуқи Бош вазирга ўтказилди.

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, иқтисодиётни бошқаришга бозор методлари жорий этилиб, хўжалик ва моддий неъматлар яратиш соҳасидаги давлат бошқаруви ривожлангани сари Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижроия органларининг мустақиллиги кучайиб, масъулияти ҳам ошиб борди.

*Иккинчидан*, Президентнинг айрим ваколатлари Парламентга ўтиши боис, Бош вазирнинг номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Олий Мажлис палаталарининг ваколатига айланди. Ҳукумат таркиби бўйича таклифни Бош вазир киритади, уни Президент тасдиқлайди. Олий Мажлиснинг Сенати ваколатларига хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз раҳбарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, амнистия актларини қабул қилиш, Давлат хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш кабилар берилди.

*Учинчидан*, давлат органларининг айрим функцияларини фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш чоралари кўрилди. Масалан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ажратиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилди.

Ҳозирги босқичда сиёсий тизимни модернизация қилиш ишларини қуйидаги йўналишларда давом эттириш талаб этилади:

– давлат бошқаруви тизимини янада оптималлаштириш, давлат бошқарувида номарказлаштиришни давом эттириш;

– Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган ислоҳотлар ва чора-тадбирларни изчил ҳамда тизимли амалга ошириш;

– давлат органларининг иқтисодиётга, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятига, сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг ишларига аралашувини чеклаш;

– бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мулкни давлат йўли билан бошқаришнинг самарали тизими ҳамда механизмларини

жорий этиш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш;

– давлат бошқарувини модернизация қилишда унинг маънавий ва маданий жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Шу боис мамлакатда замонавий маъмурий бошқарув маданиятини шакллантириш лозим.

Шундай қилиб, мамлакатимиз сиёсий тизимини модернизация қилиш силлиқ, равон, муаммосиз амалга ошаётгани йўқ. Бунда даврнинг талаб ва эҳтиёжларини, халқнинг хоҳиш-истакларини, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг объектив қонуниятларини инобатга олиб ҳаракатланиш лозим бўлади. Ана шундагина Конституция ва Ҳаракатлар стратегияси асосида ўтказилаётган ислохотлар сиёсий тизимни демократик маъно-мазмунга эга бўлишига, унинг қарор топаётган фуқаролик жамиятига хос хусусиятларга муносиб бўлишига имконият яратилади.

## **2. ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ВА ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: МАЗМУНИ ВА УСТУВОР ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизими жамиятнинг жўшқин ривожланаётган ижтимоий тизимларидан биридир. Ҳуқуқий тизимнинг тараққий этганлик даражаси, мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазият билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятида намоён бўлади. Нафақат ҳуқуқшунослар, балки барча фуқароларнинг ҳуқуқий тизим тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлишлари фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадларига эришиш учун ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимининг мазмун-моҳиятини тўла тавсифлаш мақсадида «ҳуқуқий тизим» тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий ҳодисаларга тизимли ёндашув уларни мукамал ўрганишга кўмаклашади. Ҳуқуқий ҳодисалар – инсонлар иродасининг маҳсули. Айнан инсонлар, уларнинг уюшмалари сиёсий-ҳуқуқий институтларни вужудга келтиради ҳамда ҳуқуқий ҳодисаларни расмийлаштиради. Мазкур сиёсий институтлар ва ҳуқуқий ҳодисалар йиғиндиси ўзаро алоқада бўлади ва яхлит бир бутунни ташкил этади.

Ҳуқуқий тизим ҳуқуққа оид тушунчалар, ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий жараёнлар ва бошқа барча ҳуқуқий воқеликни ўзида мужассамлаштирган ҳолда улар ўртасидаги алоқадорликни ифодалайди. Ҳуқуқий тизим, ўз навбатида, давлат ва жамиятнинг ҳуқуққа муносабатини акс эттиради. Юқори даражада ривожланган ҳуқуқий тизим нафақат ҳуқуқни ижод қилувчи, уни амалга оширувчи ҳамда муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қулайликлар яратади, балки бутун жамиятни ҳуқуқ талаблари доирасида ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Ҳуқуқий тизимни алоҳида ўрганиш ва унга баҳо беришда куйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- ҳуқуқий тизим тушунчаси (мазмун);
- ҳуқуқий тизимнинг таркиби (тузилиши);

- ҳуқуқий тизимнинг амал қилиш доираси (маконда ва замонда);

- ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари (белгилари).

Ҳуқуқий тизим тушунчасини таҳлил этишда, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимларининг фикрларига эътибор қаратиш лозим. Ушбу тушунча ҳуқуқшунослар томонидан турлича талқин этилади. Баъзи муаллифлар «*ҳуқуқий тизим*»ни «*ҳуқуқ тизими*» ибораси билан бир хил деб тушунадилар, бошқа олимлар эса, мазкур тушунча доирасида ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро дахлдорлигини назарда тутадилар. Учинчи гуруҳ мутахассислар «ҳуқуқий тизим тушунчаси норматив тузилма сифатида ҳуқуқнинг тузилишини, ваколатли органларнинг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги фаолиятларини қамраб олади», деб таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Академик В.С.Нерсисянцнинг фикрича, ҳуқуқий тизимни таърифлаш, ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқни умумий тушунишни, шартли равишда «ҳуқуқий тизим» сўзи билан алмаштирилишини билдиради<sup>2</sup>.

«Ҳуқуқий тизим» тушунчасини талқин этиш орқали ҳуқуқнинг очилмаган янги қирраларини билиб олиш ва шу билан бир қаторда ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантириш мумкин. «Ҳуқуқий тизим» билан «ҳуқуқ тизими»ни қиёслаб кўрайлик. Тўғри, ҳуқуқ тизими ўз таркибига ҳуқуқ соҳалари, ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқ нормаларини қамраб олгани ҳолда, ҳуқуқий тизимнинг норматив ўзагини ташкил этади. Лекин фақат ҳуқуқий нормаларнинг ўзи ҳуқуқий тизимнинг ҳажмини тўлиқ ифодалай олмайди. *Ҳуқуқий тизим* ҳуқуқ нормаларидан иборат бўлган объектив ҳуқуқдан фарқ қилиб, нафақат бир турдаги элементларни, балки турли йўналиш ва ҳаракатда бўлган ҳуқуқий тузилмаларни, ғояларни, принципларни, жараёнларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқий тизимга ҳаракатдаги (функционал) ҳодиса сифатида қараш лозим. Ҳуқуқий тизим кенг қамровли тушунча бўлиб, муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, ҳуқуқ нормалари ҳамда ҳуқуқий жараёнларнинг

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Общая теория права. Т.1. – М., 1981, – С.87-88.

<sup>2</sup>Проблемы общей теории права и государства / Отв. ред. В.С. Нерсисянц. – М., 2000. – С.450.

муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ва алоқадорлигидир.

Ҳуқуқий тизим деганда, бирор-бир мамлакат доирасида амал қилувчи барча юридик институтлар ва муассасаларнинг йиғиндисидан иборат мамлакатнинг бутун ҳуқуқий тузилмаси, жамиятнинг ягона вужуд сифатида ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилганлиги тушунилади. Бу нафақат ҳуқуқий нормалар, шу билан бирга, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий амалиёт ва ҳоказоларни қамраб олади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий тизим – ўзаро боғлиқ бўлган, мутаносиб ва бир-бирига таъсир қилувчи ҳуқуқий воситалардан иборат бўлиб, ижтимоий муносабатларни, шунингдек, у ёки бу мамлакатдаги ҳуқуқий ривожланиш даражасини тавсифловчи таркибий қисмларни бирлаштиради. Ушбу таъриф ҳам ҳуқуқий тизим мазмунини ёритишда муайян аҳамият касб этади.

Адабиётларда таъкидланишича, «ҳуқуқий тизимни ички мувофиқлашган, ўзаро боғланган, ижтимоий бир турдаги юридик воситаларнинг йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Давлат уларнинг ёрдамида ижтимоий муносабатларга зарур норматив таъсир (мустаҳкамлаш, тартибга солиш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш каби) кўрсатади».<sup>2</sup> Лекин фанда «ҳуқуқий тизим» тушунчасини «ҳуқуқ тизими», «қонунчилик тизими», «юридик нормалар тизими» тушунчалари билан айнан бир хил, деб ҳисоблаш учраб турибди. Ҳуқуқий тизимни тушунишда, «ҳуқуқ тизими» ва «ҳуқуқий тизим» категорияларининг бир-биридан фарқини ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир.

*Ҳуқуқ тизими* – ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички қурилиши – таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни кўрсатади. Ёки, ҳуқуқ тизими – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқнинг ички тузилиши билан боғланган, ҳуқуқий нормаларни изчил тарзда жойлаштирилишининг ифодасидир. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички

<sup>1</sup> Қаранг: *Марченко М.Н.* Теория государства и права в вопросах и ответах. – М., 2001. – С.131.

<sup>2</sup> *Матузов Н.И.* Правовая система и личность. – Саратов. 1987. – С.26.



таркибий тузилишидир. Унинг таркибига: ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳалари (тармоқлари) киради. Демак, *ҳуқуқ тизими* – ҳуқуқнинг ички тузилиши, унинг таркибий қисмларини ташкил этилиши ва жойлашининг муайян тартибини ифодалайди.

*Ҳуқуқий тизим* эса, мамлакат ҳудуди доирасида амал қиладиган барча юридик воситалар, ҳуқуқий жараёнлар, институтлар ва муассасаларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, жамиятнинг ҳуқуқий тузилиши, унинг бутун ҳуқуқий ҳаёти ва ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилишини ифодалайди. Ҳуқуқий тизим нафақат ҳуқуқ нормаларининг ўзи, балки уларни ҳаракатга келтирувчи, ўзаро боғлиқ ҳуқуқий ҳодисалар ёки воситалар ҳамда уларнинг бир бутун ҳаракатдаги кўринишидир. Ҳуқуқий тизим таркибига ҳуқуқ нормалари билан бир каторда, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий тамойиллар, юридик муассасалар ва бошқалар киради. Ҳуқуқий тизим асосан муайян мамлакат ва давлат миқёсида амал қилади. Чунки, давлатларда ҳокимиятни амалга ошириш усули, давлат органларининг ташкил этилиши ва шу каби давлатнинг асосий сиёсий хусусиятларига қараб, унинг қонунчилиги ва ҳуқуқий тизими яратилади.

Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида таркибий қисмлари тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида ўзаро чамбарчас боғланган бўлади ва бир-бирига фаол таъсир кўрсатади. Бундай тартибга солиш ягона мақсадга, яъни жамият барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган.

*Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими* – мамлакатимиздаги ҳуқуқий воқеликни, ижтимоий борлиқнинг таркибий қисми сифатида ифодаловчи нисбатан янги ҳуқуқий категориядир. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, моҳият ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизимни шакллантиришга киришилди. Албатта, ҳуқуқий тизимни яратиш бир қанча йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Замон руҳига ёт, ягона мафкурани ўрнатувчи, бозор муносабатларига тўсқинлик қилувчи

нормалар бекор қилинди, баъзилари эса моҳиятан ўзгартирилди ва аксарият қоидалар мутлақо янгидан қабул қилинди. Бу нормалар яхлит тизимнинг таркибий қисмларига айланди, янги ҳуқуқий тизим ҳосил қилди.

**Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими** – бу умум эътироф этилган талаблар ва халқ манфаати ҳамда фуқароларимизнинг эркин ҳаёти, фаровон келажагини ҳисобга олган ҳолда яратилган, унга мувофиқ ҳаракатда бўлган ҳуқуқий ҳодисалар, воситалар, жараёнлар, принциплар, институтлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро мантикий боғлиқ ҳолдаги ифодасидир.

Мамлакат ҳуқуқий тизими муайян давлатнинг ички ҳуқуқий ҳаёти, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тизими билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий амалиёт ва юридик фанни қамраб олувчи, ўзига хос амал қилиш хусусиятларига эга бўлган ҳамда доимий ривожланишда бўлган ижтимоий-ҳуқуқий воқелиқдир.

Жамиятнинг ҳуқуқий тизими ўзининг муайян мантикий ички таркибий тузилишига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. «Ҳуқуқий тизим» ўз таркибий қисмларининг тизимли мажмуи тарзида гавдаланади ва нормалар йиғиндиси ҳисобланмиш объектив ҳуқуқдан жиддий фарқ қилади. Мазкур фарқ шундаки, ҳуқуқий тизим бир турдаги элементларнигина эмас, балки турли йўналиш ва мақомдаги тузилмаларни қамраб олади, бирлаштиради. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тизим таркибига:

**1) фалсафий ёки мафкуравий** (ҳуқуқнинг талқини, ҳуқуқий тушунча ва категориялар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият);

**2) норматив** (жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормалар мажмуи);

**3) институционал-ташкилий** (ҳуқуқижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёни билан боғлиқ юридик муассасалар);

**4) социологик**, яъни **ижтимоий** (ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни татбиқ этиш, қонунийлик муҳити, юридик амалиёт) элементлар киради.

Ҳуқуқий тизим ҳаракатдаги "жонли" ҳодиса сифатида талқин этилиши лозим. Зеро, у ижтимоий ҳаётнинг фаол таркибий қисми сифатида кишилар ўртасидаги муносабатларни узлуксиз тартибга солиш вазифасини бажаради. Амалий жиҳатдан ҳуқуқий тизим ҳаракатланишининг динамик талқини муҳим аҳамият касб этса, илмий нуқтаи назардан уни статик (ҳаракатсиз) тарзда ажратиб олиб ифодалаш муайян мазмунга эга. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий тизим структурасини *статик* ва *динамик* жиҳатдан тавсифлаш мумкин.

Статик ҳолатда унинг таркибий қисмлари қуйидагилардир: 1) юридик нормалар; 2) ҳуқуқий принциплар ва институтлар; 3) ҳуқуқий муассасалар йиғиндиси; 4) ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, тасаввурлар.

Динамик ҳолатда: 1) ҳуқуқ ижодкорлик жараёни; 2) ҳуқуқни амалга ошириш (қўллаш) жараёни; 3) ҳуқуқий муносабатлар; 4) ҳуқуқий тартибга солиш механизми; 5) ҳуқуқий тафаккур (ҳуқуқий онгнинг ривож, ижтимоий ҳаётга фаол таъсири). Ҳуқуқий тизимнинг динамик кўриниши бу мазкур тизим элементларининг ҳаракатланиш жараёни, унинг мақсадли йўналиши ва пировардида кўрсатадиган самарасидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳуқуқий тизим – мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида ўз таркибида мамлакатдаги мавжуд барча ҳуқуқий воқеликларни, яъни, ҳуқуқий воситалар, ҳодисалар, институтлар, муассасалар, бинобарин ҳуқуқий ҳаётни акс эттирувчи бутун бир реалликни ифодалайди.

Ҳуқуқий тизимнинг таркибий элементларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

**1. Норматив хусусиятга эга бўлган таркибий элементлар:**

а) ҳуқуқ; б) ҳуқуқ тизими; в) ҳуқуқий принциплар; г) ҳуқуқнинг манбалари.

**2. Ҳаракатда (муайян жараён орқали) ифодаланадиган таркибий элементлар:**

а) ҳуқуқ ижодкорлиги; б) ҳуқуқни амалга ошириш, қўллаш жараёни; в) ҳуқуқий муносабатлар; г) ҳуқуқий тартибга солиш механизми;

### ***3. Ғоявий-мафкуравий мазмунга эга бўлган элементлар:***

а) ҳуқуқий онг; б) ҳуқуқий маданият; в) ҳуқуқий мафкура; г) ҳуқуқий сиёсат; д) юридик фан (ҳуқуқий тафаккур); е) қонунийлик муҳити ва ҳуқуқий тартибот режими.

### ***4. Ташкилий – таркибий элементлар:***

а) юридик муассасалар: ҳуқуқий фаолият билан шуғулланувчи давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг ўз ҳуқуқий тизими қарор топди. У вужудга келиш, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларини «бошидан» кечирмоқда. Айтиш жоизки, ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи барча ҳуқуқий институт ва ҳодисалар бирдек юксак маромда ривож топаётгани йўқ. Айрим элементлар масалан, қонунчилик жадал ривожланаётган бўлса, бошқа элементлар сустроқ ривожланмоқда ёки ҳали эски шакл ва қолиплардан тўла ҳалос бўла олгани йўқ, хусусан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳоказо. Бу эса ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий элементлари тубдан ислоҳ этилиши, давр талабларига мослаштирилиши лозимлигини англатади. Ҳуқуқий тизимнинг таркибий бўғинларини инобатга олган ҳолда *ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари* қуйидагича талқин этилиши мумкин:

### ***Ҳуқуқий тизимни либераллаштириш (эркинлаштириш).***

Бугунги кунда бутун дунё миқёсида ҳуқуққа ва у билан боғлиқ барча ҳодисаларга баҳо беришда «**либеритар**» (яъни, ҳуқуққа эркинликни таъминлаш воситаси сифатида қараш) ёндашув устувор мавқени эгалламоқда. Бу концепцияга асосан **ҳуқуқ** – авваламбор **эркинлик, адолат ва тенглик мезони**, уларни таъминлаш воситаси, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг мулкый мустақиллиги (дахлсизлиги)ни таъминловчи норматив тизимдир.

Мазкур доктрина икки асосий жиҳат билан таърифланади. *Биринчиси*, шахс эркинлиги ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш (либераллаштириш) бўлса, *иккинчиси* – ижтимоий адолат принципнинг устуворлигини таъминлаш, уни жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингдиришдан иборат.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши ижтимоий-ҳуқуқий вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Қонунчилик моҳият эътибори билан тубдан ўзгарди, бутун ҳуқуқий тизимни либераллаштириш сари йўл олинди, айниқса, жинойтчиликка қарши кураш сиёсати эса либераллаштириш ва инсонпарварликка юз тутди.

Шубҳасиз ҳуқуқий тизимнинг марказий ўзагини Конституция ташкил этади. Конституция жамият ва давлат биносининг пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда... Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир”.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз иродасини мустаҳкамловчи олий мартабадаги қонун сифатида давлатимизнинг моҳиятини, ҳуқуқий қиёфаси ва табиатини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини, маънавий кадриятларимиз асосларини мустаҳкамлайди.

Давлат раҳбаримиз эътироф этишича, Асосий қонунимиз ва унинг замирида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашида беқиёс ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизнинг давлат ва жамият ҳаёти барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган жадал ва инновацион ривожланиш йўлига ўтиши, аввало, Конституциямизни ушбу талабларга мос тарзда ислоҳ қилишни, қолаверса, бутун қонунчилик тизимини тегишлича модернизациялашни тақозо этди.

Таҳлил этилаётган даврда конституциявий ислохотлар ҳам давр руҳига мувофиқ маъно-мазмун касб этди. Улар Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, ижтимоий адолатга эришиш,

аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мавзуларига қаратилди. Хусусан, 2017 йил 28 мартда Конституциямизнинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 112-моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакат Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016 йил 21 октябрь) ва “Ўзбекистон Республикаси Суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил 21 феврал) фармонларидаги муҳим ғоя ва янгиликлар асосида амалга оширилди.

Мазкур ўзгартиришларни назарда тутган Қонун Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган принципиал қоидалардан иборат бўлиб, уларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялар лавозимларига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу тузатишларга мувофиқ, Олий хўжалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига - Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди. Суд ҳокимиятининг олий органи иккита эканлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги, авваламбор, суд тизимини бошқариш функцияларининг такрорланишига сабаб бўлаётган эди, амалдаги тузилма ягона суд амалиётини, хизмат вазифаларининг оқилона тақсимланишини таъминлаб бермаётган эди.

Қабул қилинган конституциявий ўзгартишлар мамлакатимизда суд тизимини янада чуқур ислоҳ қилиш, демократлаштириш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш учун асос яратди.

Мазкур конституциявий тузатишларга мувофиқ суд тизимида

иқтисодий ва маъмурий судлар тузилди. Таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий, маъмурий судларини, шунингдек, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларини ҳамда туман, шаҳар маъмурий судларини ташкил этишни назарда тутувчи ушбу конституциявий ўзгартишлар мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий, иқтисодий, бозор ислохотларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг, хусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлик фаолиятини судда ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланди. Жумладан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шу жумладан, давлат органларининг ҳаракатларига ёки ҳаракатсизлигига, қарорлари устидан фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг берган шикоятларини ва мурожаатларини кўриб чиқишга ваколатли бўлган турли даражадаги маъмурий судларнинг тузилиши инсонларнинг, юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ва эркинликларини, манфаатларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида жами 218 та маъмурий судлар (267 та судьялик штати) ташкил этилиб, фаолият юритмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон ва вилоятларда 14 та иқтисодий судлар, туман ва шаҳарларда - 70 та, жами 84 та иқтисодий судлар ташкил этилган. Иқтисодий судлар томонидан 2018 йил давомида 445 782 та иш кўриб чиқилиб, давогарлар фойдасига 11,2 трлн. сўмга яқин маблағ ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган.

Асосий қонунимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимида янги институт - Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши жорий этилди. Бу Кенгаш аввал амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини алмаштирди.

Судьялар олий кенгаш тузилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 111-моддасининг янги таҳририда Судьялар олий кенгашининг конституциявий мақоми

аниқ мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгилаб қўйилди. Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тайинланиши (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 4-банди), Судьялар олий кенгаши аъзолари қонунга мувофиқ давлат раҳбари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Конституция Судьялар олий кенгашига кенг ваколатлар беради. Конституция 93-моддаси биринчи қисми 14-бандининг янги таҳририга мувофиқ, Президент Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади.

Айни пайтда, Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судлари раисларини ҳамда судьяларини мустақил равишда лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади. Шунини қайд этиш керакки, аввал судьяларнинг бу тоифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланар эди.

Конституцияга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилашга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини такомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган ушбу ва бир қатор бошқа ўзгартиш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашнинг, мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланди.

Парламентнинг айни шу 2017 йил мартдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги



Қонун қабул қилинди. Унда мустаҳкамланган қоидага кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади (Қонуннинг 2-моддаси).

Мазкур Қонуннинг 5-моддасида Судьялар олий кенгашининг таркиби ва шакллантириш тартиби белгиланган:

Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан - жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибида судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади. Кенгаш раисининг ўринбосари ва унинг ўн бир нафар аъзоси Раис тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялар орасидан тасдиқланади.

Кенгаш котиби ва унинг етти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланади.

Кенгаш раиси, котиби ва судьялар орасидан тасдиқланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, Кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан Кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Кенгаш: Судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш вазифаларини бажаради (6-модда).

Кенгаш жумладан қуйидаги ваколатларни амалга оширади: Судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантиради; судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида тайинлашни ташкил этади; Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Президентга таклифлар киритади (7-модда).

Конституциянинг 93-моддасига киритилган янгиликка мувофиқ, Конституциявий суд Президент тақдимиغا кўра ва Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшган ҳолда Сенат томонидан сайланади.

Юқоридаги Қонун асосидаги конституциявий ислохотларга мувофиқ, Конституциявий суднинг мақоми кучайтирилди ҳамда ваколатлари жиддий кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирдаги 80-моддасининг 2-4 бандларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат мутлақ ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан тегишли Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини ва Олий хўжалик судини олди ваколоти белгиланган эди. Олий суд ва Олий хўжалик судларининг бирлаштирилиши, мутлақо янги институт, яъни конституциявий мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши муносабати билан Олий Мажлис Сенати тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш ҳамда Судьялар олий кенгаши раисини тайинлаш ваколатига эга эканлиги белгиланди.

Конституциянинг 81-моддаси 7-қисмидаги нормага тегишли ўзгартириш киритилди. Мазкур ўзгартиришга кўра эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида мамлакат Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, мамлакат Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши раислари, Бош прокурор, Марказий банки Бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

Конституциянинг 83-моддаси аввалги таҳрирда мамлакатимизда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган саккизта субъект, яъни мамлакат Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди,

Бош прокурор санаб ўтилган эди. Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судларининг суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилганлиги муносабати билан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар таркибидан Олий хўжалик суди чиқарилди.

Асосий қонуннинг 93-моддаси аввалги таҳрирдаги 13-бандига кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти Олий Мажлиснинг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этиши назарда тутилган эди. Эндиликда эса, ушбу банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади тарзида ўзгартирилди.

Шу модданинг 14-бандидаги аввалги қоидага кўра, Президент вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлаши ва лавозимларидан озод этиши белгиланган эди. Мазкур 14-бандга киритилган ўзгартиришларга кўра, *эндиликда* Президент Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзоларини қонунга мувофиқ тасдиқлайди.

Мамлакат парламентининг 2017 йил 6 апрелдаги Қонуни билан шу йилнинг 1 июнидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий

суди ташкил этилди. Ҳукумат томонидан судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Парламенти 2017 йил 27 майда Конституциянинг 80, 93, 108 ва 109 - моддаларига қатор ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонун қабул қилди. Қонун “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш, одил судлов сифатини оширишга бағишланган принципиал қоидаларга асосланган. Жумладан, Асосий қонуннинг 80 - моддаси 5 - бандидан Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод қилиш ҳақидаги қоида чиқариб ташланди; шунингдек 12 - банддан Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш Олий Мажлис Сенати ваколатидан чиқарилди. Энди мазкур қўмита Вазирлар Маҳкамаси томонидан шакллантирилиши ва унга ҳисобот бериши белгиланди.

Суд ҳокимиятининг таркибий тармоқларидан бири Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди бўлиб, унинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108, 109-моддаларида қуйидагича ўз ифодасини топган: “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради”.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан-Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан иборат таркибда сайланади. Юқоридаги қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг нуфузи оширилиб, унинг ваколатлари кенгайтирилди. Айни вақтда, Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги *Конституциявий қонун* қабул қилинди. Конституцияга киритилган янги нормаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ўз таркибидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва унинг ўринбосарини сайлайди (108-модда).

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат ва Сенат аъзоси бўла олмайдилар. Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидаги ваколатларга эга бўлади:*

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

6) конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг ҳужжати расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Конституциявий суднинг ҳужжати қатъий ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади (109-модда).

*Маълумот учун.* Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 1995 йил 21 декабрда илк бор сайланган. Мазкур суд ташкил этилганидан то 2018 йилнинг охиригача ўтган давр мобайнида жами 32 та ҳуқуқий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилган, бу албатта кам. МДХ мамлакатларининг Конституциявий судлари томонидан (Белорусь, Қозоғистон, Арманистон, Озорбайжон Республикалари) бир йилда ўртача 2 мингдан 6 мингтагача ҳуқуқий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Албатта, эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди кўриб чиқадиган масалалар кўлами кенгайди. Бу ўз навбатида, чиқариладиган қарор (хулоса) лар миқдори кўпайишига олиб келади.

Конституциявий ислоҳотлага кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари; Ўзбекистон Республикаси Президенти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари

бўйича вакили (омбудсман); Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи; Ўзбекистон Республикаси Олий суди; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Конституциявий суднинг камида уч нафар судьяси ташаббуси билан ҳам Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масала киритилиши мумкин.

Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Адлия вазири иштирок этиши мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 августида имзоланган “Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонун билан Конституциямизга яна баъзи ўзгартиришлар киритилди. Бунда 99-моддадан “шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан” деган сўзлар чиқариб ташланди. Шунингдек, 102-моддадаги “тегишли вилоят ҳокими томонидан” деган сўзлар “вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан” деган сўзлар билан алмаштирилди. Ушбу моддадан “Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади” деган банд чиқариб ташланди.

Шундай қилиб, юқоридаги конституциявий ислохотлар Асосий қонунни давр руҳи ва талаблари асосида қадамба қадам такомиллаштирилиб борилаётганидан далолатдир. Айни пайтда, Президент нутқлари ва “Ҳаракатлар стратегияси”да таъкидланган жамият ва давлат олдида турган энг долзарб вазифалардан келиб чиқиб, Конституцияни янада модернизация қилишнинг янги истиқболлари белгилаб берилмоқда. Ушбу бўлажак қонунчилик янгиликлари юртимизда сиёсий барқарорлик ва тинчлик-осойишталикни бардавом мустаҳкамлашга, давлат ҳокимияти тузилмаларининг баҳамжиҳат ишлашига, фуқаролик жамияти асосларини изчил ривожлантиришга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни кучайтиришга, жамият ривожи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Демократлаштириш, эркинлаштириш ва модернизациялаш тенденциялари ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини, аввало, ҳуқуқнинг ва қонунчиликнинг барча тармоқларини камраб олаётганлиги мантиқий ҳолдир. Фикримизни далиллаш учун қуйидаги мисолларни келтирамиз. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан то ҳозирга қадар ўн саккизта кодекс қабул қилинди: Меҳнат кодекси (1995 й.), Жиноят кодекси (1994 й.), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994 й.), Жиноят-процессуал кодекси (1994 й.), Фуқаролик кодекси (1995 – 1996 й-й.), Божхона кодекси (1997 й., 2016 й.), Оила кодекси (1998 й.), Солиқ кодекси (1997 й.), Уй-жой кодекси (1998 й.), Ер кодекси (1998 й.), Шаҳарсозлик кодекси (2002 й.), Бюджет кодекси (2013 й.), Фуқаролик-процессуал кодекси (2018 й.), Иқтисодий-процессуал кодекс (2018 й.), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (2018 й.), Сайлов кодекси (2019 й.) ва бошқалар. Ушбу соҳавий қонунлар халқаро ҳуқуқ стандартларга мос ҳолда, шунингдек инсон ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлашга йўналтирилган, инсонпарварлик ҳамда адолат принципларига таяниб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жумладан, бозор муносабатлари ва механизмларини шакллантириш, мулк ҳуқуқини кафолатлаш, меҳнат муносабатлари соҳасида иш берувчи билан ходим ўртасидаги шартнома субъектларининг мустақиллиги,



хусусий мулк дахлсизлиги, оила қонунчилигида никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги ва эркинлиги, никоҳ шартномаси асосида эр ва хотин муносабатларининг мўътадиллашуви, сайлов ҳуқуқи кафолатларининг кучайтирилиши ва бошқа барча қонунчилик тармоқлари модернизациялашувининг ёрқин намуналаридир.

Айни вақтда, қонунчилик тизими ва қонунчилик соҳаларининг такомиллашуви ҳамда модернизациялашуви тинимсиз жараёндр. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, хусусан, шундай деди: “Жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Нега деганда, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қарийб 25 йил олдин қабул қилинган. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгарди. Шу сабабли бу кодекслар бугунги давр талабларига жавоб бермай қолди. Маълумки, қонунчиликда жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор. Лекин улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни, инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак... Шунинг учун жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу мақсадда Бош прокурор раҳбарлигидаги идоралараро комиссия 2019 йил 1 июлга қадар Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг янги лойиҳаларини тайёрлаши лозим”. Ҳозир мазкур топшириш тўла бажарилди, лойиҳалар парламент муҳокамасига тақдим этилди.

“Мурожаатнома”да шунингдек, солиқ юқини камайитириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида янги таҳрирдаги Солиқ кодексини қабул қилиш вазифаси белгиланди. Мазкур кодексда мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт, – деб таъкидланди<sup>1</sup>.

***Қонун чиқариш жараёнини демократлаштириш.*** Ушбу йўналишда эътибор қаратиш лозим бўлган қуйидаги жиддий масалалар мавжуд:

---

<sup>1</sup>Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

– Ўзбекистоннинг қонунчилик (кенгрок доирада олинадиган бўлса, ҳукуқий ислохотлар дастури) *стратегиясини* аниқлаб, алоҳида расмий ҳужжат сифатида шакллантириш ва қабул қилиш лозим;

– қонун ижодкорлик жараёнининг социологик жиҳатларига эътибор қаратиш, қонун билан тартибга солиш эҳтиёжини ўрганиш ва шу асосда бўлғуси қонун ижодкорлик ишларининг эмпирик базасини вужудга келтириш зарур. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳузурида қонунчилик муаммоларини социологик тадқиқ этиш институтини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– қонун лойиҳалари ишларини режалаштириш ва башоратлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозим;

– қонунчилик техникасини такомиллаштириш ва бу борада депутатларнинг тегишли малакасини ҳосил қилиш механизминини йўлга қўйиш лозим ва ҳоказо.

Қонун чиқариш жараёнини демократлаштиришнинг бир қатор резервлари мавжуд. Жумладан, қонун лойиҳаларининг муҳокамасига манфаатдор ташкилотларни, фуқаролар, экспертларни кенгрок жалб этиш, умумхалқ муҳокамаларидан самарали фойдаланиш, унинг механизмларини такомиллаштириш, қонун лойиҳаларининг муҳокамаларида депутатларнинг фаоллигини ошириш, қонунчилик жараёнининг ошкоралигини кучайтириш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Президенти ўзининг қатор маърузаларида парламентнинг қонун ижодкорлик фаолиятини демократлаштириш, қонунларнинг сифати ва нуфузини ошириш масалалари жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланганлиги диққатга сазовордир. “Қабул қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси, – дейди Ш.Мирзиёев, – сайловчилар, партия электорати, турли табақа ва гуруҳларнинг манфаати нуқтаи назаридан атрофлича муҳокама қилиниши шарт. Чунки, баҳс, тортишув бўлган тақдирдагина

қонунлар мукамал ҳаётӣ кучга эга бўлади... Шунинг учун ҳам, қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим – аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим. Яъни катта аҳамиятга эга, муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилгандан кейин уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиб, лойиҳани такомиллаштирган ҳолда иккинчи ўқишга киритиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади”<sup>1</sup>.

Бугунги кунда конституциявий ваколатли давлат органларининг, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатларнинг қонунчилик ташаббускорлиги борасидаги фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, 2018 йилда киритилган 46 та қонун лойиҳасидан фақат 9 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган, холос. Ундан аввалги икки йилда парламент томонидан 55 та қонун қабул қилинган бўлса, партиявий фракциялар томонидан билдирилган ташаббуслар асосида қабул қилинган биронта ҳам қонун йўқ.

Табиийки, парламент раҳбарияти қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиши, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши, жумладан, Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиши зарур. Масалан, фуқаролар давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун Интернет тармоғида “Менинг фикрим” деб номланган махсус веб-сайт ташкил этиш ўринли бўларди<sup>2</sup>. Ҳозирда Президентнинг ушбу ташаббуси тўла амалга оширилди ва у фаол изга тушди. Демократиянинг илғор механизми сифатида электрон мурожаатлар киритиш тартиби йўлга қўйилди.

Маълумки, 2018 йил 8 августда Президентнинг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу Концепцияда қонун ижодкорлигининг барча босқичларини модернизациялаш масалалари эътиборга олинди. Қонунчилик

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2017 йил 13 июль.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 26 – 27-бетлар.

ташаббускорлигини ривожлантириш, қонун лойиҳаларининг кенг жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, қонунчиликни тизимлаштириш, қонунларни бевосита татбиқ этилиш механизмларини жорий қилиш, “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш, қонун чиқариш жараёнига замонавий ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш, қонунларнинг тартибга солиш таъсири ва самарадорлигини баҳолаш (мезонларини ишлаб чиқиш) тизимини амалга ошириш шулар жумласидандир.

Қонунчилигимиз тизимини такомиллаштириш тенденцияларини икки йўналишга: **ижобий** ва **салбий тенденцияларга** ажратиш мумкин. **Ижобий тенденцияларга** қуйидагилар киради:

1. Жамиятдаги яратилаётган қонунчилик ҳужжатларида **демократлаштириш** ғоясининг сингдирилганлиги тенденцияси. Мамлакатимиз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйган экан, бунда фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни демократлаштиришни, бошқарув тизими билан халқ ўртасидаги муносабатларни максимал тарзда яқинлаштириш, халқнинг давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш юзасидан халқ хокимиятчилигини мустаҳкамлаш амалга оширилмоқда. Демократия принципи ҳаётимизнинг узвий қисми бўлган ҳолда, миллий, маънавий ва маданий одатларимиз билан йўғрилган кўринишда ўзгача қиёфа касб этмоқда.

2. Қонунчиликни **либераллаштириш тенденцияси**. Мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаётганлиги, барча соҳага тегишли сиёсатни қайта кўриб чиққан ҳолда жамият ҳаётини эркинлаштириш, инсонларга жазолаш, таъқиқлаш, мажбурлаш орқали таъсир кўрсатиш йўлидан бормасдан, аксинча, уларни рағбатлантириш, имтиёзлар яратиш, эскича андозалардан воз кечиш усуллари қўлланилаётганлиги яққол кўринмоқда.

**3. Кодекслаштириш тенденцияси.** Ҳозирги кундаги норматив ҳужжатларни маълум бир тартибга келтириш, ягона тизимга солиш, қонунчиликдаги маълум мураккабликлардан халос бўлишда кодекслаштиришнинг ўрни беқиёсдир. Қонунчиликни кодекслаштиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳуқуқий тизимдаги мувозанатни таъминлашга катта кўмак беради. Мамлакат ҳудудида амал қилаётган маълум соҳага оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муайян шакллар асосида батартиблаштиришга қаратилган ҳаракат кодекслаштиришга йўналтирилган бўлади.

**4. Қонунчилик тизимининг инсонпарварлашуви тенденцияси.** Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига кўшилишни таъминлайдиган, инсон ҳуқуқларини эъзозлаган ҳолда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда”<sup>1</sup>. Давлат органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли кафолатлашга қаратилган. Адашиб жиноят йўлига кирганларни авф этиш институти кенг қўлланилмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама мукамал камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, жумладан қонунчилик соҳасидаги ислоҳотларнинг, асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

**5. Қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш тенденцияси.** Қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан бири бу ҳуқуқ нормаларини халқаро ҳужжатларга, уларда мустаҳкамланган стандартларга мослаштириш бўлиб ҳисобланади. Яъни, жаҳон мамлакатлари томонидан тан олинган

---

<sup>1</sup> “Инсон ва қонун” 2018 йил 8 декабрь.

умумий нормаларни миллий қонунчиликда имкон қадар қамраб олиниши лозим. Қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда албатта халқаро ҳужжатларнинг тўлалигича тан олиниши, шу билан бирга халқаро нормаларда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро ҳужжат қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи моддага жой ажратилган.

**6. Қонунчилик тизимида янги тармоқларнинг пайдо бўлаётганлиги тенденцияси.** Ҳуқуқ соҳаси, қолаверса, қонунчилик йўналиши узлуксиз давом этадиган жараён бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти жараёнида фаолият юритишнинг янги йўналишлари юзага келиб, уларни тартибга солиш механизмлари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва ҳуқуқий муносабат сифатида мустақамланади. Жумладан, банк соҳасига оид қонунчилик нормалари мамлакатимиз ҳаётига тобора чуқур ўрнашиб бормоқда. Бундан ташқари, солиқ масаласига оид қонунчилик нормалари ёки тадбиркорлик билан боғлиқ ҳуқуқий актларнинг сони ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин.

**7. Қонунчилик мазмунининг ижтимоийлашуви. Ижтимоий қонунчилик тармоғи шаклланаётганлиги тенденцияси.** Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги ва 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларининг бошидан охиригача бутун мазмуни давлатимизнинг ижтимоий табиатини очиш, ижтимоий сиёсатининг маъно-мазмунини ифода этишга бағишланган. Хусусан, аҳоли кам таъминланган қисми, кўп болали оилалар, ногиронлар, пенсионерлар, ёш оилалар учун арзон уй-жойлар яратиш, инсон саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати, ёшларни қўллаб-қувватлаш, таълим тизимини ривожлантириш ва бошқа кўплаб соҳалардаги қонунчиликни такомиллаштириш Президент Мурожаатининг бош мавзусини ташкил этганлиги эътиборга моликдир. Сўнгги йилларда пенсионерлар, ёш оилалар, ногиронлиги бор ва кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш қайта кўриб чиқилди, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ҳодимлари меҳнатини раҳбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизми

такомиллаштирилди, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир ишлар амалга оширилди, тегишли қонунчилик нормалари ўзгартирилди, такомиллаштирилди, янгиланди ва янги таҳрирда қабул қилинди<sup>1</sup>.

Қонунчилик тизимимизда баъзи **салбий** кўринишга эга бўлган **тенденциялар** ҳам юзага келмоқда. Жумладан:

1) **Идоравий норматив ҳужжатларнинг кўпайиб кетиши** натижасида қонуннинг ҳаракатини тўсиб қўйиш **тенденцияси**. Жаҳон миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган бир пайтда жамиятимиз, давлатимиз ривожланиш, келажагини барпо этиш ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш ишлари дунё тараққиётидан ортда қолмаслиги лозим. Ҳар бир давлат ўз фуқароларининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга интилар экан, ушбу йўналишда содир бўлаётган муаммоларни турли норматив ҳужжатлар воситасида тартибга солади. Шу жумладан, идоравий-меъёрий даражада ҳам ҳужжатлар қабул қилиниши йўлга қўйилган.

2) Қонунчилигимизда намоён бўлаётган нохуш муаммолардан яна бири **юримдик коллизиялар (ихтилофлар) мавжудлигидир**. Қонунчилик нормаларини амалда қўллашда баъзан улар ўртасидаги номувофиқлик, зиддиятлар аён бўлади. Бунинг сабаблари турлича. Масалан, айнан бир муносабатни ҳар хил қонунчилик тармоқлари турлича тартибга солади (фуқаролик ва меҳнат қонунчилиги шартнома тузиш тартиби, мажбуриятларни ўташ муддати борасида номутаносиб ечимлар тақдим этадилар). Коллизияларнинг сабаблари яна қуйидагиларда бўлиши мумкин: а) қонун ва қонун ости ҳужжатларни қабул қилишда ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжининг аниқ илмий асослантилмаслиги; б) турли давлат идоралари, мансабдор шахсларнинг манфаати билан тадбиркорлар, фермерлар манфаати ўртасидаги зиддиятнинг қонунчиликда тўла инобатга олинмаслиги; в) давлат-ҳуқуқий институтларнинг ривожига ҳуқуқ нормаларининг ортда қолиши; г) жорий қонунчилик нормаларининг конституциявий нормаларга зид келиб қолиши; д) низоли вазиятларни ҳал этишда тегишли ҳуқуқ билан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Одилқориев Х.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. – Т., 2008. ,75 – 82-бетлар.

мажбуриятларнинг мос ҳолда белгиланмаслиги; е) маълум моддий ҳуқуқ нормаларини амалга оширишда мос келувчи процессуал нормаларнинг мавжуд эмаслиги ёки мавжудларининг эса нотакомиллиги ва ҳ.к.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқ яратиш чоғида ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжининг тўлалигича аниқлаш, ҳуқуқий муносабат субъектларининг манфаатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўғри акс эттиришга эришиш, қонунийлик талабларига қатъий риоя этиш юридик коллизияларнинг олдини олиш омиллари ҳисобланади.

3) Қонунчилик ҳужжатларида **ҳаволаки нормаларнинг кўпайиб бораётганлиги тенденцияси**. Қатор ҳолларда қонунда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинади. Бу албатта, юридик техниканинг мумкин бўлган усулидир. Аммо, амалда ҳаволаки норма мазмунини тўлдирувчи ҳужжатнинг қабул қилиниши кечикиши ёки масала қуйи турувчи ҳужжатда (қарорда, низомда) номукамал ҳал этилиши учрайди. Бундай ҳолат дастлабки қонун нормасининг нуфузи пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, мамлакатимиз қонунчилик тизимининг мустақил тараққиётимиз даврида амал қилиши ва ривожланишининг хусусиятларини, қонуниятларини, тенденцияларини чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил этиш унинг ижобий жиҳатларини янада ошириб бориш, салбий омилларини эса олдини олиш ёки бартараф этиш имкониятини беради.

**Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қонуннинг устуворлигини таъминлаш.** Қонуннинг мазмуни халқчил, инсонпарвар, демократик ва адолатли бўлишига эришиш, унинг сифатини муттасил яхшилаб бориш ҳамisha ўз долзарблигини сақлаб қолаётган мавзудир. Мазкур йўналишда, аввало:

– амалдаги қонунларни инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга мослаштириш бўйича мунтазам ишни йўлга қўйиш ва шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада фаоллаштириш лозим;



– қабул қилинган ва энди яратиладиган қонунлар мазмунини «Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат этилади» (фуқаролар учун) ва «Қонунда белгиланган нарсаларгагина рухсат этилади» (давлат органлари ва мансабдор шахслар учун) принциплари асосида қайта кўриб чиқиш керак;

– инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор таъминланиши принциpidан келиб чиқиб, қонунчилик мазмунидаги этатизмдан воз кечиш ва инсон манфаатларини ёқловчи ҳуқуқий тартибга солиш механизмини жорий этишга босқичма-босқич ўтиш;

– Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашнинг юридик, ташкилий, маънавий-ахлоқий механизмларини вужудга келтириш.

– Конституция ва қонунларнинг амал қилиш механизмини ва уларни аниқ ҳамда оғишмай қўллаш амалиётини жорий этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир<sup>1</sup>. Ҳар қандай ислоҳот конституциявий тамойил ва қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур<sup>2</sup>.

Мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти босқичида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар масалан, қуйидагилардан иборат: “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида (янги таҳрирда)” ги қонун, “Давлат – хусусий шериклик тўғрисида” ги қонун, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги, “Ўзбекистон Республикаси Судья олий кенгаши тўғрисида” ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чоратадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан қатор қонунларга

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. – Т., 2017, 8-бет.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 26-бет.

қўшима ва ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун, “Иқтисодий-процессуал кодекс”, “Маъмурий ишларни судда кўриш тартиби тўғрисидаги кодекс”, “Маъмурий тартиб – таомиллар тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги, Сайлов кодекси, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Ҳуқуқий ахборотни етказиш тўғрисида”ги, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Яйловлар тўғрисида”ги, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги, “Она сути билан озиклантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдак ва кичик ёшдаги болалар озик-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги, “Мудофаа тўғрисида (янги таҳрирда)”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Туризм тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Булардан ташқари, баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан республиканинг 12 та Қонунига ва 1 кодексига, шунингдек давлат хавфсизлик хизмати ташкил этганлиги муносабати ҳамда “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни, шунингдек, мамлакатнинг 12 та Қонуни ва 3 та Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган қонунлар йўқламасидан шу нарса аён бўладики, парламентимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маданий ҳаётнинг турли-туман соҳаларига оид қонун ижодкорлик фаолиятини амалга ошириб, кенг кўламли ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини изчил мустаҳкамлаб ва такомиллаштириб келмоқда.

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2019 йил 4 май; 2019 йил 24 ва 27 август.

### 3. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимизнинг ҳозирги инновацион ривожланиши босқичида давлат ҳокимияти ва бошқарувини оптимал ислоҳ этиш, модернизация қилиш мавзуси ўта долзарблик касб этади. Бунда давлат ҳокимияти институтларини, ҳокимиятни амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий – сиёсий муносабатлар мазмунини англаш, тафаккур (талқин) қилиш ва баҳолаш ниҳоятда муҳим вазифа сифатида кун тартибига чиқмоқда. Зеро, Америка Конституцияси муаллифларидан бири Джеймс Мэдисон айтганидек, “Агар инсонлар фаришта бўлганларида, ҳеч қандай ҳукуматга (ҳокимиятга – таъкид бизники – О.Х.) эҳтиёж бўлмасди. Агар инсонлар устидан фаришталар ҳукмронлик қилганларида, ҳокимият устидан ички ва ташқи назоратга ҳожат бўлмасди. Бир гуруҳ инсонларнинг бошқа инсонлар устидан амалга ошириладиган ҳокимиятини яратишда улкан қийинчилик қуйидагилардан иборат: аввало, ҳукумат кимлар устидан турган бўлса, уларни бошқариши лозим, иккинчидан, ҳокимият ўзини ўзи назорат қилишга мажбур”<sup>1</sup>.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқчил, демократик ва адолатли қилишга йўналтирилган жамиятда кечаётган ислоҳотлар жараёнини кузатиш, идрок этиш ҳамда таҳлил қилиш учун “давлат ҳокимияти” категорияси (ҳодисаси) ни, унинг том маъно – моҳияти, юридик ва ижтимоий – сиёсий табиати нуқтаи назаридан тадқиқ этиш лозим. Давлат ҳокимияти ўзининг моҳияти ва табиатига кўра, мураккаб, серқирра ва кўп функционал ижтимоий ҳодисалар сирасига киради. “Давлат ҳокимияти”, “давлат бошқаруви”, “давлат ҳокимиятини амалга ошириш”, “давлат механизми”, “ҳокимият муносабатлари” каби тушунча – ҳодисаларда инсоният тамаддуни жамлаган тажриба ва билимлар, жамият бошқаруви мавжудлигининг ифодаси мужассамлашади; ушбу ҳодисаларда ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, синфлар, сиёсий кучлар (партиялар) беаёв курашининг мантиғи намоён бўлади.

---

<sup>1</sup>Қаранг: манба “Федералист”, 1788, №51, p.10 – 11.

Ижтимоий ҳокимиятнинг муҳим сиёсий шакли бўлган давлат ҳокимияти жамиятни бошқариш эҳтиёжига жавоб тарзида вужудга келди ва жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар, сиёсий кучларни ўзаро муроасага келтириш воситаси, ижтимоий ҳаётни уюштириш ҳамда ташкиллаштиришнинг махсус шакли (ташкilotи) сифатида фаолият юритади. Бундан хулоса: давлат – ҳокимиятга эга бўлган сиёсий ташкilotдир. *Давлат ҳокимиятининг моҳияти*, унинг ижтимоий вазифаси ва аҳамияти муайян сиёсий ҳокимиятни ифодалашдан, уни амалга оширишдан иборат.

Давлат ҳокимияти оммавий ҳокимиятнинг сиёсий институти сифатидаги давлатнинг фундаментал негизни ташкил этиб, унинг ички ва ташқи функцияларини амалга ошириш механизми ҳисобланади. Шу маънода у ўзини сиёсат майдонида марказий ходиса сифатида намоён қилади<sup>1</sup>. Демак, давлат ҳокимияти – ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури бўлиб, у давлат – ҳуқуқий институтларда (тузилмаларда) мужассамлашади ва жамиятни бошқариш вазифасини бажаради. Жамиятни бошқариш тегишли мазмун ва кўламдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни (аксарият ҳолларда ҳуқуқий тартибга солишни) ҳам назарда тутди. Сиёсий ҳокимият нисбатан барқарор, фундаментал табиатга эга бўлиб, ўз мазмунига кўра давлат ҳокимиятидан анча кенгдир. Сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда нафақат давлат ҳокимияти, балки у ёки бу даражада бошқа сиёсий институтлар, шу жумладан сиёсий партиялар иштирок этадилар<sup>2</sup>. “Сиёсий ҳокимият жамият умумий манфаатларидан келиб чиқиб, халқни (жамиятни) бошқаради, мамлакат миқёсида барқарорлик ва қатъий тартиб ўрнатиш учун ижтимоий муносабатларни тартибга солади”<sup>3</sup>. Шундан келиб чиққан ҳолда, *давлат бошқарувини* – давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва изчил ривожлантириш мақсадида уларга мақсадли тарзда таъсир ўтказиши, деб таърифлаш мумкин. Бошқарилиш эҳтиёжи зарурат бўлганлиги боис, бирон-бир жамият ҳокимиятсиз турмуш кечири олмайди. Ҳокимият жамиятни уюштиради, бирлаштиради,

<sup>1</sup>Қаранг: Нисневич Ю.А. Государственная власть современной России. – М., 2008, с.10.

<sup>2</sup> Нисневич Ю.А. Ўша асар, с.10.

<sup>3</sup>Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. – Т., 2011. – 17-бет.

бошқаради, кучларни жамлаб керакли натижага эришишга сафарбар этади. У жамият эҳтиёжини англайди, мақсадни белгилайди ва унга эришишни таъминлайди<sup>1</sup>.

Ҳокимиятнинг муҳим жиҳати, унинг кишилар ўртасидаги *иродавий* муносабат эканлигида. Ҳокимият муносабатларида ҳукмрон ироданинг устунлиги, белгиловчи роли таъминланади<sup>2</sup>. Давлат ҳокимияти жамиятга яхлитлик ва барқарорлик бахш этиб, уни бошқаради, уюштиради, батартиблаштиради. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти давлат ҳокимияти воситасида ижтимоий келишувга эришади, ижтимоий тараққиётни таъминлайди, ва албатта, мавжуд турли манфаатларни оқилона мувофиқлаштириш мақсадида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Халқ иродаси – давлат ҳокимиятининг мазмунига таъсир ўтказа оладиган ирода, у демократик жамиятларда давлат иродасининг асосини ташкил этади. Халқ иродаси давлат фаолиятига қанчалик реал таъсир этаолишига қараб, у давлат ҳокимиятининг манбаи, йўналтирувчи ғоявий кучи эканлиги хусусида хулоса қилиш мумкин. Давлат ҳокимиятига таъсир этаоладиган халқ иродаси, айни вақтда, сиёсий ирода хусусиятига ҳам эга бўлади. Халқ иродасини аниқ ва мукамал ифодаловчи давлат ҳокимияти мантиқан пировардида умум эътирофига сазовор бўлади, шу боис у демократик саналади. Халқ оммасининг онгли иродавий муносабати, сиёсий жараёнлардаги фаоллиги давлат ҳокимиятига куч-қудрат бағишлайди.

Сиёсий назария ва амалиётда таъкидланишича, ирода, агар у давлат иродаси бўлса, қонун тарзида расмийлаштирилиши талаб этилади. Давлат иродаси ёки ҳукмрон ирода кишилар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлиб, жамият аъзоларининг ихтиёрий онглилик асосида ёки мажбурлов таъсиридаги бўйсунини ифода этади. “Ҳокимият амалга ошган жойда муайян иродавий акт (муносабат) бор ва шунинг натижасида рўй берадиган бошқарув ҳамда бошқарилиш мавжуд бўлади. Бошқарув эса маълум

<sup>1</sup>Қаранг: Петрухин И.Л. Феномен власти. В кн.: Человек и власть. – М., 1999. – с.93.

<sup>2</sup>Қаранг: Кейзеров Н.М. Власть и авторитет. – М., 1973. – 38, 63 – 64-бетлар.

бўйсинишни талаб этади. Демак, ҳокимият бошқариш, бўйсунуш ва зарур бўлганда мажбурлаш элементлари орқали амалга оширилади. Маълум обрў (нуфуз, авторитет) ва бўйсунушсиз бошқариш мумкин бўлмайти<sup>1</sup>. “Ҳокимиятнинг хусусияти шундаки, унда аввало, ҳукмронлик қилувчининг ҳукмронлик остидаги шахсга ўз иродасини ўтказиш қобилияти назарда тутилади”<sup>2</sup>.

Ҳокимиятни амалга оширишда ҳукмрон ирода (ҳар доим ҳам) мажбурлаш воситасида эмас, аксинча, бир ироданинг устунлигини таъминлаш (хусусан, ихтиёрийлик, онглик асосида) ҳокимият муносабатларининг узвий, табиий белгиси бўлишига ҳам йўл қўйиш мумкин. Ҳокимият шахслараро муносабатларнинг ўзига хос типи бўлиб, бунда бир тараф маълум воситалар (авторитет, шартнома, норма, мажбурлаш) ёрдамида иккинчи тарафнинг хулқига ва фаолиятига таъсир кўрсатади. Бундай вазиятда “зўравонлик ҳокимияти” “куч ҳокимиятининг” энг охириги намоён бўлишидир”<sup>3</sup>. Ушбу таърифнинг камчилиги шундаки, ҳокимият фақат шахслараро муносабат эмас, ҳокимият муносабатлари гуруҳлараро, давлат миқёсида, сиёсий даражада ҳам амалга ошади. Улар кўп томонлама ва серқиррадир. Ҳокимият ижтимоий бошқарувнинг таркибий қисмидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *ҳокимият* – бу бир инсоннинг, кишилар гуруҳининг, давлатнинг ўз эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларини ҳимоялаш ниятида мажбурлаш ёки жазолаш таҳдиди остида, шунингдек ишонтириш йўли билан мақсадли таъсир ўтказишдир<sup>4</sup>. Ҳукмронликка эришишда мажбурлаш, куч (зўрлик) ишлатиш, ишонтириш, рағбатлантириш, тарбиялаш каби турли-туман усул ва воситалардан фойдаланилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти – сиёсий ҳокимиятнинг олий ва қудратли шакли бўлиб, уни амалга ошириш механизми ҳисобланган давлат органлари тизими воситасида амалга оширилади. У ўз фаолиятида давлат суверенитетига, унинг мажбурлов кучини махсус юридик

---

<sup>1</sup>Қаранг: Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., «Шарк», 2002, 59-бет.

<sup>2</sup>Теория государства и права. – М., 1949. – с.94.

<sup>3</sup>Қаранг: Плотникова О.В. Власть и формы ее осуществления. Уссурийск. 1996. – с.3, 18.

<sup>4</sup>Петрухин И.Л. Кўрсатилган асар, 94-бет.

воситалар ва ҳарбий тузилмалардан фойдаланиш асносида ошкора ва оммавий қўллаш борасидаги монополь ҳуқуқига, шунингдек аҳолидан солиқ ва йиғимлар олиш танҳо ҳуқуқига таянади<sup>1</sup>. “Давлат ҳокимияти – давлат, унинг тузилмаларининг айрим индивидлар, кишилар гуруҳлари ёки бутун жамият хулқ-атворини давлатнинг умумий хоҳиш-иродасига қонуний воситалар ёрдамида бўйсундиришга қодир бўлган бунёдкор куч... Ҳукмронлик, раҳбарлик, бошқарув, ташкил этиш, назорат қилиш қабилар давлат ҳокимиятини амалга ошириш шакллари дир”<sup>2</sup>. Шу боис давлат ҳокимиятининг ижтимоий кадр-қиммати, социал моҳияти хусусида гапириб, айтиш мумкинки, у ижтимоий ҳокимиятнинг оммавий-сиёсий моҳиятга эга алоҳида тури сифатида намоён бўлади.

Демократик жамиятларда давлат ҳокимияти ҳуқуқ воситасида, Конституция тарзидаги қонунларда институционал кўринишда расмийлаштирилади. Давлат ҳокимиятининг сиёсий тизимдаги ўрни, фуқаролик жамиятига нисбатан мартаба ва мақоми қонун ёрдамида легитимлаштирилади. Демократик тарзда конституциявий меъёрланган давлат ҳокимияти жамият умумий манфаатлари ва фаровонлигига хизмат қилувчи институтга айланади, дейиш мумкин.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ҳукмрон сиёсий ироданинг, демократик жамиятда халқ иродасининг мужассам ифодаси бўлиб, жамият равнақи йўлида инсонлар ҳамжамиятини бошқарувчи, умумий барқарорлик ва ижтимоий тартибни таъминловчи восита дир.

Давлат ҳокимиятининг табиатини англаб етишда унинг фаолият юритиш *принциплари* ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай принциплар қаторига адабиётларда қуйидагиларни киритиш таклиф этилади: 1) ҳокимиятнинг ўзини-ўзи барқарорлаштириши (ҳокимиятни сақлаб туриш учун интилиш); 2) ҳокимиятнинг таъсирчанлиги ва самаралилиги (ҳокимият ҳар доим ўз фаолиятининг натижадорлигини кўрсатишга интилади); 3) легитимлик (ҳар қандай давлат ҳокимияти ўзининг қонуний

---

<sup>1</sup>Қаранг: Нисневич Ю.А. Государственная власть современной России. – М., 2008, с.10.

<sup>2</sup>Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т., 2010, – 117 – 118-бетлар.

асосда қарор топгани ва фаолият кўрсатишини исботлашга интилади); 4) ҳокимиятни амалга оширишда қатъийлик; 5) демократия талаб ва қадриятлари асосида фаолият юритиш; 6) қарор қабул қилишда турли манфаатлар уйғунлаштирилиши; 7) ҳокимиятни амалга оширишга муайян маърифий ва маданий тус бериш; 8) ўз қарорлари ва хатти-ҳаракатлари натижаси учун масъулиятни англаш<sup>1</sup>; 9) демократик жамиятда давлат ҳокимияти адолатлилик, қонунийлик, инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш, ошкоралик, сиёсий плюрализм, инсонпарварлик, толерантлик, ҳокимиятлар тақсимланиши, жамоатчилик фикрини инобатга олиш каби принциплар асосида фаолият юритади.

### ***Давлат ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий қиёфаси.***

Давлат билан ҳуқуқнинг ўзаро узвий боғлиқлиги юриспруденциянинг муҳим методологик коидасидир. Қадимдан ҳуқуқни давлат яратади, деб таъкидлаб келинарди. Демократик давлат, ҳуқуқий давлат концепциялари шакллангач, давлат ҳокимиятининг янги сиймоси, ҳуқуқий қиёфаси (мас., қонуний давлат, қонунийлик давлати, конституциявий давлат ва бошқ.) хусусида талқинлар, таълимотлар пайдо бўлди. Уларга кўра, давлатнинг ўзи ҳам ҳуқуқ ёрдамида расмийлашади. Маълумки, барча мамлакатларда давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимиятнинг алоҳида устувор шакли сифатида расмийлаштирилган экан, бу ҳуқуқий воситалар, аввало, конституция воситасида амалга оширилади. Давлат ҳокимиятининг легитимлиги, ҳуқуқий мезон, принцип ва меъёрлар асосида қонунийлаштирилганлиги энг муҳим демократик талаблардандир. Бошқача айтганда, давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ билан чамбарчас алоқадорлиги унинг халқчиллиги, демократик ҳамда адолатлигининг кафолати деб баҳоланади.

“Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси” категорияси “ҳуқуқий давлат” концепциясига яқин ёки ўхшаш кўринса-да, улар айнан бир маънодаги, синоним тушунчалар эмас. Умум эътироф этилган нуқтаи назарга кўра, ҳуқуқий давлат – фуқаролик жамиятининг сиёсий шакли бўлиб, жамият ҳаётида демократик институтларнинг ривож топиши, фуқароларнинг ўзини ўзи

<sup>1</sup>Қаранг: *Философия власти* / Под ред. В.В.Ильина. – М., 1993. – 26 – 36-бетлар.



бошқариш тизими мавжудлиги билан тавсифланадиган, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини устувор таъминлайди, ўз фаолиятини ҳуқуқ асосида ташкил этадиган давлатдир. Шунингдек, ҳуқуқий давлат ҳуқуқ ва қонуннинг устунлиги, қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги таъминланадиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, давлат ҳокимияти ваколатлари демократик тақсимлаш асосида ташкил этиладиган адолатли давлат сифатида тавсифланади.

“Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси” деганда, давлат аппаратининг (оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг) мамлакатда мавжуд ҳуқуқий воситалар, қонунлар ёрдамида, қарор топган реал ҳуқуқий макон руҳида расмийлаштирилганлиги, давлат тузилмаларига муайян ҳуқуқий шакл бахш этилганлиги тушунилади. Давлат ҳокимиятининг реал ҳуқуқий қиёфаси ҳали ҳуқуқий давлат талабларига етиб бормаган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозирги Ўзбекистон Республикасида қарор топган ва фаолият юритаётган давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси умумий тарзда мамлакатнинг Конституциясида ўз ифодасини топган. Айнан Конституцияда давлатнинг моҳияти, ижтимоий вазифаси, фаолият принциплари, давлат органларининг ваколатлари, жамият ва фуқаролар олдидаги масъулияти (мажбуриятлари) белгилаб берилади. Конституцияга кўра, Ўзбекистон суверен демократик республикадир (1-модда). Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда). Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.

Диққатга сазовор муҳим жиҳат шундаки, давлат ҳокимияти идораларининг ваколати, фаолият доираси инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўлами билан чегараланади. Ушбу фикр Конституциянинг 2, 13 ва 14-моддалари уйғун талқинидан келиб чиқади. Конституцияда эътироф этилишича, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий

кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўз навбатида, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Мазкур конституциявий қоидалар мазмунидан инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг устуворлиги тамойили келиб чиқади. Асосий қонунимизнинг барча қоидалари мажмуи тафаккур қилиб кўриладиган бўлса, мамлакатимизда мустақиллик даврида вужудга келтирилган ва амал қилаётган давлат – *конституциявий давлатдир*, деган хулоса чиқариш мумкин.

Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси мазмунига жамиятда шаклланган ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маънавият ва маърифийлик, ижтимоий адолат мезонлари, талаб ва фазилатлари ўз таъсирини ўтказди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони беқиёс аҳамият касб этади. Ҳуқуқий маданиятнинг юксак бўлиши қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг, инсон ҳуқуқларини самарали ҳамда ишончли таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий жабҳалардаги барча саъй-ҳаракатлар, пировардида, ҳозирги ҳуқуқий қиёфадаги давлатчилигимизни том маънодаги демократик ҳуқуқий давлатга айлантиришга хизмат қилади.

Шунга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш, янада модернизациялаш халқчил, инсонпарвар, ижтимоий масъулиятли давлат ҳокимиятини қарор топтиришга шарт-шароит ва имконият яратади.

***Маъмурий ислохотлар концепцияси асосида давлат бошқарувини оптималлаштириш.*** Мамлакатимизда давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш ва оптималлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги ўта муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони билан

“Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси” тасдиқланди. Концепцияга асосан, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органларини ислоҳ қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгиланди: *биринчи йўналиш* – ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; *иккинчи йўналиш* – ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари) ни уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш; *учинчи йўналиш* – иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш; *тўртинчи йўналиш* – вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириштириш; *бешинчи йўналиш* – давлат бошқаруви тизимида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш; *олтинчи йўналиш* – профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

Мазкур йўналишларда ислохотларни амалга ошириш натижасида ижроия ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш ва ислоҳ қилишнинг аниқ замонавий механизмлари яратилади; барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизими жорий этилади; давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш амалга оширилади; иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришга эришилади; аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомиллари оптималлаштирилади; бошқарув органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиклиги таъминланади.

Шубҳасиз, маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, инновацион

ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишга янги куч бағишлайди.

Давлат бошқаруви тизимини ҳар қандай ислоҳ қилиш, янада оптималлаштириш мамлакат Конституциясига таянади. Зеро, Ўзбекистон Конституцияси демократик давлатчилик, адолатли ҳуқуқий тизим ва қонунчилик борасида инсоният тўплаган энг илғор тажриба ва ғояларни ўзида мужассамлаштирган юксак мақомли ҳужжатдир. Ижтимоий адолат, демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги илғор қоидалар ундан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбек халқининг кўп минг йиллик давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти ютуқлари, унинг эрк, озодлик ва мустақиллик хусусидаги азалий орзу-умидлари ўз аксини топган унда.

Ўзбекистон халқи истиқлол тонгида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифасини белгилаган эди. Таъкидлаш жоизки, изчиллик ва собитқадамлик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар туфайли бугунги кунда мамлакатимизда демократик принциплар асосида шакллантирилган халқчил давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув тизими қарор топди.

Демократия тамойилларига таянувчи давлат ҳокимияти халқ манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи бунёдкор куч сифатида намоён бўлади. Давлат ҳокимияти жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиш ва индивидлар хулқ-атворини бошқариш (тартибга солиш), мамлакат миқёсида умумий ишларни бошқариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, шахсий ҳамда ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш, барчани давлатнинг ягона хоҳиш-иродасига (ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш усуллари воситасида) бўйсундиришга қодир бўлган сиёсий ташкиллашган кучдир. Давлат ҳокимияти сиёсий ташкилот сифатидаги давлатнинг суверен иродасини ифодалаб, давлат куч-қудратини таъминлаш омили ҳисобланади.

Президент фармони билан тасдиқланиб, амалга оширилаётган Маъмурий ислоҳотлар қонцепцияси юқорида таъкидланган тизимни

шакллантиришга хизмат қилиши табиий. Мазкур Концепция давлат бошқаруви тизимини жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига мувофиқлаштиришга кўмаклашади. Шунингдек, давлат бошқаруви жараёнларига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш механизмларини шакллантириш имкониятларини яратади.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятини шакллантиради, унга ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, мамлакат миқёсида инсонларнинг биргаликда турмуш кечириши тақозо этадиган ижтимоий тартибни таъминлаш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва ваколатларни беради, ҳокимият идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади ҳамда ҳокимиятни суиистеъмол қилинишига қарши механизмларни вужудга келтиради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари қатори давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ҳам юртимизда тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ кенг қамровли ислоҳот ва модернизациялаш жараёнлари давом эттирилмоқда. Бу жараёнлар муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар тақсимланиши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва ваколатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган. Мустақиллик йилларида барча давлат ҳокимият органлари Конституция асосида янгидан шакллантирилди. Булар – демократик асосда халқ томонидан сайлаб қўйиладиган парламент, Президент, легитим тартибда тайинланадиган Ҳукумат ва суд ҳокимияти тизимидир.

Давлат ҳокимиятининг демократик ташкил этилганлиги давлат органлари фаолиятида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи қанчалик самарали жорий қилинганига боғлиқ. Ушбу принцип қуйидагиларни англатади: *Биринчидан*, ҳокимиятлар тақсимланиши – демократик давлатнинг зарурий шарти.

*Иккинчидан*, ҳокимиятлар тақсимланиши принципига тўла амал қилиниши ҳокимиятнинг узурпация қилинишига тўсиқ қўяди, фуқароларни мансабдор шахсларнинг тазйиқидан ҳимоя қилади, давлат идораларининг масъулият билан ишлашига шароит яратади. *Учинчидан*, ҳокимиятлар ваколатларининг оқилона тақсимланиши - давлат тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатиши, суиистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар ҳимоя қилиниши, умуман жамиятда қонунийлик таъминланишининг гарови. *Тўртинчидан*, ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг моҳияти шундаки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи қолган икки ҳокимият субъектларининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак. Айнан мана шундай ҳокимият муносабатларининг конституциявий механизмларини яратиш назарда тутилади. Бундай конституциявий механизм Асосий қонунимизда шакллантирилган.

*Давлат бошқарувини оптималлаштириши ва модернизация қилиш соҳасида қуйидаги муаммолар мавжуд.* Ҳозирги глобаллашув ва шиддатли ривожланиш шароитида давлат бошқарувини замонавий жамият эҳтиёжларига мос равишда модернизациялаш ўта долзарб мавзу сифатида кун тартибига чиқмоқда.

Ҳар бир мамлакатнинг давлат бошқарув тизими унинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маъмурий маданиятининг узвий қисмидир. Бошқарув маданияти бир қатор тарихий, миллий, жўғрофий, маънавий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади. Бошқарув маданияти давлат бошқаруви тузилмаларига нисбатан анчайин барқарор ва турғундир. Шу туфайли сиёсий (давлат) бошқарув маданиятини тарихан қисқа вақт ичида ўзгартириш бирмунча мушкул. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини қонунчилик ислоҳоти воситасида тарихан қисқа муддатда ўзгартириш (янгилаш) мумкин, аммо бошқарувга боғлиқ мафқурани, менталитетни, онгни ва маданиятни дарҳол ўзгартиришнинг иложи йўқ.

Табиийки, давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган принциплар ҳамда талаблар асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, бу

борада фуқароларнинг яна бир муҳим ҳуқуқига эътибор қаратиш лозим. 2005 йилда Европа иттифоқига тасдиқлаш учун тақдим этилган Европа Конституцияси лойиҳасида инсон ва фуқароларнинг *ижобий бошқарувга бўлган ҳуқуқи* назарда тутилган. Унга кўра, ҳокимият органлари фуқаронинг мурожаатларини холис ва адолатли, пайсалга солмай моҳияти бўйича кўриб чиқиши, сайлаб қўйилган вакиллар ва маъмурият аҳоли манфаатлари йўлида фаолият юритиши лозим.

Ижтимоий-сиёсий ва юридик адабиётларда давлат бошқаруви жамиятга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этишга йўналтирилган маъмурий-ташкилий фаолият тарзида таърифланади. Ушбу ёндашув давлат бошқарувини жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиш ва мамлакат ҳаётида маъмурий (бошқариш) фаолиятини амалга оширишдан иборат икки жабҳага ажратишни келтириб чиқарди. Шунга кўра, давлат бошқарувини кенг маънода ва тор талқинда тушуниш шаклланди. *Кенг маънодаги давлат бошқарувига* мамлакат Президентининг давлат – сиёсий фаолияти, парламентнинг қонунлар воситасида жамиятни бошқаришдаги иштироки, Ҳукуматнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти киради. *Тор маънодаги давлат бошқаруви* доирасига эса давлат бошқарув (ижро этувчи) органларининг ижроия – фармойиш берувчи фаолияти, шунингдек ваколатли давлат органларининг маъмурий бошқарувчилик фаолияти киради.

Давлат бошқарув фаолиятининг ижтимоий мақсади, асосан қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

– меъёрий ҳужжатлар, одамларнинг хатти-ҳаракат қоидаларини қабул қилиш билан боғлиқ мувофиқлаштириш вазифаси;

– қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайдиган ташкилотчилик вазифаси;

– ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат муҳофаза вазифаси.

Жамиятни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини модернизация қилишнинг бир қатор йўналишлари ва вазифалари ҳақида фикр юритиш мумкин. *Биринчидан*, демократик давлат бошқарув мезонларини белгиловчи принципларни ҳаётга собитқадамлик билан жорий этиб бориш. Булар бошқарувда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши (шу жумладан, давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши), қонун устуворлиги, давлат бошқарувига халқ оммаси ҳамда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралиги ва очиқлиги кабилар.

*Иккинчидан*, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва маъмурий ислохотлар самарасини оширишда тегишли ваколатли органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини (регламентларини) изчил такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар каторида Маъмурий процессуал кодекснинг, “Давлат бошқаруви органлари тўғрисида”ги ва “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

*Учинчидан*, ижроия ҳокимияти тизимидаги бошқарув билан шуғулланувчи органлар структураси ва функцияларини рационаллаштириш маъмурий ислохотнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунда давлат бошқарувида мувозий тузилмаларнинг бўлиши ва бир-бирининг функцияларини такрорлашнинг мавжуд бўлишини бартараф этиб бориш талаб этилади. Мазкур иш илмий асосланганлик ва мақсадга мувофиқлик негизида амалга оширилиши лозим.

*Тўртинчидан*, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминловчи самарали механизмларни яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини фаоллаштириш зурур.

*Бешинчидан*, давлат бошқарув аппарати фаолиятининг қонунчилик, ҳуқуқий базасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан



бу борадаги ишларнинг очиклигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

*Олтинчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини рационал ташкил этишда замонавий ахборот – коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида жамиятни ахборотлашатириш, фуқароларнинг ахборот олиш (ундан фойдаланиш, тарқатиш) эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва мезонларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни фуқароларга етказишга, оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг мақсадли ва натижали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўндан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Давлат бошқарувида электрон ҳукумат тизимини янада кенгрок жорий этиш лозим. Бу тизим воситасида давлат идоралараро ва бошқарув жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасида электрон ҳужжат айланиши, автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизими, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сервиси ҳамда ахборот ресурс базаларидан самарали фойдаланиш амалга оширилади. Натижада, давлат бошқаруви тизимида маъмурий процедуралар ва давлат хизматларини кўрсатиш электрон шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилади. Электрон ҳукумат қуйидаги принциплар асосида фаолият юритади: давлат органлари фаолиятининг очиклиги, давлат хизматларининг ҳаммабплиги, ахборотнинг муҳофазаланганлиги, маъмурий ахборотнинг электрон таҳлил этилиши, давлат

органларининг ўзаро келишилган тарзда ҳаракатланиши, давлат органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан муттасил яхшиланиши ва ҳ.к.

Электрон ҳукумат инфраструктурасида Ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш портали амал қилади. Қабул қилиниши мўлжалланаётган қонун электрон ҳукумат билан мулоқотга киришганда фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларини белгилайди.

*Еттинчидан*, давлат бошқаруви идораларининг аҳоли билан алоқадорлигини кучайтириш, ҳамкорлик механизмларини яратиш муҳим. Бир томондан, аҳолини давлат бошқарув органлари фаолиятдан мунтазам равишда хабардор қилиб туриш, иккинчи томондан, маҳаллий давлат бошқарув органлари қарорларини қабул қилишга (қарорлар лойиҳасининг муҳокамасига, маҳаллий референдумларга) кенг жалб этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, давлат бошқаруви билан корпоратив бошқарувни яқинлаштириш, улар нисбатининг оқилона мезонларини белгилаш муҳим ўрин тутади.

Мамлакатда маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилишидан қуйидаги натижалар кутилмоқда:

1. Маъмурий бошқарув ва муносабатлар соҳасидаги ислоҳотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

– ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

– давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

– стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

– иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

– жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятдан қаноатланиш даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

– давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

– ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

– «Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

– жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини оптималлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик ва ҳамкорлигини ривожлантириш пировардида, шубҳасиз, давлат аппарати фаолияти самарадорлигини оширишга, давлатнинг жамият манфаатларига янада кўпроқ хизмат қилувчи институтга айлантиришга салмоқли имкониятлар яратади.

#### **4. ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Мамлакат тараққиётининг турли тарихий даврларида, айниқса, унинг юксалиш босқичларида давлат билан жамиятнинг ўзаро нисбати диалектикаси ижтимоий онг томонидан такрор – такрор мушоҳада этилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг бугунги инновацион ривожланиши босқичида, бир томондан, давлатнинг ижтимоий – сиёсий функциялари табиати қандай; иккинчи томондан, жамиятнинг ижтимоий, маърифий, сиёсий – тарбиявий функциялари қандай, деган саволларга илмий ечим излаш ҳуқуқшунослик фанининг долзарб мавзусига айланганлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасини 2017 – 2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлар” белгиланганлиги эътиборга лойиқ.

Стратегияда ва уни ҳаётга жорий этишга йўналтирилган Давлат дастурларида давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало, давлат хизматини ислоҳ қилиш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг замонавий шаклларини (жумладан “электрон ҳукумат” тизимини) ривожлантириш; айти вақтда, фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштириш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий – ҳуқуқий механизмларини яратиш, ижтимоий шериклик (ҳамкорлик)нинг самарасини ошириш, оммавий ахборот воситаларнинг ролин кучайтиришнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш эҳтиёжлари, ислохотлар шиддати нафақат давлат органлари масъулияти ҳамда саъй ҳаракатини, балки фуқаролик жамияти тузилмаларининг фаоллашувини, ўзгаришларга даҳлдорлик хисси билан муносабатда бўлишни, энг муҳими, жиддий вазифа ва муаммоларни ҳал этишда

давлат органлари билан жамият институтларининг салоҳиятини, куч – имкониятларини бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Ижтимоий шерикликдан, ўзаро ҳамкорликдан жамият тузилмалари ҳам, давлат органлари ҳам бирдек манфаатдордир. Давлат органлари мазкур ҳамкорлик натижасида жамият ҳаётидаги долзарб масалалар ечимида қулайликка эга бўлса, фуқаролик жамияти институтлари эса ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда, ўз нуфузи (имиджи) ва сиёсий майдондаги мавқеи юксалишига эришади<sup>1</sup>.

Ижтимоий шериклик (ҳамкорлик)нинг бир субъекти – давлат ва унинг органлари, иккинчи субъекти – жамият тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари бўлганлиги боис, унинг табиати сиёсий – жамоатчилик, оммавий – гуманитар маъно – мазмун касб этади. Бу фикрни ойдинлантириш учун “давлат” ва “жамият” категорияларининг моҳияти ва хусусиятлари талқинига мурожаат этиш лозим.

Давлат – жамият тарихий тараққиётнинг маҳсули, ундаги ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури бўлмиш – сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим институтидир. Давлат – жамиятнинг умумий ишларини бошқарувчи алоҳида орган. Давлат жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тизимида муҳим ўрин тутаяди, аммо яққою ягона бўғин эмас; ушбу тизимга сиёсий партиялар, ижтимоий – сиёсий ҳаракатлар ва бошқа ташкилотлар ҳам қиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фақат давлат тўлиқ сиёсий ҳокимият, суверенитет соҳиби бўлиб, бутун жамият номида гапира олади ва ҳаракат қилади. Давлат ҳокимиятининг суверенлиги (устунлиги) муайян даражада унинг универсаллигида (давлат ҳокимиятининг юрисдикцияси мамлакат бутун ҳудудига, барча аҳолиси ва жамиятнинг ҳамма ижтимоий тузилмаларига нисбатан татбиқ этилиши), ваколатларида (давлат ҳокимияти унга даъво қилувчи бошқа ҳар қандай сиёсий кучлар, шу жумладан, сиёсий партиялар мақомини қонун воситасида ўрнатади, шунингдек ғайриконституциявий ва мувозий тузилмалар фаолиятини тўхтата олади, бекор қилиши мумкин), бундан ташқари, сиёсий таъсир

---

<sup>1</sup>Ижтимоий шериклик – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси, 2013, №3, 35 – бет.

кўрсатишнинг бошқа воситаларининг мавжудлигида (масалан, қонунчилик, мажбурлаш аппарати ресурслари, одил судлов ва ҳ.к.) намоён бўлади.

Давлатнинг ижтимоий роли, умумжамият ишларини бошқариш функциясининг моҳияти шундаки, у барча фуқаролар умумий хоҳиш-иродасини расмий ифода этади ва шу асосда жамият ҳаётига мақсадли, уюштирувчи, ташкиллаштирувчи, сафарбар этувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи таъсир ўтказди. Шу боис давлат томонидан ўз ижтимоий вазифаларини бажаришини изоҳловчи (тавсифловчи) икки жиҳатни кўрсатиш мумкин: 1) давлат фуқароларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари ва иродасини ўзида қанчалик мужассам этишининг кўрсаткичи; 2) давлатнинг ижтимоий жараёнларни қандай бошқараётгани, жамият тараққиётини таъминлаётгани билан боғлиқ.

Давлат умумижтимоий масалаларни ҳал этишда қуйидаги ижтимоий вазифаларни амалга ошириши лозим бўлади:

– ижтимоий адолат принципини амалга ошириш, энг кам таъминланган аҳоли қатламлари – кексалар, ногиронлар, етимлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг кафолатланган ҳуқуқларини таъминлаш;

– ҳамма фойдалана оладиган сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича таъсирчан чораларни амалга ошириш, гўдаклар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш;

– умумий маълумот олиш, эркин касб танлаш, махсус тайёргарликка эга бўлишда ҳамма ҳуқуқларни таъминлаш. Миллий, тарихий ва маданий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда таълимнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ижодкорликнинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг иқтидори ва қобилиятларини қанот ёйдириш учун шарт-шароитлар яратиш, интеллектуал мулкни муҳофаза этиш ва ҳоказо.

Давлат ҳокимияти сиёсий ташкилот сифатидаги давлатнинг суверен иродасини ифодалаб, давлат куч-қудратини таъминлаш омили ҳисобланади. Бошқача айтганда, давлат ҳокимияти ва

бошқаруви тизими - давлат хоҳиш-иродаси, куч-қудратининг давлат органлари ва муассасаларида мужассамлашган ифодаси. У жамиятда барқарорлик ва тартибни таъминлайди, мамлакат ҳамда фуқароларни ички ва ташқи тажовузлардан турли усуллар билан, шу жумладан давлат мажбурлови ва уюшган ташкилий куч ёрдамида ҳимоя қилади. Шу боис, давлатимиз куч-қудратини таъминлаш, унинг мавқеини янада мустаҳкамлаш учун мамлакатимизда демократия принципларига асосланган, аввало, Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, хатто энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра жамиятмизнинг олға силжишига ҳалақит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш лозим.

Даврнинг айна инновацион юксалиш палласида мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг мантиғи шундайки, давлат фаолиятига, жумладан, унинг қонун ижодкорлиги фаолиятига, давлат бошқарув жараёнларига жамият манфаатини ифодаловчи тузилмаларни, фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этишдан, уларнинг ҳамкорлик қилиш механизмларини вужудга келтириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятини шакллантиради, унга ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, мамлакат миқёсида инсонларнинг биргаликда турмуш кечириши тақозо этадиган ижтимоий тартибни таъминлаш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва ваколатларни беради, ҳокимият идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади ҳамда ҳокимиятни суиистеъмол қилинишига қарши механизмларни яратади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари қатори давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ҳам юртимизда тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ кенг қамровли ислоҳот ва модернизациялаш жараёнлари давом

этирилмоқда. Бу жараёнлар муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар тақсимланиши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва ваколатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган. Мустақиллик йилларида барча давлат ҳокимият органлари Конституция асосида янгидан шкллантирилди. Булар - демократик асосда халқ томонидан сайлаб қўйиладиган парламент, Президент, легитим тартибда тайинланадиган Ҳукумат ва суд ҳокимияти тизимидир.

Жамиятдаги сиёсий кучлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида келишув (консенсус)га, муросаи – мадорага эришиш, ижтимоий ҳамкорлик (шериклик)ни йўлга қўйиш ҳар қандай ҳукумат шароитида ҳам ижтимоий сиёсатни самарали ҳамда равон юритиш имконини беради. Давлат органлари ва жамият тузилмалари ўртасидаги манфаатлар уйғунлиги асосида биргаликдаги фаолиятни таъминлаш ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, баъзи ҳолларда вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий зўриқишлар (инқирозлар)ни бартараф этишга кўмаклашади.

Мамлакат фуқаролари учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда инсонни улуғлашга йўналтирилган умумбашарий кадриятлар ва демократик сиёсий – ҳуқуқий мафқурани ўзида мужассам этган Асосий қонунимиз давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос “ижтимоий шартнома” бўлиб, давлат билан жамиятнинг ўзаро ҳамкорлигини амалга оширишнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади.

Ҳаракатлар стратегиясида демократик тамойиллар асосида шакллантириладиган, халқчил, адолатли, жамият манфаатларига хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини яратиш вазифалари белгиланган. Унга кўра, мамлакатни ижтимоий – сиёсий ва социал – иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат – хусусий шерикликнинг замонавий шакллари жорий



этиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги (шаффофлиги)ни таъминлаш, айти вақтда, давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини жорий этиш чораларини ишлаб чиқиш кун тартибига қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур. “Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”<sup>1</sup>.

Зеро, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш демократиянинг ифодаси, уни реал амалга ошириш ҳисобланади. Демократия, аслида, икки жиҳатнинг ўзаро диалектик узвий бирлигини: *бир томондан*, умумхалқ сайлови асосида муайян орган (шахс)ларга ҳокимият ваколатлари берилишини, *иккинчи томондан*, қонуний ваколат соҳиби бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларни назорат қилиш, уларнинг халқ (жамоатчилик) олдидаги ҳисоботини йўлга қўйилишини назарда тутди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқ назорати остида фаолият юритишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари Асосий қонунимизнинг 2, 7, 32 ва бошқа моддаларида ўз тасдиғини топган. Хусусан, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан – бир манбаидир. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, Конституция ва қонун ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Демократия тамойилларига таянувчи давлат ҳокимияти халқ манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ҳамда

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 36 – бет.

ривожлантиришга хизмат қилувчи бунёдкор куч сифатида намоён бўлади. Давлат ҳокимияти жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиб, унга яхлитлик ва барқарорлик бахш этади. Ўзбекистонда ҳокимият идораларининг халқ манфаатларига бўйсундирилганлиги конституциявий принцип тарзида улар фаолиятининг асосий мезонига айланди.

Ҳозирги пайтда демократик давлатчиликни ривожланиш даражаси, жамиятни эркинлаштириш жараёнларининг жадал бориши, кўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, мамлакатимиз аҳолисининг изчил юксалиб бораётган сиёсий – ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси, ижтимоий – сиёсий фаоллиги давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, уларни ошқора фаолият юритишини таъминлаш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Республика фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқидан фаол фойдаланиши давлат органлари фаолиятини демократлаштириш омилларидан биридир. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, сайловлар, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш воситасида амалга оширилади. Айнан мазкур фундаментал конституциявий нормаларнинг ҳаётийлигини амалиётда реал қўлланишини таъминлаш учун давлат органлари халқ (жамоатчилик) кўз ўнгида фаолият юритиши, боз устига ушбу фаолият шаффоф бўлиши зарур.

Инновацион ривожланишни муаззам таъминлашга йўналтирилган ислохотларнинг ҳозирги босқичида устувор эътибор давлат органларининг фуқаролик жамияти тузилмалари билан ҳамкорлиги ва мулоқотини кучайтириш масалаларига қаратилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ ошқоралиги ва самарасини таъминлаш учун, уларнинг жамиятни модернизация қилишдаги ролини кучайтиришда 2014

йилнинг 25 сентябрида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги<sup>1</sup> қонуннинг қабул қилинганлиги ва имзоланганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилди.

Давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради.

Давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлаштириш ислохотлар кейинги босқичининг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилди. Жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2014 йил 26 сент.

<sup>2</sup>Йўлдошев А.Э., Латипов Б. Фуқаролик жамияти институтлари / Ўқув қўлланма, -Т.:, 2019, 32 бет.

кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда<sup>1</sup>.

Айни вақтда, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– Ўзбекистон халқи *фуқаролик институтлари* ва механизмлари, аввало, сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаш учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда;

– фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва профессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилмоқда;

– демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислохотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфига қарши туради.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири – мамлакат ҳаётида фуқаролик жамиятининг институтлари саналмиш нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ҳамда аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларнинг фаоллигини ошириш фуқароларнинг хусусий ҳаёти соҳасига давлат аралашувини камайтириш, қонун воситасида чеклаш билан боғлиқ.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий диққат марказидадир. Шунингдек, бу соҳадаги муҳим

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 45.

йўналиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг ижтимоий шерикликасосидаги ҳамкорлигини йўлга қўйишдан, бундай алоқаларнинг самарали усул ва шакллари вужудга келтиришдан иборат<sup>1</sup>.

Сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат бирлашмаларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан *жамоатчилик назоратининг* асосий воситасига айланади. Зеро, фуқаролик жамиятини барпо этишдан асосий мақсад – жамиятнинг давлат ва унинг органлари устидан таъсирчан назоратини йўлга қўйишдан иборат. Бундай назорат, авваламбор жамоат ташкилотлари – сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, мулкдорлар ҳамда истеъмолчилар уюшмалари ва бошқалар орқали амалга оширилади. Фуқароларнинг, улар уюшмаларининг давлат органларини назорат қилиши, ҳокимият тузилмаларининг сиёсати (фаолияти) юзасидан ўз фикр – мулоҳазаларини билдиришлари фуқаролик жамияти шароитидаги демократиянинг асл намоишидир. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунида<sup>2</sup> (2018 йил) таъкидланганидек, фуқаролик жамияти институтлари давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар ҳисобланадилар. Қонун уларнинг мазкур фаолиятига оид ҳуқуқий мартабаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўламини белгилайди.

Конституцияда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар фаолият юритишига доир муҳим принциплар мустаҳкамланганлиги ва фуқаролик жамияти барча институтларининг жадал ривожланиши учун тегишли ҳуқуқий ва ташкилий шарт – шароитлар яратилганлиги алоҳида таъкидланган. Маълумки, фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукамал қарор топган жамиятдир. Бу жамият шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда

---

<sup>1</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т., 2002. – Б. 316 – 317.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2018, №15, 304-модда

манфаатларини акс эттирувчи, муҳофаза этувчи турли-туман уюшмалар, бирлашмалар, нодавлат ташкилотлар ва идоралар мавжуд бўлади. Улар давлат ҳокимиятидан мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқариш принципи асосида актив фаолият кўрсатади.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат билан алоҳида фуқаролар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, демократиянинг куйидан ривожланишини таъминлайди. Фуқаролик жамияти институтлари жамият ишларини бошқариш борасидаги давлат фаолиятини тўлдиради, чунки улар ўз кўлами, оммавийлиги ва мослашувчанлиги туфайли ижтимоий ҳаётда юзага келадиган муаммоларни аниқлаши ҳамда давлат идораларининг имкониятлари чекланган ўринларда, айниқса, маҳаллий даражаларда таъсирчан ҳаракат қилиши мумкин.

Фуқаролик институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Фуқаролик жамиятининг демократик институтлари фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий алоқаларни ўрнатиш, улар ўртасидаги муносабатларни адолатли тартибга солиш вазифасини адо этади. Айни вақтда, фуқаролик жамияти институтларининг вазифаси фақат давлатнинг кучи билан қондирилиши мумкин бўлган манфаатлар ҳақида давлатга ахборот етказиб беришдан иборат.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига: 1) кўппартиявийлик муҳити қарор топганлиги; 2) инсон ҳуқуқларининг устуворлиги; 3) ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги принципига асосланганлиги; 4) ўзини-ўзи бошқариш органлари нуфузли мавқега эгаллиги; 5) жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги киради.

Энг муҳими, фуқаролик жамиятида маънавий ҳаёт умумбашарий кадриятлар асосида амалга оширилганлиги,

инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган турли-туман ижтимоий муносабатлар тизими ҳамдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак кадрият эканлигини англашга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини рўёбга чиқарадилар, давлатни бошқаришда иштирок этадилар.

Фуқаролик жамиятидаги мавжуд манфаатларни қаноатлантириш, рўёбга чиқариш учун тегишли ташкилий тузилмалар ва институтлар шаклланади, зарур механизмлар вужудга келтирилади. Фуқаролик жамияти анъанавий жамиятдан фарқли ўлароқ, инсонларнинг хусусий ҳаёт соҳасидаги мулкӣ, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқӣ, диний, ахлоқӣ ва бошқа манфаатларини таъминлашга хизмат қилувчи институтларни (уюшмалар, таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш идоралари) ва механизмларни қамраб олади<sup>1</sup>.

Адабиётларда таъкидланишича, ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг таркибий элементларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) одамларнинг ихтиёрийлик асосида ташкил топган бирламчи жамоалари (оила, уюшма, бирлашма, хўжалик корпорациялари, жамоат ташкилотлари, касбий, ижодий, этник, конфессионал ва бошқа уюшмалар);

2) жамиятдаги нодавлат носий муносабатларнинг институционал тузилмалари: иқтисодий, ижтимоий, оилавий, маънавий, диний ва бошқа муносабатлар мажмуи, одамларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ва шахсий ҳаёти, эҳтиёжларига хизмат қилувчи ташкилотлар, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, ахлоқи ва кадриятларини ривожлантирувчи механизмлар;

---

<sup>1</sup>Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б.279.

3) давлат ҳокимиятининг тўғридан-тўғри аралашишидан қонунлар билан муҳофаза қилинган эркин шахслар ва улар ташкилотлари (ўзини ўзи намоён этиш соҳаси) тизими.

Ушбу мулоҳазаларни инкор этмаган ҳолда қуйидаги таснифлашни таклиф қилиш мумкин:

*Биринчидан*, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар: а) хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлар; б) ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари; в) ижара асосида ишловчи жамоалар; г) ҳиссадорлик жамиятлари; д) молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар; е) ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари; ж) тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва ҳоказо.

*Иккинчидан*, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар: а) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар; б) таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта-махсус ва олий таълим муассасалари); в) жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар; г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; д) мустақил оммавий ахборот воситалари; е) диний ташкилотлар; ж) миллий-маданий марказлар; з) ихтиёрий кўнгилли жамиятлар; и) жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари; й) турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва ҳоказо.

*Учинчидан*, сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар: а) ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги; б) сиёсий партиялар; в) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; г) сиёсий муҳолифатнинг мавжудлиги; д) инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тасниф умумий бўлиб, у энг асосий таркибий тузилмаларни ифодалайди. Албатта, фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранглиги, турли-туманлиги билан ажралиб туради. Унда турфа кўринишдаги маърифий, маданий ва бошқа мазмундаги ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ташкилотлари *шахсинг ҳуқуқ ва манфаатларини реал кафолатлаши*, барчага давлат ва жамият ишларида иштирок этишда *тенг имкониятлар* яратиб бериши керак.



Жамоат бирлашмаларининг давлатга нисбатан мустақиллиги қўйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан*, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайдилар; *иккинчидан*, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирода ташкилот аъзолари учун мажбурий бўлади; *учинчидан*, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз устав (низом)лари воситасида ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар; *тўртинчидан*, ўз мулки ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёри ва эҳтиёжига қараб тасарруф этадилар.

Ҳозирги кунда юртимизда аҳоли кенг қатламлари томонидан фаол қўллаб-қувватланаётган 9330 дан зиёд жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқдир. Айни вақтда, Ўзбекистонда сиёсий партиялар – 5 та, Миллий маданий марказлар – 140 дан зиёд, Жамғарма ва хайрия ташкилотлари – 75 та, жамиятлар – 87 та, уюшмалар – 33 та, ассоциациялар – 62 та, федерациялар – 53 та, тармоқ касаба уюшмалари – 14 та, Ижтимоий ҳаракатлар – 3 та, Миллий қўмиталар – 5 та, аёллар ва болалар ташкилоти – 118 та, Халқаро жамоат ташкилотлари – 80 та, Ваколатхоналар ва уларнинг филиаллари – 88 та, диний ташкилотлар – 2220 дан зиёд бўлиб, уларнинг жами жамоат ва нодавлат ташкилотлари, яъни фуқаролик жамияти институтлари сифатида фаолият кўрсатмоқда<sup>1</sup>.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар. Жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2015 йил 1 апрелига бўлган маълумоти асосида.

мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади<sup>1</sup>.

2006 йил 7 июлдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 404-сонли Қарор<sup>2</sup> Минтақавий сиёсат жамғармаси ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига ўз фаолиятларини самарали олиб боришга кўмаклашувчи катта мадад берди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур жамоатчилик тузилмалари томонидан мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши жараёнларини илмий таҳлил этиш ишларини фаоллаштиришга муайян шароит яратди. Кейинги йилларда бу борадаги ҳуқуқий имкониятлар ва институционал шарт-шароитлар изчил ўсиб бормоқда.

Жамиятни муттасил демократлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллаштириш, биринчи навбатда, аҳоли кенг қатламлари сиёсий фаоллигининг оширилиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқдир. Мазкур вазифани ижобий ҳал этишда бошқа омиллар қатори мамлакатимизда чинакам кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими ва ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтирилиши муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг парламенти – Олий Мажлиси икки палатали қилиб ташкил этилиши, қуйи палатага асосан сиёсий партиялар

---

<sup>1</sup>Ўйдошев А.Э., Латипов Б. Фуқаролик жамияти институтлари / Ўқув қўлланма, -Т.:, 2019, 33 бет.

<sup>2</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари.

томонидан кўрсатиладиган номзодлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан янада фаоллаштиришга, сиёсий тизимни модернизациялашга жиддий туртки берди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида жамият ҳаётида бундан буён ҳам нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Мазкур институтларнинг фаоллигини ошириш фуқароларнинг хусусий ҳаёти соҳасига давлат аралашувини камайтириш, уни қонун воситасида чеклаш билан боғлиқ.

Таъкидланганидек, фуқаролик жамиятининг демократик институтлари фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий алоқаларни ўрнатиш, улар ўртасидаги муносабатларни адолатли тартибга солиш вазифасини адо этади. Айни вақтда, фуқаролик жамияти институтларининг вазифаси фақат давлатнинг кучи билан қондирилиши мумкин бўлган манфаатлар ҳақида давлатга ахборот етказиб беришдан иборат.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришда, ижтимоий адолат ҳамда қонунийликни, инсон ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини, қонунлар ижросини самарали таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат идоралари билан фуқаролик жамияти институтларининг изчил ҳамкорлик қилишига эришиш салмоқли натижалар бериши шубҳасиз.

Мустақил тараққиётимиз мобайнида нафақат давлат идораларининг, балки фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ўтган даврда мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади. Ушбу ҳужжатлар давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳамкорлиги ҳамда фаоллигини кучайтиришда, уларнинг мустақиллигини кафолатлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майда қабул қилинган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони<sup>1</sup>, бир томондан, фуқаролик институтларнинг роли, нуфузи ва фаоллигини оширишга, ташаббускорлигини рағбатлантиришга, иккинчи томондан, уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлик механизмларини қарор топтириш ҳамда ривожлантиришга катта рағбат берди. Фармонда соҳадаги мавжуд қатор муаммо ва камчиликлар таъкидида биринчилардан бўлиб “давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаганлиги” кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари мамлакат қонунларини, бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларини, ижтимоий – иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилишнинг даражаси пастлиги жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олиш имконини бермаётганлиги;

– ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмаганлиги каби камчиликлар зикр этилган.

Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида, жумладан, қуйидаги чора – тадбирлар белгиланди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди;

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2018 йил 5 май; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018, №18, 360 – модда.

– нодавлат нотижорат ташкилотлар ихтиёрига ўтказиладиган пул маблағлари, грант маблағлари ва моддий бойликлар уларнинг махсус ҳисобварақларига келиб тушиши ҳамда улардан бирон – бир тўсиқларсиз фойдаланишлари кафолатланди;

– нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятдан олинадиган даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ставкалари 15 фоиздан кўп бўлмаслиги кўрсатилиб, яна бошқа имтиёз (преференция)лар белгиланди;

– нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида алоҳида жамоат фондлари ташкил этилди;

– мамлакатнинг барча ҳудудий бирликларида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари” ташкил этилди;

– нодавлат нотижорат ташкилот ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссиялар ташкил этилди.

Фармонда манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгилаши хусусида тавсия берилди. Табиийки, ушбу тадбир тегишли давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини мунтазам йўлга қўйиш учун зарур ташкилий – ҳуқуқий механизмни вужудга келтиради.

Камина – мазкур сатрлар муаллифи 2010 йил апрель ойида илмий конференциядаги маърузамда, кейинчалик нашр этилган мақолаларимда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини яратиш муаммолари хусусида таҳлилий мулоҳазалар юритиб, давлат органлари, жумладан, республикамиз Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа ва бошқа вазирликлар ҳузурида *Жамоатчилик кенгашларини* ташкил этиш ғоясини мамлакатда илк

бор таклиф қилган эдим<sup>1</sup>. Ушбу таклиф бугунга келиб сиёсий даражада эътироф этилди, қонунчилигимизда ўз ифодасини топди. Табиийки, давлат органлари таркибида жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, нафақат жамоатчилик назоратини амалга оширишга, балки давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлик қилишига реал кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2017 йил 22 декабрь) барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этиш таклиф қилинди. “Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”<sup>2</sup>.

Бугунги кунга келиб кўплаб вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи республика идоралари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари тузилиб, фаолият юрита бошлади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида таъкидлаш мумкинки, юртимизда демократик давлатчилик ва фуқаролик жамияти изчил шаклланиб боргани сайин давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги (ҳамкорлиги) ўзининг ранг-баранг шакллари ва усулларида ривожланиб, янада такомил топиши шубҳасиз.

Мавзуга оид илмий адабиётларда илгари сурилаётган таклифларни қўллаб-қувватлаган ҳолда мазкур ижтимоий ҳамкорликнинг қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлаймиз. Шунга кўра, давлат органлари ҳузурида фаолият юритадиган жамоатчилик кенгашлари ҳақида қонун қабул қилиниши тарафдоримиз. Шунингдек, давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга, ушбу ҳамкорликнинг кафолатларини таъминлашга кўмаклашувчи нормаларни қонунчилигимиз кенгроқ жорий этиш ҳамда мустаҳкамлаш зарур.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Одилқориев Х.Т. Жамоатчилик назоратининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти. – ТДЮИ Ахборотномаси, 2011, №2, 120 – 124-бетлар.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 36-бет.

Шу йўналишдаги қонунчилик механизмларини “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва бошқа тегишли қонунларда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари фаолиятига давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг аралашувини кескин камайтириш лозим. Бу борада Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия гуруҳлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудудлардаги нодавлат ташкилотларининг роли ва иштирокини кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини номарказлаштириш зарур. Бунда уларга фақат марказ орқали эмас, балки маҳаллий давлат ҳокимияти орқали молиявий кўмак берилишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлайдиган фондларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

“Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси”да давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштиришга, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари фўқаролик жамиятини институтлари билан ҳамкорлик қилишнинг ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизмлари ва услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний

---

<sup>1</sup> Қаранг: Якубов Ш.У. Давлат ва фўқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. — Т., 2018, 201 – 202-бетлари.

шасхларга, жамоат бирлашмаларига ахборот (маълумот)лар тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий тўсиқлар ва сарф-ҳаражатларга барҳам бериш вазифаси белгиланган. Шубҳасиз, ушбу Концепциянинг ҳаётга бекаму кўс татбиқ қилиниши давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини тизимли ва мунтазам амалга оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, хусусан, ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунки, ижтимоий шериклик муносабатларининг юксалиши ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг ҳозирги инновацион тараққиёт босқичида давлат ва фуқаролик жамияти тузилмаларининг ижтимоий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва изчил ривожлантириш учун мўътадил ижтимоий – сиёсий, ташкилий – ҳуқуқий муҳит яратилди. Бундай ҳамкорлик ҳам давлат органлари фаолиятини, ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада демократлаштириш ҳамда шаффофлаштириш борасида истиқболли имкониятлар яратиши шубҳасиздир.

---

<sup>1</sup> Якубов Ш.У. Ўша манбаа. 34-б.



## 5. ҚОНУН (НОРМА) ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Давлат ўзининг суверен иродасини қонунлар воситасида расмийлаштиради ҳамда жамиятга тақдим қилади. У қонун ижодкорлик фаолияти натижасида ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида энг муҳим муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга йўналтирилган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар яратади.

Давлат ҳокимиятининг сиёсати, айниқса, ҳуқуқий сиёсати қонун ижодкорлиги орқали ҳаётга жорий этилади, мақсадли сингдирилади. Айни чоғда, “қонун ижодкорлиги борасидаги алоҳида ҳуқуқий сиёсат” хусусида ҳам гапириш мумкин. Буни давлатнинг “*қонунчилик сиёсати*” деган категорияда ифодалаш қулайроқ ҳисобланади.

*Қонунчилик сиёсати*– давлат ҳуқуқийсиёсатининг бир бўлаги бўлиб, унда ижтимоий муносабатларни қонунлар воситасида ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишлари, принциплари, мақсад ва вазифалари ўз ифодасини топади. Қонунларни шакллантириш, қабул қилиш ва ҳаётга жорий этиш мақсадларига йўналтирилган махсус сиёсий – юридик таъсир этиш воситалари ҳамда чоралари йиғиндиси қонунчилик сиёсати воқелигини ташкил этади. Бошқача айтганда, қонун ижодкорлиги давлатнинг ҳуқуқий (қонунчилик) сиёсатини шакллантириш, ифодалаш, расмийлаштириш ҳамда амалга оширишнинг муҳим воситаси саналади. Қонунчилик сиёсати ижтимоий бошқарув санъатининг махсус туридир. Қонунчилик сиёсати қонун ижодкорлигининг бош мазмунини, асосий йўналишларини, тенденцияларини, уни такомиллаштириш стратегияси ҳамда тактикасини, қолаверса модернизациялаш мантиғини белгилайди.

Қонунчилик сиёсатининг энг муҳим сифати – қонунчиликни такомил-лаштириш мақсадига йўналтирилганлик, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни ижро этишни ташкил қилишнинг рационал тизимини ишлаб чиқишлиқдир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ҳеч кимга тобе бўлмаган алоҳида қонунчилик сиёсатини

юритади. Юксак нуфузли инсонпарвар, адолатли ҳамда демократик қонунлар яратиш, қонунни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш воситасига айтантириш, жамият учун умумий манфаатли барча муносабатларни қонун ёрдамида муҳофаза этиш қабилар ушбу сиёсатнинг асосини ҳосил қилади.

Маълумки, Конституция давлат сиёсатини олий даражада қонуний тарзда расмийлаштирувчи ҳужжатдир. Асосий қонунимизда қонун ижодкорлиги жараёни ва унинг босқичлари, қонунларни яратишнинг конституциявий механизми аниқ ҳамда қатъий мустаҳкамланган (76, 78, 83, 84, 87, 93-модда 17-банди ва бошқ.). Мазкур моддаларда белгиланган қоида, принцип ва нормалар мамлакатимизда амалга ошириладиган қонун ижодкорлик фаолиятининг, шунингдек қонунчилик сиёсатининг конституциявий асосларини ташкил этади.

Давлатнинг Конституцияда ифодланган сиёсатини, сиёсий мафқураси ва доктринасини *конституциявий-ҳуқуқий сиёсат* сифатида эътироф этиш мумкин. Таҳлил этилаётган мавзуга татбиқан конституциявий-ҳуқуқий сиёсат – давлат ҳокимиятининг Конституция асосида ҳуқуқ яратиш, қонунларни ижод қилиш ва уни амалга ошириш соҳасида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтларининг ваколатларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили асосида қонун ижодкорлиги стратегиясини белгилаш, шунингдек, ҳуқуқий воситалар билан конституциявий тузумни муҳофаза этишга оид асосий концептуал қоида ва мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда жамият ҳаётига татбиқ этишга қаратилган фаолиятдир. Мамлакатнинг қонунчилик стратегияси аввало Конституцияда мужассам ифодаланади. Айни вақтда, қонунчилик стратегияси қонунчилик сиёсатининг мазмун-моҳиятини ижтимоий муносабатлар тизимида сингдиришнинг муҳим йўналишлари сифатида майдонга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг аввалги босқичини белгилаган фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ва ҳозирги инновацион ривожланиш босқичидаги юксалишини кўзловчи Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилганидек, қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишдан,

модернизациялашдан кўзланган *асосий мақсад* – парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз фармон ва қарорларида, мурожаатномаларида илгари суриладиган ташаббус, қоида ҳамда ғоялар воситасида қонунчилик сиёсати шаклланиши ва амалга ошишига салмоқли хисса қўшади. Шунингдек, мамлакат парламенти – қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи сифатида қонунчилик сиёсатини шакллантириш ва ҳаётга жорий этишда сезиларли роль ўйнайди. Маълумки, парламент қонун ижодкорлик жараёнини самарали ташкил этиш, изчил қонунчилик тизимини шакллантириш, сифатли қонунлар қабул қилинишини таъминлаш, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш билан боғлиқ катта ҳажмдаги ишларни бажаради. Парламент мамлакат тараққиётининг тегишли босқичларида муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича қонун ижодкорлик ишлари режаларини қабул қилади, мазкур фаолиятнинг концептуал ва ташкилий жиҳатларини муҳокама этиб, ўз стратегик вазифаларини белгилайди.

Олий Мажлис қонунчилик сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига Конституциянинг 83-моддасида назарда тутилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини, сиёсий партияларни (уларнинг парламентдаги фракцияларини), фуқаролик жамиятининг барча институтларини, айниқса, оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этади. Мазкур сиёсатнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мазмунида мамлакатда ўтказилган референдумлар, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамалари яқунлари, халқ ижтимоий фикрини ва фуқароларнинг ҳуқуқ ташаббускорлигини акс эттириш таъминлаб келинмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнида халқ оммасининг, фуқароларнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017, 10 – бет.

кенг иштирокини таъминлаш парламент собитлик билан риоя этадиган демократик конституциявий принципдир.

Ҳукумат даражасида қабул қилинадиган қарорлар қонун ва фармонлар ижросини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, улар ҳам давлат томонидан юритилаётган қонунчилик сиёсатининг амалий жиҳатларини акс эттиради. Қонунчилик сиёсатининг айрим юридик ва ташкилий масалаларини ишлаб чиқишда, ҳаётга татбиқ этиш ва қонунчилик ҳужжатларни лойиҳалаштириш, амалдаги қонунчиликни янги қабул қилинган қонунларга мувофиқлаштиришда Адлия вазирлиги, қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда Прокуратура, қонунлар ижросини таҳлил этиш бўйича Президент ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти ва бошқалар муҳим роль ўйнайдилар.

Давлатнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатини шакллантиришда суд ҳокимияти субъектлари ҳам фаол катнашадилар. Конституциявий суд, умумий юрисдикция судларининг олий органи – Олий суд қонунларни қўллаш амалиётини таҳлил этиш асосида қонунчилик ташуббуси тартибида парламент эътиборига мунтазам равишда тегишли таклифларни киритадилар. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқий ислохотларнинг концепцияси, шунингдек жиноят қонунчилиги ва жиноий жазо тайинлаш тизимини либераллаштириш концепцияси ҳам ушбу демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий базасини шакллаштириш борасидаги қонунчилик сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилиши мумкин. Хусусан, мазкур сиёсатнинг қатор устуворликлари “Судлар тўғрисида”ги қонунда, Президентнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд – ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора – тадбирларитўғрисида”ги ва 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги давлатимизнинг суд – ҳуқуқ соҳасидаги сиёсатининг қатор устуворликлари расмий ифодаланган. Жумладан, мазкур ҳужжатларда судларга оид қонунчилик сиёсатининг қуйидаги

мантиғи ўз аксини топган: мустақил, холис, дахлсиз фаолият юритувчи судьялар корпусини шакллантириш, демократик одилсудлов ва инсонпарвар суд тизимини вужудга келтириш пировард – натижада инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш ҳамда муҳофазалашга хизмат қилади.

Шу ўринда ҳуқуқий сиёсатнинг алоҳида тури сифатида суд – ҳуқуқий сиёсати мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Фикримизча, *суд – ҳуқуқий сиёсати* – давлат ҳокимиятининг, тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатдаги одил судловни ташкил этиш ва амалга оширишга оид ҳуқуқий ғояларни, принципларни, соҳани ислоҳ этиш мафкураси ҳамда стратегиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли, илмий асосланган, изчил ва тизимли фаолиятидир. Унинг моҳияти жамият ва давлат манфаатларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, одил судловни самарали ташкил этиш ва амалга оширишга доир ғояларни шакллантириш ҳамда вазифаларни белгилаш, дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишдан иборат.

Жамиятни модернизациялаш жараёнлари давом этаётган ҳозирги шароитда давлатнинг қонун ижодкорлик фаолиятига, умуман, қонунчилик сиёсатининг мазмунига янада юқори янги талаблар қўйилиши табиий. Мазкур вазиятда қонун ижодкорлиги соҳасидаги давлат сиёсатини давр руҳи ва эҳтиёжларига мос ҳолда такомиллаштиришни таъминловчи мустаҳкам методологияга таянган илмий концепциясини шакллантириш мақсадга мувофиқ<sup>1</sup>. Бу ўринда қонунчилик сиёсати – қонунлар яратиш соҳасидаги давлат фаолиятининг илмий асосланган стратегияси ва тактикаси сифатида майдонга чиқади. Қонун ижодкорлиги борасидаги ҳуқуқий сиёсатни ривожлантириш концепциясида, чамаси, аввало, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг ва қонунчилик сиёсатининг бош мақсади, асосий вазифалари, устувор йўналишлари, ривожланиш тенденциялари, қўлланиладиган раҳбарий принциплари,

---

<sup>1</sup>Биз мазкур Концепцияни ишлаб чиқиш ғоясини 2000 – йиллар бошларидан эътиборан илгари суриб келдик. Батафсилроқ маълумот учун қаранг: Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Т., 2005, 142 – 146-бетлар.

структураси ва шакллари, ижтимоий муносабатларни қонун воситасида тартибга солишнинг тегишли воситалари ва усуллари ўз аксини топиши зарур. Қонун ижодкорлигига оид сиёсатнинг истиқболга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқишда қонун ва қонунчилик ҳужжатлари тизими ривожланишини прогноз қилиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, қонунчилик сиёсати давлат ҳуқуқий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мамлакатнинг изчил ҳуқуқий тараққиётини таъминлаш, ҳуқуқий тизимни яхлит воқелик тарзида сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, қонун ижодкорлиги фаолиятини модернизация қилиш, унинг илмий асосларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, ижтимоий муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишнинг қонуний механизмларини яратиш имконини беради.

Қонун ижодкорлиги ҳуқуқ ижодкорлигининг энг муҳим, асосий шаклидир. *Қонун ижодкорлик фаолияти* – ваколатли давлат вакиллик органининг қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган иродавий фаолияти. Мазкур фаолият ижодий жараён бўлиб, бунда халқнинг иродаси аниқланади, шакллантирилади, белгиланган тартибда қонун даражасига кўтарилади, расмийлаштирилади, унга юридик шакл берилади.

Қонун чиқариш ёки қонунчилик ҳар қандай давлатнинг ажралмас функцияси ва шундай бир фаолият йўналишики, унда давлатнинг олий вакиллик иродаси ижтимоий тажрибани умумлаштириш асосида жамиятга давлат раҳбарлигини амалга ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунлар яратади, мавжуд қонунларни ўзгартиради ва эскирганларини ваколатли вакиллик органи (референдумда – бевосита халқ) давлат (халқ, ҳукмрон гуруҳ) иродасини қонун даражасига кўтариб, унга сиёсий, юридик тус беради. Айни вақтда, унинг моҳияти, бутун сиёсий характерига қарамасдан, воқеликни, ижтимоий муносабатлар мазмунини назарий англашдан (ҳеч бўлмаганида, шундай билиш тақозосидан) иборат. Қонун чиқарувчи орган қонунларни кашф этмайди, балки уларни шакллантиради, у

фақат позитив қонунларда ижтимоий муносабатларнинг ички қонуниятларини ифода этади. Демак, ҳаётнинг, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари бирламчидир, қонун эса уларни юридик шакл сифатида қайд этади. *Қонун яратишнинг моҳияти мана шундадир.*

Қонунчилик жараёнининг таърифи икки маънога эга:

*биринчиси* – қонун лойиҳасининг парламентга киритилишидан бошлаб, то у қабул қилингунига қадар ваколатли давлат органлари томонидан рўёбга чиқариладиган фаолият эканлиги;

*иккинчиси* – қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадиган турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал қоидалар ифодаси (шакли).

Қонунчилик жараёнининг муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар тартиби ва уларни амалга ошириш кетма – кетлиги Конституцияда белгилаб қўйилади. Мамлакатдаги бутун ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан, қонун ижодкорлиги муайян процессуал тартиб – қоидалар доирасида амалга ошади. Қонунни яратиш муносабатлари, шунингдек бу муносабатларда иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи моддий ҳуқуқ қоидалари процессуал нормалар орқали ҳаётга жорий этилади. Агар моддий ҳуқуқни татбиқ этишнинг тегишли процедураси (тартиб – таомили) ўрнатилмаган бўлса, у юридик нуқтаи назардан яроқсиздир.

Қонунчилик жараёни, анъанага кўра, ушбу жараённинг турли босқичларида иштирок этувчи органлар ўртасида ваколатларни тақсимлаш сифатида талқин этилади. Гарчанд, қонунчилик фаолиятида у ёки бу алоҳида субъектлар иштирок этсалар ҳам, қонунчилик жараёни, асосан, парламентнинг қонун яратишга оид фаолияти бўлиб қолаверади.

**«Қонунчилик жараёни»** тушунчаси қуйидагиларни англатади:

*биринчидан*, қонуннинг мазмунан тайёрланишини таъминловчи ўзаро алоқадор институтлар тизимини белгилашдан; *иккинчидан*, халқ иродасини, жамоатчилик фикрини ифодалашнинг қатъий демократик шакллари ва механизмни мустаҳкамлашдан; *учинчидан*, қонунни яратиш ва қабул қилиш жараёнида давлат

ҳокимияти олий вакиллик органи фаолиятининг турли шакллари қўлланилишини акс эттиришдан иборат бўлади.

Конституцияда, парламентнинг мақомига оид қонун ҳужжатларида, парламент палаталарининг регламентларида қонунлар (шу жумладан, давлат бюджети) лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш босқичлари (тартиби) муфассал белгиланади. Зикр этилган норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда “қонун чиқариш жараёни”, “қонун чиқариш процедураси”, “қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби” каби иборалар (уларнинг тушунчаси, таърифи) қатъий қарор топганлиги ифодаланади: қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар рўйхати берилади; парламентда қонун лойиҳасининг босқичлардан ўтиш тартиби (лоийҳанинг тақдим этилиши, тегишли асослантирувчи ҳужжатлар, уларнинг рўйхатдан ўтказилиши, лойиҳанинг тегишли қўмита томонидан кўриб чиқилиши, эксперт хулосаларининг олинishi, жамоатчилик муҳокамаларининг ташкил этилиши, лойиҳанинг парламент сессиясида бир неча ўқишда кўриб чиқилиши, уни қабул қилиш ва маъқуллаш, имзолаш, матбуотда эълон қилиш ва расмий кучга киритиш) аниқ ва муфассал белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ҳам тегишли тартиб қоидаларга амал қилинади ва айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Энг аввало, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда халқаро шартномаларининг тамойиллари ва меъёрларига мувофиқ бўлиши керак.

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси талабидан келиб чиқиб, лойиҳаларни тайёрлашни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- лойиҳани тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш;
- зарур маълумотлар ва ахборот тўплаш;



– лойиҳанинг тушунтириш хати ёки концепциясини ишлаб чиқиш;

– матнини тузиш;

– ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизаларни ўтказиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда тартибга солинаётган масала бўйича амалдаги қонунчиликнинг ҳолати ва қўлланиш амалиёти, лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибаси, шу соҳадаги қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитлар, халқаро ҳуқуқнинг лойиҳа мавзусига алоқадор бўлган умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари, ушбу соҳадаги бошқа давлатлар тажрибаси, жамоатчилик фикри каби масалалар ўрганилиши лозим<sup>1</sup>.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ ижодкорлиги талқинига икки хил ёдашув мавжуд. Биринчи – бу жараёни давлатнинг ҳуқуқий нормаларни шакллантиришга, расмийлаштиришга йўналтирилган фаолият шакли, функцияси деб қараш (анъанавий ёндашув). Иккинчиси эса, ҳуқуқ яратилишини жамиятнинг ривожланишига хизмат қилувчи ҳуқуқий тартибга солиш тизимини қарор топтириш мақсадида амалга ошириладиган давлатнинг ташкилий уюшган фаолияти деб ҳисоблашдир (социологик-юридик ёндашув).

Анъанавий талқинга кўра, ҳуқуқ ижодкорлиги деганда, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг (референдум чоғида – бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолияти тушунилади. Ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра, давлат иродасини норматив тарзда (ҳуқуқий қоидалар шаклида) ифодалашдир.

Социологик ёндашувга биноан, ҳуқуқ ижодкорлиги жамиятдаги турли-туман мураккаб ҳаётий вазиятларни ҳуқуқий тартибга солиш учун мутаносиб ҳуқуқий ечимни (моделни) топиш, бунга туртки бўлувчи ва таъсир этувчи ижтимоий омилларни инобатга олиш асосида ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини

---

<sup>1</sup>МадаминовА. Қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси қай тартибда тайёрланади. // “Ҳуқуқ ва бurch”, 2006, №10 – 12, 13-бет.

аниқлашни ва шу эҳтиёжларга мос ҳуқуқ нормаларини яратиш, эскиларини янгилаш ва ноқеракларини бекор қилишга қаратилган фаолиятдир (С.В. Поленина). Бу жараён тўрт ёки беш босқичдан иборат тартиб-таомил (процессуал тартиб) тарзида кечадиган анъанавий қонун (ҳуқуқ) ижодкорлиги тушунчасидан фарқ қилади, яъни анча кенгдир.

Социологик маънодаги ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий нормани яратиш ғоясининг пайдо бўлишидан, шундай ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлашдан тортиб, токи уни расман юридик норматив тарзда ифодалаш, расмийлаштириш қабул қилиш ва амалга киритишгача бўлган барча хатти-ҳаракатлар (фаолият) кўлами қамраб олинади<sup>1</sup>. Бунда ҳуқуқни яратиш ва шакллантириш жараёнига, энг аввало, иқтисодий (моддий), сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Шу боис ҳуқуқ яратиш жараёнида ижтимоий омиллар имкон қадар тўла инобатга олинса, яратилаётган қонунлар (ҳуқуқий ҳужжатлар) жамият ривожланишининг объектив қонуниятларига, тараққиёт эҳтиёжларига шу қадар мос келади, ижтимоий ҳаёт билан уйғун бўлади<sup>2</sup>.

Қонун ижодкорлиги ҳодисасининг социологик талқини хусусида шуни таъкидлаш жоизки, бунда қонун чиқарувчи органнинг ижтимоий ҳаёт билан нечоғлик боғланганлиги, ўз фаолиятида қонун яратишнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа илдизларини англаб фойдаланиш, жамият тараққиёти қонуниятларига қабул қилинажак қонунларнинг мазмунини мувофиқлаштириш механизмлари очиқ берилиши лозим бўлади.

Юридик социология нуқтаи назаридан, қонун ижодкорлиги жараёнида қуйидаги йўналишларга ва вазифаларга эътибор қаратиш ўта муҳим:

– қонун ижодкорлигининг генезиси, яъни ижтимоий илдизларини ўрганиш;

---

<sup>1</sup>Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. –М., 2015, с. 660-661.

<sup>2</sup>Қаранг: Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. –Т., 1995, 83-бет.

– ҳуқуқий норма (қонун)нинг бошқа ижтимоий регуляторлар (ахлоқ қоидалари, урф-одат, жамоат бирлашмаларининг нормалари, диний, эстетик, маданий ва маънавий қоидалар) билан ўзаро алоқаси ва таъсири, амал қилиши ва «ҳамкорлиги» даражасини аниқлаш;

– ижтимоий ҳаётга қонун воситаси билан аралашувнинг меъёри ва чегараларини аниқлаш;

– қонун яратишнинг ижтимоий омилларини (қонунчилик жараёнининг барча босқичларига татбиқан) ўрганиш;

– қонун амал қилишининг ижтимоий механизмини тадқиқ этиш;

– қонундаги ҳуқуқий қонуннинг инсон феъл-атвориغا айланиши;

– норма билан феъл-атвор ўртасидаги боғлиқликнинг ижтимоий, руҳий ва маънавий жиҳатларини ўрганиш;

– қонуннинг ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ҳамда баҳолаш ва бошқалар.

Қонун йўли билан тартибга солиниши лозим бўлган масалалар, муаммолар қонун тайёрлашдан олдинги контекстни бир неча босқичлар бўйича ўрганиб чиқишни тақозо этади. Улар камида тўрттадир:

1) муаммога сабаб бўлаётган вазиятни аниқлаштириш, яъни ижтимоий, сиёсий, психологик ёки бошқа номақбул омилларга барҳам бериш мақсадида ҳуқуқий аралашув эҳтиёжини ўрганиб чиқиш;

2) тартибга солинаётган муносабатлар ёки объектнинг ҳолатига ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш шаклини (қонун, қонун асосида чиқарилган ҳужжат ва бошқа шу кабилар) танлаш;

3) норматив ҳужжатнинг ўзида тартибга солишнинг муайян принципини танлаш (масалан, ҳуқуқий рағбатлантириш ёки чеклаш, шунингдек жазо турини танлаш). Одатда, ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий воситалар туркумига вазифа юкловчи, тақиқловчи ёки ваколат берувчи нормалар киритилади. Бироқ тажриба тартибга солинаётган объектнинг ҳолатидаги мувозанатга ташкилий-бошқарув ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи орқали эришиш

мумкинлигини кўрсатди. Хўжаликларнинг иқтисодий мустақиллиги ошган ҳозирги шароитларда тақиқловчи ёки чекловчи чоралар тизимига асосланиш ярамайди. Асосийси, ҳаёт фаолиятининг моддий, маънавий ва бошқа ноҳуқуқий рағбатлантириш услубларига кенг йўл очиб беришдан иборат. Шу тариқа *рағбатлантирувчи* ва *тақдирловчи* ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти оширилади;

4) қонун йўли билан тартибга солиш ва унинг натижаларига баҳо беришда, қонунларни амалиётга жорий этишда норма ҳамда оқибатлар ўртасидаги «акс таъсир»ни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Давримизнинг ниҳоятда долзарб масалаларидан яна бири – қонун чиқариш жараёнининг илмий – ахборот жиҳатидан таъминланишидир. Табиийки, қонун чиқарувчи орган, қонунчилик жараёнида қатнашувчи барча субъектлар мунтазам равишда аниқ ва батафсил ахборотга эҳтиёж сезадилар. Қонун ижодкорлик фаолиятининг ахборотга бўлган эҳтиёжи – бу жамиятнинг қонун яратиш учун чиндан ҳам зарур бўлган билимларга эга бўлиш эҳтиёжидир. Фикримизча, Ўзбекистон парламенти қошида замонавий техника даражасида жиҳозланган Илмий-ахборот марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, қонун яратиш жараёнининг барча босқичлари ишончли ва узлуксиз ахборот таъминотига эга бўлиши лозим. Шунингдек, қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида давлат идоралариаро ахборот алмашилишни кенг тармоқли тизимини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ҳозирда бу “электрон ҳукумат” орқали амалга оширилмоқда.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Илмийлик тамойили қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳамма босқичларида устуворлик қилиши лозимлиги ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Энг умумий тарзда санаб ўтадиган бўлсак, қонунчилик фаолиятининг илмий соҳа билан боғлиқлиги қуйидагиларда намоён бўлади: 1) муайян қонун қабул қилинишига эҳтиёж бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган социологик ва ҳуқуқий тадқиқотлар; 2) қонун лойиҳасининг илмий концепциясини яратиш; 3) қонун лойиҳаси матнини тайёрлашда турли фан соҳаларидаги олимларнинг иштирок этиши; 4) қонун лойиҳаларини муҳокама

этишга юрист-олимлар ва мутахассисларнинг жалб этилиши; 5) қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш. Лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, хорижий экспертлар назаридан ўтказиш амалиёти кенг қулоч ёзмақда.

Айни вақтда, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш ҳуқуқий воқелигимизнинг муҳим заруриятига айланди. Аввало, бундай экспертизанинг мақсади, уни ўтказиш тартиби, қонун лойиҳасининг юридик техника талабларига қанчалик жавоб бериши, экспертлик хулосаларига қўйиладиган талаблар, экспертиза ўтказиш муддатлари, экспертлик хулосасидаги фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш мажбурийлиги ёки ихтиёрийлиги каби қатор масалалар ҳали ўзининг юридик ечимини топгани йўқ. Чамаси, бу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи алоҳида қонунчилик ҳужжати қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар.

Мамлакатимизда ҳозирги инновацион тараққиёт йўлига ўтиш босқичида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг самараси ҳамда натижадорлиги кўп жиҳатдан қонун ижодкорлиги ва унинг маҳсули – қонунларнинг сифатига боғлиқ. Ушбу методологик аҳамиятга молик фикр Ҳаракатлар стратегиясида қуйидагича талқин қилинган: “Қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш” давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир<sup>1</sup>.

Мазкур вазифанинг ҳаётий ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августда қабул қилинган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони<sup>2</sup> муҳим аҳамият касб этади. Унда қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган: қонунчилик базасини тизимлаштириш; ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш; норматив-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони. – Т., 2017, 10-бет.

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси. 09.08.2018й. №06/18/5505/1639.

ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш; норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш; норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш<sup>1</sup>.

Қонун ижодкорлиги жараёнини оптималлаштириш нуқтаи назаридан таъкидлаш муҳимки, ушбу ҳужжатда ҳуқуқий тизимни инсонпарварлаштириш борасидаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қонун яратиш ишларининг концептуал асосларини, устувор йўналишларини белгилаш; қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш механизмларини такомиллаштириш; қонун чиқариш фаолиятида тизимлилик ва изчилликни таъминлаш вазифалари қўйилди.

Этимология нуқтаи назаридан “норма ижодкорлиги” категорияси “ҳуқуқ ижодкорлиги” тушунчасидан анча кенгдир. Биринчи тушунча мазмунига ҳуқуқ ижодкорлигидан ташқари, норма ижодкорлигининг барча шакллари, яъни сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг сиёсий-партиявий ҳамда бошқа корпоратив нормаларни, шунингдек, ахлоқий, диний нормаларни яратиш бўйича фаолияти ҳам киради. Юқоридаги ҳужжатда эса гап асосан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти хусусида боради.

Юқоридаги фармон билан тасдиқланган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси” ҳам ҳуқуқ нормаларини яратишда жамият ҳаёти эҳтиёжларидан келиб чиқилишини назарда тутганлиги билан рамзий эътиборлидир. Жумладан, мазкур ҳужжатда қуйидаги сатрлар мавжуд: “муайян муаммони ўзга чоралар ҳал эта олмаса ҳамда давлатнинг тартибга солиш орқали аралашуви зарурлиги етарли даражада, шу жумладан мурожаатларни, жамоатчилик фикри сўрови натижаларини ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва таҳлил этиш негизида асосланган бўлсагина давлатнинг тартибга солувчи аралашувига йўл қўйиладиган тартибга солувчи қарорлар қабул қилиш учун асосларнинг етарлилиги принципининг амалда

---

<sup>1</sup>Ўша манба.

ишлашени таъминлаш” вазифаси белгиланган<sup>1</sup>. Бунда муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун зарур бўлган ҳужжатнинг муайян турини белгилаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметини аниқ ифодалаш муҳим аҳамиятга эга.

Концепцияда қонунларнинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яратилиши ва қабул қилиниши жараёнлари сифатини ошириш, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш алоҳида йўналиш тарзида белгиланган. Бунда сифат, шаффофлик, тизимлилик ҳамда жамоатчиликнинг бу жараёнга жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда ижроси мониторингини такомиллаштириш марказий ўрин тутуди.

Қонуннинг сифати ва нуфузи, унинг натижадорлиги, кўзланган мақсадга эришилишини таъминлаш, *бир томондан*, қонун ижодкорлиги жараёнининг демократик уюштирилганлигига, халқ манфаатлари ва иродасини тўла акс эттира олишига, *иккинчи томондан* эса, ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш механизмларини ўзида мужассам эта олишига боғлиқ.

Қонунларнинг самарали қўлланиши, қатъий ижро этилишининг асосий шартлари – уларнинг тегишли сифатли *ички* ва *ташқи механизмларининг* мавжуд бўлишидир. Демак, энг асосий масала – қонунларнинг мукамал ички механизмини яратиш, уларни мазмунан такомилга етказиб шакллантиришдан иборат.

Хўш, қонуннинг ижросини таъминловчи механизм деганда нимани англаш лозим? Таъкидлаш жоизки, қонуннинг мантида, ички мазмунида унинг бажарилиш имкониятлари, шарт-шароитлари, ҳуқуқий механизмлари акс эттирилиши лозим. Бундай ички механизм аслида қонуннинг матнида, мазмунида шакллантирилиши лозим. Ҳар қандай қонуннинг моддаси ҳуқуқий норма сифатларига эга бўлиши учун унда уч элемент: – яъни *гипотеза*, *диспозиция* ва *санкция* мавжуд бўлиши шарт. *Гипотеза* қонун қўлланадиган тегишли шарт-шароитнинг, реал тарихий

---

<sup>1</sup>Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси. 09.08.2018й. №06/18/5505/1639.

вазиятнинг, аниқ замон ва макон (қонун билан тартибга солиш эҳтиёжи ҳамда тартибга солинишга муҳтож ижтимоий муносабатлар тизими)нинг зоҳир бўлишини назарда тутди. *Диспозиция* ҳуқуқий норманинг асосий мазмуни сифатида унда томонларнинг (ҳуқуқ субъектларининг) ҳуқуқ ва бурчлари батафсил аниқ ифодаланишини анлатади. Моддалари ва мазмунида ҳуқуқ ва бурчнинг мутаносиблиги ва узвий бирлиги таъминланмаса, қонун ишламайди. Чунки, қонунда мажбурият ўтовчи субъект мақомининг аниқ белгиланмаслиги ҳуқуқдор субъектнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмай, “ҳавода муаллақ” қолишига олиб келади. Ва ниҳоят, *санкция*. Санкция ҳар қандай юридик мажбурият бажарилишининг зарурий кафолатидир. Санкциянинг мавжудлиги, шунингдек, юридик мажбуриятнинг бажарилмаганлиги, ҳуқуқнинг бузилганлиги учун жавобгарликнинг муқаррарлиги қонун ички механизмининг муҳим талабидир. Башарти, юридик мажбурият лозим даражада бажарилмаса, бунинг учун муқаррар жавобгарлик келиб чиқмаса, жазо муқаррарлиги таъминланмаса, яна қонун ишламайди, унинг талаби ижро этилмай қолиб кетади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаган қуйидаги фикрни эслаш мақсадга мувофиқ: “... ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, “ўлик” қонунлар кимга керак?”<sup>1</sup>.

Қонунлар амал қилиши ва ижро этилишининг, улар устуворлигини таъминлашнинг *ташқи механизмлари* ҳам мавжуд. Уларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: а) юридик механизм; б) ижтимоий-ташкилий механизм; в) маънавий-риҳий механизм; г) социологик механизм<sup>2</sup>.

Қонунлар устувор бўлишига эришиш, уларнинг қатъий ижро этилишини таъминлаш учун юқорида эътироф қилинган ички ва ташқи механизмларнинг барчаси бақамти, комплекс тарзда ишлашини ташкил этиш зарур ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 26-бет.

<sup>2</sup>Бу ҳақда барафсилроқ қаранг: Одилкориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. – Т., 2012, 345 – 354-бетлар.



Таъкидлаш лозимки, таҳлил этилаётган Концепцияда ўзаро бир-бирига узвий боғлиқ икки жиддий муаммога эътибор қаратилган. Бири – тўғридан-тўғри амал қидувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш; иккинчиси – идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар салмоғини босқичма-босқич қисқартириш<sup>1</sup>. Жумладан, мазкур ҳужжатда “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмаётган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиққан ҳолда ҳамда асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этган ҳолда аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификация қилиш” – устувор йўналишлардан бири сифатида таъкидланади.

Фикримизча, барча қонунларни тўғридан-тўғри амал қиладиган тарзда ишлаб чиқиш, уларда тегишли процессуал механизмларни назарда тутиш ҳамма вақт ҳам уддалаш мумкин бўлмаган мушкул вазифадир. Назаримизда, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунларга ўхшайди. Аммо, улар ҳам Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги процессуал қонунлардаги механизмларсиз амалиётга жорий этилмайди.

Қонун ижодқорилиги амалиёти кўрсатишича, кўплаб қонунларнинг лойиҳасини тайёрлашда, ҳамма вақт ҳам улар матнида ташкилий ва процессуал механизмларни тўла-тўқис акс эттириш имкони мавжуд эмас. Масалан, 2019 йил майда қабул қилинган “Уруғчилик тўғрисида”ги ҳамда “Яйловлар тўғрисида”ги қонунларда турли минтақа ва вилоятлар учун тегишли нормативлар ва стандарт кўрсаткичларни белгилаш имкони бўлмади. Чунки, турли агро-техника талаблари ва нормативлар ҳар бир минтақа ва ҳудудларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда алоҳида-алоҳида белгиланиши лозим. Шу боис бундай параметрлар ва

---

<sup>1</sup>Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси. 09.08.2018й. №06/18/5505/1639.

мезонларни ўрнатиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши белгиланди<sup>1</sup>.

Норма ижодкорлиги жараёнига янги институт жорий этилаётганлиги эътиборни ўзига тортади. Гап қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколатини бошқа субъектларга ўтказиш (“делегирование полномочий”) институти ҳақида бормоқда. Адлия вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида (янги таҳрирда)”ги қонун лойиҳасида мазкур янги институт назарда тутилган (3 ва 44-моддалар).

Ҳуқуқий воқелигимизга мазкур институтнинг киритилишига эҳтиёж ва зарурат бормикин? У қандай самара бериши мумкин? Боз устига, қонун чиқариш ва фармон қабул қилиш ваколатини бошқа субъектга ўтказиш Конституция талабларига ҳам мувофиқ келмайди (93-модда). Қолаверса, ҳокимиятлар тақсимланиши принципига ҳам зид, деб ўйлаймиз.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг самарасини ошириш, уни халққа яқинлаштириш, янада демократлаштириш асло ўз долзарблигини йўқотмайдиган масаладир. Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакиллари жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали, – дейилади Концепцияда, – норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини оширишни тақазо этмоқда. Бунинг учун фуқароларга қонун лойиҳаларини барча босқичларида кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳақидаги ахборотни монеликсиз олиш имконини берувчи қонунчилик маълумотлари билан ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва Олий Мажлис палаталари фаолиятига татбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Қонунчилик амалиётимизга сўнгги вақтларда киритилган янгиликлардан – қонун лойиҳаси мафаатдор идоралар билан келишилгунга қадар мажбурий тарзда жамоатчилик ҳамда мутахассислар муҳокамасига киритилиши институти жорий

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/521/2627-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2019 й., 03/19/538/3155-сон.

қилинди. Бунга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси уни ишлаб чиқувчи ташкилотлар (субъектлар) томонидан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилади. Жамоатчилик билдирадиган таклифларни муҳокама қилиш ва қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи органлар томонидан кўриб чиқиш имконини берувчи “Mening fikrim” веб-портали фаолият бошлади.

Қонун лойиҳалари бўйича парламент муҳокамалари жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини қуйидаги механизмларни жорий этиш йўли билан таъминлаш мумкин:

қонун лойиҳалари матнларини ва уларга доир таҳлилий материалларни ҳар бир ўқишдан кейин парламентнинг веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб бориш;

реал вақт режимида таклифлар ҳамда мулоҳазаларни йўллаш имкониятини жорий этган ҳолда мазкур жараёнларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек, парламентнинг веб-ресурсларида онлайн трансляция қилиш.

Илмий ва эксперт доиралар вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорларнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифларини ўз ичига олган илмий-таҳлилий фаолияти натижаларини, шу жумладан мазкур таклифларни ўз ичига олган онлайн ахборот тизимларини яратиш орқали кенг жалб этиш муҳимдир. Шунингдек, экспертлар ҳамжамияти билан маслаҳатлашиш ва уларнинг салоҳиятидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланишнинг самарали механизмларини яратиш лозим.

Илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда замонавий иш усулларини ўргатиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизасини амалга оширувчи давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш

тизимини такомиллаштириш ҳам жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг илмий асослангандлигини фан ва амалиёт ўзаро ҳамкорлигининг оптимал моделини шакллантириш орқали таъминлаш долзарб вазифадир. Айни вақтда, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Аввало, бундай экспертизанинг мақсади, уни ўтказиш тартиби, қонун лойиҳасининг юридик техника талабларига қанчалик жавоб бериши, экспертлик хулосаларига қўйиладиган талаблар, экспертиза ўтказиш муддатлари, экспертлик хулосасидаги фирк-мулоҳазаларни инобатга олиш мажбурийлиги ёки ихтиёрийлиги каби қатор масалалар ҳали ўзининг юридик ечимини топгани йўқ. Чамаси, бу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи алоҳида қонунчилик ҳужжати қабул қилиниши керакдир.

Қонунчилик мавзусига оид социологик тадқиқотлар мунтазам ўтказиб бориш муҳимлигини ҳам таъкидлаш лозим. Қонунларнинг самарали ишлаётганлигини, натижадорлигини парламент уларни қабул қилишидан кўзлаган мақсадларга эришилаётганлигини аниқлаш учун тегишли социологик тадқиқотлар ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо, афсуски, юртимизда қонунчилик социологияси ҳанузгача ривож топмади. Бу борада социолог-мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмади. Масалан, агар сўнгги йигирма йил мобайнида “Таълим тўғрисида”ги қонун қандай самара бераётганлигини социологик ўрганишлар асосида аввалроқ аниқлаганимизда, ҳозирга келиб, академик лицей ва коллежлар тизими на таълим ва на тарбия борасида ўзини оқламади, деган хулосага келмасмидик? Бинобарин, айнан шу оқибат туфайли юртимизда 11 йиллик ўрта таълим тизими жорий этилмади?

Шунингдек, бошқа кўплаб қонунларимиз нега “ўлик” ҳужжатлар тоифасига ўтиб қолмоқда, нега самараси паст? Бунга қандай омиллар таъсир этмоқда деган саволларга фақат чуқур илмий

асосланган социологик тадқиқотлар эвазига жўяли жавоб топишимиз мумкин.

Маълумки, қонун ижодкорлиги жараёнидаги лойиҳалаштириш фаолиятини тартибга солиш билан бир қаторда, Концепцияда норма ижодкорлигининг бошқа турлари, фармонлар, ҳукумат қарорлари, шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари устида ишлашга оид фаолиятни ҳам такомиллаштириш чоралари белгиланди. Хусусан, давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақат ушбу органларнинг кутарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилиши белгиланди.

Шунингдек, қонунларни, фармон ва қарорларни қўллаш, улар кучга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча идоравий ички ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилиши тартиби белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга тақлиф этиладиган ўзгартиришлар киритиш орқали, жумладан, уни янги таҳрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Мазкур фаолиятни тизимли ташкил этишни таъминлаш бобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳам қонун ижодкорлигини такомиллаштиришда муҳим ўринга эга бўлди. Қарорга мувофиқ меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими жорий этилди.

Ягона электрон тизим қўйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишни назарда тутди:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун, шу жумладан уларнинг кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш учун бир вақтнинг ўзида ва тезкор жўнатиш имкониятини яратиш;

амалга оширилган ҳаракатларни автомат тарзда расмийлаштириш, тақдим этиш ва қабул қилиш саналарини қайд этиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини, шу жумладан визаларнинг ҳақиқийлиги ва уларнинг долзарблигини тасдиқлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнида амалга оширилган ҳаракатлар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлари ва эътирозлари тўғрисида ахборотни тўплаш ва сақлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёни ҳамда келишиш Ягона электрон тизим орқали амалга оширилган манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги ахборотни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ягона электрон базасини юритиш, шунингдек, ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларни шакллантиришда ягона электрон базадан фойдаланиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнини реал вақт режимида бошқариш, мониторинг ва назорат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнида вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли тежаш.

Қонун ижодкорлигини такомиллаштиришда юридик техника талабларига риоя этилиши, шунингдек қонунларнинг тили равонлиги, аниқ ва лўндалиги, кенг халқ оммасига тушунарли бўлишлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳали-ҳануз қонун лойиҳалари дастлаб рус тилида тайёрланиб, сўнг ўзбек тилига таржима қилинаётганлиги, таржимада эса анча ғализликларга йўл қўйилаётганлиги таажжубли эканлигини таъкидлаш жоиз. Қатор ҳолларда хорижий манбалардан нусха олиш, баъзан англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги институтларни асоссиз равишда роман-герман ҳуқуқий тизимига мансуб бўлган Ўзбекистон ҳуқуқий воқелигига ўтказишга интилишлар кўзга ташланмоқда. Масалан, суд прецеденти институтини жорий этишга интилишлар мавжуд. Маълумки, “Судлар тўғрисида”ги қонунда “қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир” (21-модда) деган қоида мавжуд. Ушбу қоидани қўллаб-қувватлаш қийин. У Олий суд Пленумини мажбурий норма яратувчи органга айлантириб қўяди. Бу эса бизнинг ҳуқуқий тизимимизда мумкин эмас. Конституциямизнинг 112-моддасига мувофиқ судлар фақат қонунга бўйсундилар. Пленум қарорлари эса судлар учун тавсиявий хусусиятга эга бўлиши лозим. Қонунларимиз матнида хорижий тиллардаги ибораларни ишлатиш (“импорт қилиш”) урф бўлмоқда. Жумладан, фуқаролик қонунчилигимизда, айнан Фуқаролик кодексида “*франшизинг*” (862 – 874-м. “комплекс тадбиркорлик рухсатномаси”), “*лизинг*”(587 – 599-м.), “*прокат*” (558 – 563-м.), “*коммандит*” (61 – м.), “*оферта*” – “*акцепт*” (364, 370 – м.), “*кредит*” (744 – 748-м.), *бенефициар* (300 – 307-м.), “*субсидиар*” (329 – м.), “*сервитут*” (173 – м.), “*муниципал мулк*” (215 – м.), “*интеллектуал мулк*”, “*интеллектуал фаолият*” (IV бўлим, 1031 – 1040-м.), “*чартер шартнома*” (712 – м.), “*транспорт экспедицияси*” (726 – 731-м.), “*ассартимент*” (747 – м.), “*консервация*” (679 – м.), “*мерос трансмиссияси*” (1140<sup>1</sup> – м.),

“реторсия” (1167 – м.), “фьючерс”<sup>1</sup> ва бошқа сўзлар ишлатилган бўлиб, улар аҳолимизнинг барча қатламларига бирдек тушунарли ва ишлатиш учун осон деб айтолмаймиз. Зеро, қонунлар халқимиз тушинадиган тилда битилгани маъқул.

Шу боис фикримизча, баъзи ҳуқуқий институтлар ва тушунчаларни изоҳсиз ўзбекча ифодалаш, масалан, “прокат”ни – “ижара”, “интеллектуал”ни – “ақлий”, “бенефициар”ни – “мажбуриятни кафолатловчи”, “муниципал”ни – “маҳаллий”, “кредит”ни – “муддатли қарз” деб ишлатиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бошқа ҳуқуқий ибораларни эса изоҳи билан, яъни дастлаб ўзбекча ифодаси берилиб, кейин қавс ичида хорижий сўз кўриниши тарзида берилиши мумкин. Шунингдек, баъзи ҳужжатларда ишлатилган “санация”, “тартибга солиш гильотинаси”, “деверсификация”, “аккредитив”, “арбитраж”, “лоукостер” каби ибораларни маъно жиҳатдан аниқ ўзбекона таржималарини бериш қонунларимиз маъно-мазмунини халқимиз руҳиятига имкон қадар яқинлаштирган, уларнинг англаб, ихтиёрий ижроси таъминланишига муайян ҳисса қўшган бўлар эди.

Шундай қилиб, қонун ижодкорлигининг методологик, соф юридик, ташкилий-техникавий муаммоларини яхлит-ялпи тарзда ҳал этиш пировардида мазкур фаолиятнинг сифатини такомиллаштиришга, шунингдек қонунларнинг самарали ишлаш механизмларини яхшилашга имкон бериши тайин.

---

<sup>1</sup>**Фьючерс битимлари** (инг.futures deal) – товар ёки фонд биржасида тузиладиган битим тури. Товарлар (жумладан қимматли қоғозлар) сотиш мажбурияти ва унинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олган томонлар ўртасида тузиладиган муддатли битимлардир. Бундай битимлар муайян вақтдан сўнг амалга оширилишини назарда тутаяди. “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунга кўра, фьючерс – келгусида ижро этиш мажбурияти олиншини англатади (23 – модда). “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунга асосан қимматли қоғозларга доир фьючерс – ўзида белгиланган муддатда муайян миқдордаги қимматли қоғозларни қатъий меъёрланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз (3 – модда).

Фьючерс шартномаларини тузиш Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 11 мартдаги ПФ – 1734 – сонли “Қишлоқ хўжалигида ҳисоб – китоблар тизимини такомиллаштиришга оид туб чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида тилга олинган.



## 6. ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ: ШАКЛЛАНИШИ, ТАБИАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида сўнгги йилларда пайдо бўлган янги мавзулардан бири – медиация институтидир. Маълумки, 2018 йил 3 июлида имзоланган “Медиация тўғрисида”ги қонун 2019 йилнинг 1 январидан эътиборан амал қила бошлади. Шу муносабат билан жамиятимиз ижтимоий онгига **“медиация”** воқелигининг, янги институтининг туб моҳиятини сингдириш, унинг аҳамиятини, кадр – қимматини ҳамда афзалликларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, изоҳлаб бериш ўта долзарб масалага айланди.

Ушбу долзарбликнинг боиси, бир томондан, дунё миқёсида кўплаб хорижий давлатлар амалиётида медиациянинг юқори самара билан қўлланилаётганлиги, иккинчи томондан, халқимизнинг тарихан шакланган, бироқ ҳозирда анчайин унитилаёзган “муроси мадора” деган қадрияти ҳамда анъаналарини қайта жонлантириш эҳтиёжи кун тартибига чиққанлигидадир. Шунга кўра, медиация институтининг назарий – ҳуқуқий асосларини, юридик ҳамда ижтимоий – маънавий табиатини, мазмунини, принципларини, структурасини, ўзига хос хусусиятлари ҳамда белгиларини, таснифи (моделлари)ни комплекс мушоҳада этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Аввало, шунини таъкидлаш жоизки, медиация институти узоқ тарихий илдизларга эга. Низоларни учинчи шахслар воситачилигида ҳал этиш усули қадим даврлардан, хатто ибтидоий тузум давридан бошлаб қўлланилиб келади. Тарихий манбаларда эътироф этилишича, медиация усулидан қадимги Бобил, Шумер ҳамда Финикия давлатларида тижорат соҳасида, савдогарлар ўртасидаги низоли вазиятларни ечишда фойдаланилган. Шунингдек қадим Юнонистонда, Афина республикасида ҳам турли келишмовчиликларни ҳал қилишда воситачилар (медиаторлар) хизматидан фойдаланилган.

Қадимги Римда милоддан аввалги VI асрда яратилган Юстиниан кодексида низоли ҳолатларни бартараф этиш учун воситачилик институти тан олинган. Римликлар баҳс – мунозараларни ҳал қилувчи шахсларни «medium» (“воситачи”) деб атаганлар. Улар алоҳида нуфузли тоифа ҳисобланганлар.

Муросаи мадора бизнинг қадимий аجدодларимиз табиатига хос фазилатлардан саналиб, “Авесто” да ўз ифодасини топган ва ўша даврлардан бошлаб ривожланиб келган. Кўхна даврдан то ҳозиргача уруғ ҳамда қабила оқсоқоллари, кейинчалик маҳалла раислари (оқсоқоллари), ёши улуг, ҳаётий тажрибаси катта бўлган ҳурматли инсонлар, аввало, оилавий низоларни бартараф этишда, қолаверса, маиший, мулкӣ, тижорий, савдо, қарз олди-бердиси каби масалаларга оид низоларни бежанжал ечишларда, томонларни муросага келтиришда салмоқли ҳамда умум учун фойдали фаолиятни амалга ошириб келганлар. Демак, тарихий манбаларга таяниб, хулоса чиқариш мумкинки, инсонлар ўртасида юзага келган келишмовчилик, можаро, зиддият ва низоларни тинч, музокара, муроса йўли билан холис воситачилар орқали ҳал этиш, тарафларни муросага келтириш ва яраштиришдек қадимий одатлар юртимизда азалдан шаклланган<sup>1</sup>. Бағрикенглик, кечиримлилик, ярашув каби фазилатлар халқимиз табиатига хос бўлиб, инсоний қадриятлар силсиласида асраб-авайлаб келинган.

**Медиация** – лот. “mediare” сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилмоқ, ўртада турмоқ, орага тушмоқ деган маънони англатади. Шунингдек **“медиация”** – (инг. “mediation” – воситачилик) – низоларни муқобил (судгача) ҳал қилиш усули бўлиб, унда низолашувчи тарафларга холис, бетараф медиатор ўзаро мақбул келишувга эришишга ёрдам беради, лекин у низо бўйича қарор қабул қилишга ва тарафларнинг ҳеч бирига маслаҳат беришга ҳақли эмас. Медиация институти қадимги Франкларда эр.авв. II асрнинг бошида қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Медиация ҳозирги кўринишда АҚШ ва бошқа англо-саксон ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда ўтган асрнинг 70-йилларида

---

<sup>1</sup>Қаранг: “Huquq va burch”, 2019, №2.

пайдо бўлган. 1990 йилларнинг бошидан Европа давлатларида ҳам қўлланиб келмоқда<sup>1</sup>.

Медиация Хитой ва Японияда ҳам азалдан кенг қўлланилган. Бугунга келиб мазкур давлатларда низоларни бартараф этишда воситачиларнинг иштироки ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан бахсни судда ҳал этишга қараганда юқорироқ қўйилади. Низони судгача ҳал қилиш мақсадида медиацияга юз тутиш маърифатли жамоатчилик кўз ўнгида тарафларнинг нуфузини минг чандон оширади. Бундай йўл тутиш тегишли шахсларнинг давлатнинг суд идораларида тортишувдан кўрқишини эмас, балки донишмандлик, саховатпешалик, вазминлик ҳамда мулоҳазадорлик билан оқилона иш кўрилганлигини англатади. Зеро, медиатив воситачилик Хитой ва Япон халқлари ҳуқуқий маданиятининг узвий қисми саналади. Масалан, Хитойда Яраштирув бўйича халқ кўмиталари кенг фаолият юритади. Уларда шаҳарлардаги ҳамда қишлоқ жамоаларидаги аксарият аҳоли ўзаро низолари бўйича эркин ва ихтиёрий келишувга, муросага эришадилар. Шубҳасиз, айти ҳолат судларнинг иш юкласини анчагина енгиллаштиради.

Ҳозирги замонавий медиация тарихи ўз ибтидосини ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаган. У айтиқса АҚШ, Австралия, Ҳиндистон ва қатор Европа давлатларида жадал ривож топди. Медиациянинг янада ривожланиши ва дунё бўйлаб кенг ёйилишига воситачиликнинг ҳозирги америка модели улкан таъсир кўрсатди<sup>2</sup>.

Ўтган асрнинг 60 – йилларида АҚШ фуқаролик ишлари судловида “америка қоидаси” деган институт пайдо бўлган. Унинг асл маъноси: – адвокатларнинг хизматида ҳақ ишнинг оқибатидан қатъи назар тарафлар томонидан тўланади. Бу катта ҳажмдаги ҳаражатлар бўлишини, улкан суммалар тўланишини англатади. Айти вақтда, адвокатлар ишларни чўзишдан манфаатдор бўлиб, суд жараёнида сулҳга эришиш учун барча пул захираларини охиригача сарфлашга ҳам тўғри келарди. 1990 йилда АҚШ Конгресси томонидан судлов жараёнини ислоҳ этиш тўғрисидаги қонун қабул

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон юрид.энциклопедияси. – Т. 2010, 300 б.

<sup>2</sup> Қаранг: АҚШ нинг “Federal Mediation Conciliation Service” – Бошқарувчилар ва уларнинг бўйсинувидаги меҳнаткашлар ўртасидаги ихтилофларни тартибга солиш Федерал хизматининг 1947 й. дагиАктида “медиация” ибораси қўлланилган. // История развития института медиации // [http:// www.allbest.ru /](http://www.allbest.ru/).

қилинди. У федерал судьяларга низолашаётган томонларни яраштиришга эришиш мажбуриятини юклади.

Медиация, шунингдек суддан ташқари соҳаларда ривож топди. Эндиликда медиация институти – кўплаб давлатлар ҳуқуқий воқелигининг ажралмас қисми. Европа мамлакатларида медиация, аввал таъкидлаганимиздек, ўтган аср охирларидан қўлланила бошланди. Воситачиликнинг АҚШ томонидан илгари сурилган модели Германияда анча оммалашган бўлса, Францияда унчалик муваффақият қозонмади. (эслатиб ўтиш жоизки, Бонопарт Наполеон 1803 йилда “Медиация тўғрисида Акт” қабул қилган эди. У Франция, Швейцария, Германия воқелигига ўз таъсирини ўтказган). Бу мамлакатда медиация одилсудлов тизимига сингдирилди: медиаторлар бевосита судлар ҳузурида иш олиб бордилар.

*Қизиқарли факт:* немис мактабларида доимий медиация курслари жорий этилган. Юридик факультетнинг битирувчилари албатта медиация курсларини ўтган бўлиши лозим. Демак, Германиянинг ўрта ва олий таълим муассасаларини битирган шахслар бошланғич медиатив билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

1980 йилда медиация институти Буюк Британияда пайдо бўлди. 1993 йилда Қироллик Тижорат судининг судьялари низолар келиб чиққан тақдирда жисмоний ва юридик шахслар медиация жараёнларига мурожаат этишлари лозимлиги тўғрисида расмий тавсия қабул қилди. Лондон ҳаёти учун низоларни медиатор воситасида ҳал этиш кенг тарқалган табиий ҳол. Ҳар икки томон бахсли вазиятни бартараф этиш учун медиация усулини танлаши мумкин ва бу асло инсонларнинг кучсизлиги (заифлиги) ни англамайди, бу – уятли ҳолат эмас. Аксинча, медиацияга мурожаат этиш оқиллик, донолик, яхши натижага эришишни кўзлашдир.

Медиация институтининг пайдо бўлиши ва шаклланиши тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида воситачиликнинг амал қилиш соҳалари асосан мулкӣ, тадбиркорлик, савдо ва шахслараро муносабатлар жабҳаси бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Медиациянинг тушунчасини аниқлаш, моҳиятини англаш ушбу воситачиликнинг хусусиятлари борасида яққол тасаввурлар ҳосил қилиш ҳамда мазкур институтнинг мамлакатимизнинг ҳуқуқӣ ва

қонунчилик тизимларидаги ўрнини белгилаш мақсадини кўзлайди. Боз устига медиация янги институт бўлиб, жамиятимиз аҳли унинг афзалликларидан ҳали етарлича хабардор эмас. Бу ҳол медиация ҳодисасини теран талқин қилишни тақозо этади. Шунга кўра қуйидаги таърифни илгари суриш мумкин: медиация таърифи икки низолашувчи тарафлар ўртасидаги можаро ёки ихтилофга имкон қадар фойдали ечим топишдан бўлак манфаатни кўзламайдиган учинчи, ҳолис шахс иштирокидаги музокара тушунчасини қамраб олади<sup>1</sup>. Медиация низо (можаро)ларни ҳал этишнинг янги ноанъанавий ёндашув асосида муқобил усулидир.

Медиация – можарони ҳолис, адолатли бундан манфаатдор бўлмаган учинчи томон – медиатор (воситачи) иштирокида ҳал этишнинг муқобил шакли ҳисобланиб, медиатор низо юзасидан низолашувчи томонларга энг қулай бўлган келишувга эришишларида ёрдам беради. Медиацияда томонлар низо бартараф этишга ҳамда уни ҳал этиш шарт-шароитларига доир қарор қабул қилиш жараёнини тўлиқ назорат қила оладилар.<sup>2</sup>

Хўш, медиация тушунчасининг мураккаблиги нимада? Биринчидан, уни қўллаш жабҳалари (спектори) нинг кенглиги; иккинчидан, воситачиликнинг шакллари, турлари ва моделларининг хилма-хиллигидир.

Ҳуқуқшунослар орасида медиациянинг тушунчаси ва предмети борасида турли – туман таърифлар мавжуд. Масалан, И.В.Решетникова медиацияни низолашаётган томонларни келиштириш *шакли* сифатида тушунишни таклиф этади. Бу жараёнда тарафлар ихтиёрий танлаган ҳолис шахс ўз ваколати ва малакаси доирасида музокаралар ўтказади<sup>3</sup>.

И.Ю.Захарьяшеванинг фикрича, воситачилик низоларни муқобил ҳал этишнинг *усулларидан* бири бўлиб, бунда бахшлашаётган тарафлар ўзлари эркин танлаган воситачи ёрдамида

---

<sup>1</sup> Жўраева Х. Медиация – муросаи мадора // “Huquq va burch”, 2019, №2, 50 – бет.

<sup>2</sup> Гаффарова Ш.Н. Медиация - ижтимоий низоларни бартараф этишнинг муқобил усули сифатида // “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ёшларнинг ижтимоий - сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари ” республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами, 2018 йил 8 июнь, 120 бет.

<sup>3</sup> Решетникова И.В. Право встречного движения // Медиация и право. Посредничество и примерение, 2007, №2. (4), с.53.

конструктив музокара ва ҳамкорлик асосида ҳуқуқий ихтилофни тўла ёки қисман тартибга солишга йўналтирилган ўзаро мақбул ва манфаатли келишувга эришадилар. Медиаторнинг фикри тарафлар учун мажбурий аҳамиятга эга бўлмайди<sup>1</sup>.

Низоларни муқобил усул асосида ҳал этиш мавзусида диссертация ёқлаган М.В.Гвоздарева медиацияни низони тинч йўл билан ҳал этишга, унинг сабаб ва оқибатларини бартараф қилишга йўналтирилган *жараён* деб ҳисоблайди; у ўзаро манфаатли қарор қабул қилиниши билан якун топади<sup>2</sup>.

В.Ф.Яковлевнинг талқинига кўра, медиация – бахслашаётган тарафлар ўртасидаги низони музокаралар воситасида тинчлик билан ҳал этиб, сулҳга эришиш мақсадида тартибга солиш бўйича мутахассиснинг *фаолиятидир*<sup>3</sup>.

Юқоридаги таърифлардан кўришиб турибдики, баъзи муаллифлар медиацияни низони ҳал этиш шакли, бошқа олимлар – усули, учинчилар – жараён ва яна кимдир уни мутахассис (воситачи) нинг фаолияти деб ҳисоблайдилар. Бунинг сабаби шуки, бир гуруҳ олимлар медиациянинг мазмунига, ижтимоий моҳияти ва вазифасига урғу берадилар; иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар унинг натижасига эътибор қаратадилар; учинчи тоифа муаллифлар эса бу институтнинг жараён тарзидаги хусусиятига, тартиб – таомилига ва якуний мақсадига устуворлик берадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонунида берилган таърифга биноан, медиация – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида метиатор кўмагида ҳал этиш усули (4 – модда). Аммо бу таъриф медиациянинг муайян тартиб-таомиллар асосида ҳолис мутахассис воситачилигида амалга ошириладиган жараён эканлигини инкор этмайди.

Медиация малакали ва ваколатли мутахассис (вакил) томонидан ўзгача маҳорат, назокат ва маданият билан ўтказиладиган музокаралардан иборат бўлади. Унинг муваффақияти

<sup>1</sup> Қаранг.: Зайцев А.И., Захарьяшева И.Ю. и др. Альтернативное разрешение споров: учеб-метод.комплекс. – М., 2007, с.319.

<sup>2</sup>Қаранг: Гвоздарева М.В. Посредничество как метод альтернативного разрешения корпоративных конфликтов: Автореферат дисс. социол. наук. – М., 2016, с.16.

<sup>3</sup>Яковлев В.Ф. Закон свободного примерения // Медиация и право. – 2003, №1, с.13.

кўп жиҳатдан медиаторнинг тажрибасига, малакасига, билимдонлигига, дипломатик фазилатларига, ваколатлиликка, тарафларнинг фикрини ҳурмат билан тинглаш, мулоҳаза юритиш, таҳлил этиш ва оқилона уйғунлаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Улуғ бобокалонимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари шарҳида медиациянинг табиати ҳақида ҳам сўз юритилган. Аллома ўз китобида ҳакамлик қилишга розилик билдирган шахс қозиларга хос барча фазилатлар эгаси бўлиши лозимлигини таъкидлайди. “Мабодо икки одам бировни ҳакамликка лойиқ кўриб, унинг чиқарган қароридан мамнунлик изҳор этган экан, бу қарор шак-шубҳасиз ҳақиқийдир”, – дейди муаллиф<sup>1</sup>.

Медиаторнинг вазифаси – низоллашувчи томонларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат. Медиатор далилларни текширмайди, тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди. Холис учинчи шахс – медиатор аслида суд ҳам, арбитр ҳам эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор қабул қилмайди<sup>2</sup>.

“Медиация тўғрисида”ги қонуннинг мақсади низоларни тартибга солишнинг муқобил усулларини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, суд тизимига тушадиган иш ҳажмини камайтиришдан иборат. Қонун фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан, шу жумладан, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга; яқка меҳнат низоларига; оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади (3-модда). Қонун медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонуннинг хусусиятларидан бири шуки, унинг алоҳида моддасида “медиация”, “медиатор”, “медиатив келишув”, “медиация тартиб – таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув”,

---

<sup>1</sup>Қаранг: “Huquq va burch”, 2019, №2, 50 – бет.

<sup>2</sup>Жўраева Х. Медиация – муросаи мадора // “Huquq va burch”, 2019, №2, 50 – бет.

“медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув” каби асосий тушунчаларга таъриф берилган.

**Медиациянинг асосий принциплари.** Медиация жараёнини тегишли ташаббус (хохиш-истак) бўлган тақдирда бошлаш ва босқичма-босқич амалга ошириш муайян принципларга асосланади. Қонунда медиациянинг қуйидаги муҳим принциплари мустақамланган: ихтиёрийлик, махфийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги (5-модда). Мазкур принципларнинг ҳар бирини алоҳида изоҳлаймиз.

**1. Ихтиёрийлик принципи.** Ушбу принципнинг аҳамияти шундаки, медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хохиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади.

Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли. Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга ёхуд борон қарорни қабул қилишга мажбурлаш тақиқланади.

Демак, ихтиёрийлик принципнинг ҳаётга амалда жорий этилиши, биринчидан, тарафларнинг медиация жараёнини ўтказишга эркин шахсий розилиги талаб этилади; иккинчидан, медиацияни бошлаш ва давом эттириш унда иштирок этувчи субъектларнинг иродасига боғлиқ; учинчидан, низони ҳал этиш борасида ечим, мақбул қарорни излашда тарафларга ташқаридан босим ўтказиш тақиқланади. Бошқача айтганда, ихтиёрийлик принципи шартнома эркинлиги принципи каби нуфуз ва устуворликка эга.

**2. Махфийлик (конфиденциаллик) принципи.** Махфийлик принципи медиаторнинг касбий мажбуриятларидан келиб чиқади. Медиация тартиб – таомилларининг конфиденциал табиати – унинг суд муҳокамаларига нисбатан муҳим афзалликларидан биридир. Мазкур принципнинг маъноси шундаки, медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий



ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиация тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Медиация жараёнини бошлашдан аввал медиатор тарафларни махфийлик принципига амал қилиниши хусусида огоҳлантириши шарт. Махфийликка медиация тартиб – таомилларини ўтказишнинг барча босқичларида, яъни унинг бошидан охиригача риоя этилади. Ушбу принцип медиациянинг бошланиш ва якунланиш нуқталарини аниқ белгилашга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Мамлакатимиз қонунда медиацияга тааллуқли ахборотнинг махфийлиги хусусида қуйидаги талаблар ўз ифодасини топган: “Тарафлар, медиатор, шунингдек медиация тартиб-таомилни амалга оширишда ҳозир бўлган бошқа шахслар муҳокаманинг медиация предмети бўлган низо билан боғлиқ бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, агар тарафлар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, муҳокама жараёнида:

тарафлардан бирининг медиацияни қўллаш тўғрисидаги таклифи ҳақидаги, худди шунингдек тарафлардан бири уни амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлиги тўғрисидаги;

низони ҳал этиш эҳтимоли хусусида тарафлардан бири билдирган фикрлар ёки таклифлар ҳақидаги;

медиация тартиб-таомилни амалга ошириш жараёнида тарафлардан бири томонидан билдирилган эътирофлар тўғрисидаги;

тарафлардан бири медиаторнинг ёки иккинчи тарафнинг низони ҳал этиш ҳақидаги таклифини қабул қилишга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ҳавола қилишга ҳақли эмас” (Қонуннинг 26 – моддаси).

Айни вақтда, мамлакатимизнинг медиацияга оид қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида Қонуннинг “медиаторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги” ҳақидаги 13 – моддасига медиаторнинг махфийлик принципини

бузиши оқибатида юридик жавобгарлик келиб чиқиши хусусидаги қондан кириштириш мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, бу қонда медиаторнинг тарафлар ишончини қозонишини янада кўпроқ қафолатлаган бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Медиацияга тааллуқли ахборотни ошкор қилиш шарт: агар медиатор тарафларнинг биридан медиацияга тааллуқли ахборотни олган бўлса, у бу ахборотни фақат уни тақдим этган тарафнинг розилиги билан бошқа тарафга ошкор қилиши мумкин.

### ***3. Тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принципи.***

Медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак. Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Медиация тарафлари медиаторни, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини, медиация тартиб-таомилидаги ўз нуқтаи назарини, бу нуқтаи назарни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини танлашда, ахборот олишда, медиатив келишув шартларининг ўзаро мақбуллигини баҳолашда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида тенг мажбуриятлар бўлади (Қонуннинг 8 – моддаси).

Тенг ҳуқуқлилиқ принципига кўра, тарафлар медиация жараёнида ўз позицияларини баён этиш, саволлар билан муносабат қилиш, музокаралар учун мавзуларни белгилаш (таклиф этиш), келишув қарорини ишлаб чиқишда иштирок этиш, вазият ва мавзуларни медиатор билан яқка тартибда (индивидуал) муҳокама қилишда тенг имкониятларга эгадирлар.

### ***4. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принципи.***

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди. Медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни

амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт ва медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак (9 ва 13-моддалар).

Ҳуқуқшунослар юқорида келтирилган принципларни уларнинг функционал хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидагича таснифлайдилар:

**Ташкилий принциплар** (улар медиация тартиб-таомиллариини ўтказиш хусусиятларини ва иштирокчиларнинг мақомини белгилайди): – ихтиёрийлик, холислик ва бетарафлик;

**Процедуравий принциплар** (медиация тартиб-таомиллариини ўтказиш тартибини тавсифловчи тамойиллар): – махфийлик, мустақиллик, ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқлилиқ.

Медиация принципларини бундай таснифлашнинг мақсади – уларни тизимлаштириш ва ўзаро узвий боғлиқлигини кўрсатишдан иборат.

Юқоридаги таҳлиллар асосида медиация тартиб-таомиллариига хос қуйидаги хусусиятларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

– *ярашув тартиб-таомиллариининг ихтиёрийлиги*. Масалан, судда иш кўрилаётганда томонлардан бирининг (одатда, жавобгарнинг) иштироқи, башарти у истамаса ҳам мажбурийдир. Медиацияда эса, ҳар икки тарафнинг ихтиёрий розилиги бўлгандагина тегишли жараён амалга ошиши мумкин;

– *медиация жараёнининг консенсуаллиги*. Медиациянинг мақсади ўзаро тинч ечимга, сулҳга эришишдир. Суд иш кўрилаётганда тортишувчилик принципи амал қилади. Медиацияда низолашаётган тарафлар ўртасида ҳамкорликка асосланиб, ўзаро фойдали ва мақбул қарорга келишилади;

– *низони ҳал этишда бетараф, холис шахс (медиатор) нинг иштирок этиши*. Медиацияда низони ҳал этиш учун музокараларни бошлаш фақат тарафларнинг ихтиёрида. Воситачи ёки учинчи шахснинг иштироқи фақат холислик асосида музокараларнинг самарали бўлишига кўмаклашишдир;

– *муддат ва ҳаражатларнинг ихчамлиги*. Суд жараёнларига нисбатан медиация қисқа муддатда (қонунга кўра, муддат ўттиз кунгача) ва анча кам ҳаражатлар эвазига амалга оширилади.

Махсус адабиётларда медиациянинг моделлари қўйидагича таснифланади:

**А. Медиаторнинг субъектлигига кўра:**

1) *юрисдикциявий медиация*. Бу суд инстанциялар, махсус маъмурий органларнинг шикоят ва эътирозларни кўриш бўйича, давлат нотариуслари (хусусий нотариуслар) талаби билан амалга ошириладиган медиациядир.

Мазкур тоифадаги медиациялар:

– процессуал юрисдикциявий медиация;  
– процессуал тартибдан ташқари юрисдикциявий медиация кўринишларида бўлади;

2) *Ноюрисдикциявий медиация* (хусусий медиаторлар томонидан амалга оширилади. Медиация (масалан, адвокатлар, хусусий арбитрлар, савдо-саноат палатаси мутахассислари ва ҳ.к) ўз навбатида:

– ноюрисдикциявий процессуал медиация;  
– ноюрисдикциявий нопроцессуал медиация турларига бўлинади:

**Б. Медиациянинг мақсадига кўра,**

1) низони тўла ҳал этишга йўналтирилган медиация;  
2) низони қисман ҳал этишга (муаммони енгиллатишга) йўналтирилган медиация;

3) низони аудит қилишга ихтилофларни тартибга солишга, ҳал этиш истиқболларини баҳолашга йўналтирилган медиация бўлади.

Мавзунинг кейинги фасли бўлмиш – медиация жараёнининг *босқичларига* ўтишдан аввал тегишли қонунчиликнинг ижросини таъминлаш ҳамда юртимизда малакали медиаторларни тайёрлаш масаласини ёритишни ўринли деб топамиз.

“Медиация тўғрисида”ги Қонунда қуйидаги мазмундаги модда мавжуд: “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга

етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин”<sup>1</sup>.

2018 йил 29 ноябрда Адлия вазирлигининг “Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи қабул қилинди. Низомга мувофиқ, **профессионал медиатор** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 31 январда “Медиаторларни тайёрлаш Дастурини тасдиқлаш ҳақида”ги 54 – мх-сонли буйруғи имзоланди. Унинг асосий мақсади – Қонунда белгиланган муносабатлар доирасида келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш учун медиаторларни тайёрлаш, уларда музокара олиб бориш технологияси, стресс ҳолати ва келишмовчиликларни бошқариш, медиация тартиб-таомили ҳақида таянч билимлар бериш, низоларни ҳал этиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Адлия вазирлигининг малакали медиаторларни тайёрлаш дастурига мувофиқ, 2019 йилнинг 1 – 12 июль кунлари хайрихоҳ хорижий ташкилотлар кўмагида Вазирлик ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида унинг етакчи профессор – ўқитувчилардан профессионал медиаторларни ўқитиб – тайёрлаш учун медиатор – тренерлар ўқуви ташкил этилди. Ушбу ўқув курсларига таниқли етакчи мутахассис Америка Қўшма Штатларининг Медиация Институтининг Асосчиси ва Президенти Ли Джей Берман таклиф этилди. У ўзининг йигирма беш йиллик медиаторлик тажрибаси ва амалиёти асосида тайёрланган маърузалар ва амалий машғулотлар доирасида катта ҳажмдаги билим ҳамда кўникмаларни юксак маҳорат билан Ўзбекистонлик ҳамкасблар эътиборига етказишга муваффақ бўлди. Сўнгра ЮМОМ медиатор – тренерлари Беларусь Республикаси ва Сингапур

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон; 30.07.2019 й., 03/19/551/3493-сон.

профессорлари томонидан ташкил этилган семинар – тренингларда ҳам малака ошириб тегишли тайёргарчиликдан ўтдилар.

Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш Марказида 2019 йил сентябридан бошлаб, Медиаторларни тайёрлаш дастури асосида Ўзбекистонда медиаторларни тайёрлаш курслари фаолият юритмоқда.

Энди ушбу хорижий тажриба ва амалиёт таҳлилига асосланган ҳолда медиация жараёни ва тартиб – таомилларининг босқичларига тўхталамиз.

**Медиациянинг асосий босқичлари.** Хорижий тажриба ҳамда шаклланган амалиёт таҳлили, шунингдек мамлакатимизда жорий этилган қонунчилик асосида медиациянинг қуйидаги (этаплари) босқичларини таъкидлаш мумкин:

1. Кириш;
2. биргаликдаги мажлис (сессия);
3. тарафлар билан алоҳида учрашув (суҳбат)лар;
4. биргаликдаги сессиянинг давоми;
5. Музокаралар;
6. якуний медиатив келишув.

Америка медиация институти президенти Л.Дж.Берман талқинига кўра, медиациянинг тубандаги босқичлари мавжуд: Кириш, вакилнинг кириш баёноти, биринчи (“А”) тарафнинг кириш сўзи, иккинчи (“Б”) тарафнинг кириш сўзи, медиация жараёни кун тартибини шакллантириш, низо предмети ва мазмунини ўрганиш (аниқлаш) учун музокаралар ўтказиш; ёпиқ, яъни тарафлар билан алоҳида – алоҳида мажлис (суҳбат)лар ўтказиш; биргаликдаги учрашувлар; музокаралар ўтказиш, ва ниҳоят, медиатив келишувни расмийлаштириш.

Баён этилган босқичлар мазмунини очишга ҳаракат қиламиз:

**1. Медиацияга кириш босқичида** вакил (медиатор) тарафларни кутлаб саломлашади, медиация усулини танлаб розилик билдирганликлари учун миннатдорчилик билдиради; медиациянинг моҳияти ва медиаторнинг роли ҳамда мақомини тарафларга тушунтиради; иштирокчиларга ҳурмат, маданият билан мулоҳим ҳамда самимий муомала қилиб, музокараларнинг конфиденциаллиги

(махфийлиги) ни тушунтиради ва бу хусусдаги келишувни имзолатиб олади<sup>1</sup>; медиаторнинг ўзи ҳам махфийлик талабларига қатъий риоя этишини таъкидлаб, тарафларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилади.

Медиатор ўзининг кириш нутқида шунингдек дўстона, камтарона, вазмин овоз ҳамда майин охангда (тонда) медиация иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради, ўзининг ваколатини айтиб ҳамда тарафларнинг ваколатлилигини аниқлайди; тарафлар медиация муддатида вақт нуқтаи назаридан чекланмаганлиги, бошқа тадбир (ташвиш) лар билан банд эмаслиги ҳам аниқланиши муҳим; курси атрофида ўтирганларнинг аввал ҳам медиация жараёнларида иштирок этганлик тажрибаси бор ёки йўқлигини аниқлаш лозим.

Медиатор тарафларга медиациянинг судлов ёки арбитраж жараёнларидан фарқини таъкидлаб ўтиши лозим. Медиацияда тарафлар оқилона ва ўзаро манфаатли қарорга эришиш учун биргаликда, ҳамкорликда ишлашлари муҳимлигини тушунтиради. Тарафларга тушунтирилган ва улар маъқул топган талаблар ёзма расмийлаштирилиши лозим бўлади. Тарафларга яна шунинг ҳам уқтириш зарурки, медиация жараёнида икки томон учун адолатли бўлган қарорни консенсус асосида ишлаб чиқишга ҳаракат қилинади. Шунингдек, медиатор судья эмас, балки тарафлар учун ўзаро маъқул қарорга эришилишида холис кўмакдош эканлигини таъкидлаш лозим. Медиатор тарафларни тенг кўриб, дастлабки сўз бошлаш ҳуқуқини қуръа ташлаш орқали аниқлаб олса, мақсадга мувофиқ бўлади; шундай қилганида иштирокчиларнинг унга ҳурмати ва ишончи ортади.

**2. Биргаликдаги сессия босқичи.** Ушбу босқични медиатор майин овозда тавозе ва эҳтиёткорлик билан бошлаб, тарафларнинг ишончини янада қозониш ва мустаҳкамлаш йўлидан боради. Бетараф мақомда турган ҳолда медиатор тарафларга очиқ саволлар билан мурожаат этиб, уларнинг истагини, нуқтаи назари (позицияси) ни ва эҳтиёжларини аниқлашга ҳаракат қилиши зарур.

---

<sup>1</sup> АҚШ да Калифорниянинг исботлаш Кодексининг 1115 – 1125 ва 703.5 §§ларида конфиденциаллик ва уни ҳимоялаш чоралари белгиланган.

Икки тараф ўртасидаги низонинг туб сабабларини, муаммонинг мазмунини, асл илдизини билиб олишга интилиш лозим. Медиатор тарафларнинг бир – бирига мос келувчи жиҳатларни ва ижобий нуқталарни аниқлаб, иштирокчилар эътиборини уларга жалб этишга уриниши фойдали бўлиши мумкин; шу йўл билан воситачи тарафлар ўртасида “ҳамкорлик кўприклари”ни яратади. У тарафлар фикрини чуқур эҳтиром ва ҳурмат билан тинглаши ва буни уларга англата олиши муҳимдир. Бу ўринда медиатор ўта эътиборли тинглаш қобилиятига эга бўлиб, “бир фикрни тинглаганда, иккита фикрни англаш” маҳоратини намоён этиши талаб қилинади. Зеро, инсонларнинг дарду – ташвишини тинглай олиш олижаноб фазилат, ўзига хос санъатдир.

Мазкур босқичда медиациянинг кун тартиби, мавзуй кўлами ва йўналиши белгилаб олинади. Энг муҳими, тарафларнинг нуқтаи назарини англаб, уларнинг эҳтиёж ва талабига айлангиришга интилиш лозим. Кейинги босқичларда ана шу ёндашув ва манфаатларни яқинлаштиришга, имкон қадар уйғунлаштиришга ҳаракат қилинади.

Биргаликдаги суҳбатлар, музокаралар орасидаги танаффусларда медиатор тарафлардан эшитган фикр, воқеа, ахборотларни чуқур мулоҳаза этиб, таҳлил юритади. Жараённинг кейинги бориши ва қадамларининг стратегиясини ишлаб чиқади. Янги фикрларни тинглаш, мураккаб муаммоли вазиятларни қаршилашга руҳий – маънавий тайёргарлик кўради.

**3. Тарафларнинг билан алоҳида учрашувлар босқичи.** Медиацияда иштирок этаётган ҳар бир тараф билан алоҳида – алоҳида суҳбатлар ўтказилиши катта аҳамиятга эга. Чунки, низолашаётган тарафлар бир-бирларининг олдида айта олмайдиган, кўнглининг тубидаги гапларни (фикр-мулоҳазаларни) медиаторга шахсий суҳбатлар чоғида изҳор этишлари мумкин. Бунинг учун медиатор самимий ва камтарлик асосида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини вужудга келтириши лозим. У суҳбатдоши (тараф)га эркин фикр билдиришга имкон берувчи очиқ саволлар билан мурожаат этгани маъқул. Масалан, “Дўстим (ака, ука, опа, синглим) Сиздан илтимос низога сабаб бўлаётган муаммонинг асл мазмуни нимада?”



Шу ҳақда хотиржам бир бошдан батафсил сўзлаб беринг.....”; “Албатта барча айтиладиган гаплар ўртамизда қолади, хавотир олманг...”.

Табиийки, бунда медиаторлар суҳбатдошини диққат билан фаол тинглаши, баъзан унинг хис-ҳаяжонларига ҳамдардлик билдириб, “Сизни жуда яхши тушуниб турибман”. “Демак, муаммони ечиш учун Сизнингча нима қилиш лозим...?” деб суҳбатни давом эттиришга рағбат ҳосил қилиши фойдали бўлади.

Тарафни фаол ва қизиқиш билан тинглаш, бир томондан, медиатордан катта сабр-тоқатни, эшитганларини теран мулоҳаза ҳамда фикран таҳлил этиб боришни, талаб этса, иккинчи томондан, иш бўйича қўшимча кенг маълумотларни билиб олиш имконини беради. Фикрларига эътибор, ҳурмат ва қизиқиш билдириладиганлигини хис этган “А” тараф, ўз навбатида, қалбида ички мамнунликни туяди, медиаторга ишончи ортади ва янада кўпроқ ахборот (факт)ларни маълум қилишга ҳаракат қилади. Табиийки, бундай чин кўнгилдан ўтказиладиган очик музокарадан бебаҳо манфаат топиш мумкин.

Айни мазмундаги ва услубдаги суҳбат медиациянинг иккинчи, «Б» тарафи билан ҳам ўтказилади.

Медиатор суҳбатдош-тарафларни тинглаганда, лўқма ташлаб, унинг фикрини бўлмаслик; юз мимикалари билан гапларига норози охангда ва салбий муносабат билдирмаслик; унинг ахборотидан маълум бўладиган фактлар ва хатти-ҳаракатларга ноўрин баҳо бермаслик афзалдир. Аксинча, суҳбатни давом эттиришга чорловчи саволлар ва фикрларни билдириш маъқул.

Масалан, “Демак, Сизнингча муаммо...” “Яъни, Сиз назарда тутаётган масала...”, “Агар, Сизни тўғри тушунган бўлсам, Сиз хис этаётган, Сизни қийнаётган масала...”, “Сизнингча вазиятни ўзгартириш учун нима қилса маъқул бўлади...?”

Яна гоҳида қуйидагича саволлар бериш мумкин:

“Айтинчи, бу масала Сиз учун қанчалик муҳим...?”

“Сиз айтмоқчисизки...”

“Юқоридагиларга яна нималарни қўшимча қилишингиз мумкин...?”

“Масаланинг шу жойини янада батафсилроқ айтиб бера оласизми...?”

Баъзан суҳбатдош тўлқинланиб, ҳаяжонланиб, гапиришдан тўхтаб қолганда, медиатор жимлик бўшлиғини тўлдиришга шошилмасдан сукут сақлагани маъқул. Вақтида сукут сақлаш – олтинга баробар. Зеро, шу орқали суҳбатдошдан яна ҳам қимматлироқ маълумотларни билиб олиш мумкин.

#### ***4. Биргаликдаги сессия кейинги босқичи (давоми).***

Мазкур босқичда медиатор тарафлардан алоҳида суҳбатлар чоғида олинган маълумотларни жамлаб, тарафларни ҳамкорликка чорлаб музокараларни давом эттиради. Бунда тарафларнинг нуқтаи назарларини уларнинг манфаатига айлантиришга ҳаракат қилади. Турган гапки, медиацияга киришган ҳар бир шахснинг ўз манфаатлари бўлади. Ана шу манфаатларни англаш учун муаммонинг ечимини топишга йўналтирилган ”ақлий ҳужум”лар ташкил этилиши мумкин. Ечимнинг турли вариантларини муҳокамага ташлаш мумкин. Ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, баҳолаш, унинг фойдали ва номаъқул жиҳатларини изоҳлаш ўринли бўлади. Бу босқичда тарафларнинг ўзаро гаплашишига, фикр алмашишига, савол-жавоб қилишига ҳам имконият яратиш зарур.

#### ***5. Музокаралар босқичи***

Музокараларни ташкил этиш, олиб бориш ҳамда бошқариш ҳар қандай медиация жараёнининг марказий ва ўта масъулиятли қисмидир.

Музокаралар воситасида бахслашаётган тарафлар ўзаро бевосита маслаҳатлашув асосида позицияларини баён этиш ҳамда медиатор ёрдамида уларни мувофиқлаштириш имконига эга бўладилар (ўз ёндошувларини солиштириш ва иложи борича уйғунлаштиришга интиладилар). Тарафлар ўз нуқтаи назарларини етказиш ва асослашга шахсий вакиллари, адвокатлари ёки маслаҳатгўйлари хизматидан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Биринчи тарафнинг сўзлари яқунлангач, медиатор: “Сиз бу муаммо бўйича айтмоқчи бўлган ҳамма фикрларингизни баён этдингизми? Яна бирон бир қўшимчангиз борми?” деб сўраши керак:

Сўнг медиатор “эхо-такрор” тарзида “А” тарафдан эшитган маълумотларни овоз чиқариб такрорлаб, “Мен Сизни тўғри тушундимми? Шундайми?” деб тарафдан тасдиқлатиб олади. Такрорлаш чоғида ҳам медиатор баҳоловчи, хулосаловчи фикр билдирмаслиги лозим.

Бундан сўнг медиатор иккинчи – “Б” тарафга юзланиб, “Марҳамат! Энди Сиз ўз фикрларингизни баён этсангиз!” – дейди. Ушбу тарафга медиатор аниқлаштирувчи саволлар бериб, эшитганларини такрорлайди.

Табиийки, ҳамма вақт ҳам тарафларнинг презентациялари, мунозаралари равон, силлиқ, рисоладагидек бўлавермаслиги мумкин. Баъзи миждоз (тараф)лар бошқа тарафнинг гапларини эмоционал қабул қилиб, унга кескин муносабатлар билдиришлари мумкин. Бундай ҳолларда медиатор шундай сўзларни ишлатиб, вазиятни юмшатиши маъқул бўлади. “Сиз ташвишланманг! Ҳавотирга ўрин йўқ. Озроқ сабр қилинг! Сизга яна ўз далилларингизни айтишга албатта имконият бераман.”

Башарти тарафлар қизишиб, мунозара мобайнида бир-бирларининг шаънига оғир ботадиган гапларни айта бошлашса, медиатор қатъийлик кўрсатиб, “Ҳурматли жаноблар (хонимлар)! Сизлар медиация келишувини имзолаганда бир-бирингизни ҳақорат қилмасликка, аксинча, ҳурмат қилишга ҳамда маданий даражада музокара олиб боришга мажбурият олиб, имзо чеккансизларку!-деб тарафларни тўхтатиши ва уларни мкросага чақириши лозим.”

Аксарият ҳолларда бир тараф ўз фикрини баён этгач, иккинчи тарафда унга эътихоз билдириш истага пайдо бўлади. Шу боис улар ўртасида бахс-мулоқатлари ўтказилиб, эҳтиросларни совутиш зарур бўлади. Бунда медиатор ҳар бир тарафга ўз ҳиссиётларига таъсир этган факт воқеалар юзасидан далилланган фикрларини айтишга имконият бериши лозим. Ушбу ҳолатда медиаторнинг вазифаси тарафларни келишувга етакловчи ғояларни, уйғун нуқталарини топиб, уларга тушунтиришга ҳаракат қилишдан иборат.

Музокара босқичида медиатор вазиятни оқилона назорат қилиши, уни моҳирона бошқариши, эҳтиёткорлик билан тарафларнинг ўзаро ҳис-туйғуларини силлиқлаши, мувофиқлаш-

тириши зарур бўлади. Медиатор мижозлари билдираётган ҳар бир фикр (ҳис-туйғу) ортидаги уларнинг манфаатларини пайқай олиши ва уни қанотлантириш учун ўзаро манфатли ечимни излаши зарур .

Эҳтирослар “қайнаб” кетган чоғларда, медиатор тарафлар билан яна навбатма-навбат алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтқазиб, улар учун энг асосий нарса нима эканлигини аниқлайди. Бундай якка, танҳо суҳбатлар – “кокус” деб аталади. Кокус, одатда , 10 -15 дақиқа давома этади . Унинг холис ва тенглиги тарафларга ажратиладиган вақтнинг тенг бўлиши ҳам ўз аксини топади. Бундай суҳбатлар томонидан бошланиб, медиатор томонидан якунланади.

Музокаралар, алоҳида суҳбат (кокус)лар медиаторнинг кўйидаги сўзлари бн якун топади. “Биз Сизлар билан унумли ва фойдали суҳбатлар ўтқаздик”. “Энди ўзаро мақбул келишув лойиҳасини ишлаб чиқишга киритишсак бўлади , деб ўйлайман. Сизлар шунга розимисизлар?”.

Музокаралар чоғида тарафлар ўз талаб ҳамда таклифларини муҳокамага тақдим этишлари, бу борадаги ваз ва далилларини келтиришлари мумкин бўлади.

Медиатор эса ўртага ташланаётган ҳар бир таклифнинг фойдали ва салбий жиҳатларини тарафларга тушунтириб, муҳокамани давом эттириши мумкин ва лозим. Шунингдек, медиатор тарафларнинг позициясини уларнинг манфаатига айлантириб, то ўзаро мақбул (фойдали) ечимга эришмагунча музокараларни давом эттиради. Мабодо, бу жараёнда ижобий келишувга эришиш имкони мавжуд бўлмаса, яъни вазият боши берккўчага кириб қолса, бу ҳақда тегишли расмийлаштирув асосида эълон қилинади.

Медиатор музокаралар воситасида тарафларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган, медиациядан кўзланган *туб манфаатни* аниқлашга ҳаракат қилади. Чунки, муайян манфаат инсонларнинг феъл-атворини, хатти-ҳаракатини белгиловчи (мотивация қилувчи) асосий омилдир. Асосий манфаатни аниқлаш лозимлигининг аҳамиятига кўйидаги бир мисолни келтириш жоиз.

Медиация тарихи ва амалиётида бир мисолни “апельсин воқеаси” деб номлашади.

Бир аёлнинг икки фарзанди бўлиб (ўғли 6-синфда, қизи 1-синфда ўқишади), кунлардан бир куни улар жанжаллашиб қолиб, онасига мурожаат қилишади... Воқеанинг мазмуни шундай: Уйда бир дона апельсин қолган бўлади. Болаларнинг ҳар бири унга эга чиқишни ҳохлайди. Бундай вазиятларда аксарият ота-оналар апельсинни ўртасидан тенг бўлиб беришни афзал кўрадилар. Бироқ, тажрибалироқ ота-оналар ўзгача йўл тутишади:

Яъни кўйидагича тадбир қўллайдилар: ўғлига пичоқни бериб, “сен апельсинни ўртасидан тенг бўласан, синглинг эса биринчи бўлиб ўз улушини танлаб олади”, - дейдилар...

Бизнинг мисолимизда она медиаторларга хос иш тутади. Болалардан апельсинни олиб, улар буни нима учун хоҳлаётганликларининг сабабини аниқлашга ҳаракат қилади. Шунда ўғли: “Мен спорт тўғарагидан жуда чанқаб келдим, апельсин шарбатини ичгим келяпти,” – дейди. Қизи эса: “Мен кекс пиширмақчиман. Шунга рецепт бўйича апельсин пўстлоғини қирғичдан ўтказиб, юзасига сепаман,” – дейди.

Она катта фарзандига апельсиннинг шарбатини олишга изн беради, қизчасига – апельсин пўстлоғининг ҳаммаси тегишини айтади.

Кўриб турибмизки, жанжал “дўстона” ҳал этилди. Ҳар икки фарзанд ҳам ўз манфаатларини қаноатлантириб, мамнун бўлишди.

Одатда, жамиятдан бизни шундай тарбия қилишадикки, низо чиққан тақдирда, албатта, бир инсон унда ғолиб, иккинчиси – мағлуб бўлиши керак. Бизда маҳлубиятсиз қарор ишлаб чиқиш кўникмаси шакллантирилмайди. Бундай тарбия, табиийки, катта куч ва меҳнат талаб қилади... Биз биргаликда ҳаракат қилсак, ҳамкорликда иш кўрсак, барча соҳаларда икки томонлама манфаатли, фойдали ҳамда оқилона қарорлар, ечимлар топишга қодир бўламиз.

Демак, медиация доирасидаги музокаралар ҳамда муҳокамаларнинг мақсади тарафларнинг асл манфаатларини аниқлаш ва уларнинг ҳар бирига манзур бўладиган адолатли қарорни топишдир.

Тарафларнинг таклифларини аниқлаш, уларни муҳокама этиш ижобий самара беради. Уларнинг ҳамкорлиги асосида муаммога ечим излаш, бир-бирларига қандай ва қай даражада ён бера олишлари мумкинлигини ойдинлаштириш лозим. Уларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш керак.

Агар зарурият бўлса, медиатор тарафлар билан яна алоҳида суҳбат-муҳокамалар ўтказиши мумкин. Масаланинг ҳал этилиш вариантларига тарафларнинг муносабатини ўрганиши лозим бўлади. Улар келтирадиган юзаки далилларни, нореал илинжларни мулойимлик билан баҳс этиб, охиста тушунтиришга ҳаракат қилса, медиатор доно йўл тутган бўлади.

#### ***6. Медиатив келишув – яқуний босқич.***

Бу босқичда музокара, суҳбат ва муҳокамаларда маълум бўлган ҳамма нарса (барча деталларигача) таҳлил асосида умумлаштирилади, узвий занжир тарзида тизилади. Ўзаро мақбул медиатив келишув матни ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Унинг ҳар бир банди тарафлар билан келишилади. Келишув бетараф, холис, содда тилда баён этилади. Матннинг тили, баён усули тарафлар учун тушунарлилигига ишонч ҳосил қилиш лозим бўлади.

Яқуний келишув матни иштирокчиларга ўқиб эшиттирилади. Медиатив келишув тарафлар томонидан имзоланади. Медиатор мақбул келишувга эришилганлиги билан тарафларни табриклар, уларнинг қўлларини сиқиб қўяди. Улар ўртасида дўстлик сақланиб қолганлиги ва келгусида ўзаро ҳамкорлик давом этишидан хурсандлигини намоён этади.

“Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддаси медиатив келишув деб номланиб, унда қуйидагилар мустаҳкамланган:

“Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда

муддатларда тарафлар томонидан виждонан ва ихтиёрий равишда бажарилади.

Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли. Медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу келишувнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.”

Демак, медиация низолашаётган шахсларни яраштириш, тинч йўл билан муроасага келиштириш мақсадида тарафларнинг хоши-истаги асосида қўлланилади. Қонуннинг 15-моддасидан таъкидланганидек, *“медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас”*.

Медиация масалаларига оид бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар мазкур соҳадаги муносабатларини тартибга солувчи халқаро тажриба, қоидалар ҳамда мезонларни норматив расмийлаштиришга хизмат қилади. Булар қаторида жумладан қуйидагиларни келтириш мумкин:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми (унинг 33-моддасида “ҳар қандай низолашувчи томонлар низони (манфаатдор бўлмаган учинчи шахслар) медиация йўли билан ҳал этилиши назарда тутилган); Бола ҳуқуқларини амалга ошириш ҳақидаги Европа конвенцияси (1996 й. 25 январь), БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга оид минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари), БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрьдаги №40/33-сонли Резолюцияси;

БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси (ЮНСИТРАЛ)нинг “Халқаро тижорат келиштирув процедураси ҳақидаги намунавий қонуни” (2002 й. 19 ноябрь);

«БМТнинг медиация натижасида халқаро тинчлик келишувлари тўғрисидаги конвенция» си (БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 20 декабрдаги Резолюцияси). “Медиация ҳақида”ги Сингапур Конвенцияси (2019 йил 7 августда имзоланган).

“Медиаторлар учун Европа хулқ-атвор кодекси” (2004 й. 2 июнь); “Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари ўртасидаги инвестициявий низоларни тартибга

солиш тўғрисидаги Вашингтон конвенцияси (1965 й. 18 март); Европа Парламенти ва Кенгашининг “Фуқаролик ва тижорат соҳасидаги медиациянинг айрим жиҳатлари тўғрисида”ги ЕИ 2008 (52) Директиваси (2008 й. 21 май); Европа Парламентининг “Аъзо-давлатларда медиация тўғрисида”ги Директиваси №2011/2026 (INI) (2011 й. 13 сентябрь); Европа Иттифоқи Министр қўмитасининг «Аъзо-давлатларга оилавий медиация тўғрисидаги Тавсиялари» (№R(98) 1, 1998 й. 21 январь);

Яна шу ташкилотнинг «Аъзо-давлатларнинг маъмурий органлари ва хусусий шахслари ўртасидаги низоларни суддан ташқари муқобил ҳал этиш механизмлари тўғрисидаги тавсиялари» (№Rec (2001) 9,(2001 й 5 сентябрь) ва бошқалар.

*Медиатор хизмати учун ҳақ тўланадими* деган савол ҳам ҳамма учун қизиқ. Нопрофессионал воситачилар беминнат фаолият олиб борадилар. Профессионал воситачилар фаолияти эса тўлов асосида ёки беминнат бўлиши мумкин. Агар нопрофессионал мутахассис ишлаётган бўлса, у ҳолда унинг жараён бўладиган жойга келиб-кетиши, яшаш ҳамда овқатланиш харажатлари қопланиши мумкин. Ким ва қанча тўлаши томонлар келишувига боғлиқ. Одатда, харажатлар томонлар орасида тенг бўлинади. Агар медиатор жараённи ўтказишдан воз кечса, у дастлабки тўланган пулни қайтаришга мажбур<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, медиация бизнинг бугунги ижтимоий – ҳуқуқий ҳаётимизга кириб келаётган янги институт бўлиб, бахсли ҳолатлар, низоли вазиятларни маърифатли ҳал этишнинг муҳим воситаларидан биридир.

---

<sup>1</sup>“Huquq va burch” 2019, 2-сон, 53-бет.



## 7. СУД – ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш мазкур соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланди. Бу чуқур рамзий маънога эга. Чунки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у жамият ҳаётида *одил судлов*ни амалга оширишга сафарбар этилган. Одил судлов ўз моҳиятига кўра, давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, тегишли ҳуқуқий ечим топади. Демократик ҳуқуқий давлатда қонун давлат идоралари, фуқароларнинг турли-туман уюшмалари ва алоҳида шахслар ўртасидаги муносабатларнинг мезонидир. Мазкур муносабатларнинг қонун доирасида кечишини ва ҳал этилишини таъминлаш суд ҳокимияти зиммасига юклатилган. Одил судловнинг олий мақсади: куч ва зўравонлик ғоясини – ҳуқуқ ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Демократик жамиятда суд давлат ҳокимиятининг тўлақонли, тенг ҳуқуқли субъектидир. Суд – адолат, адлия этувчи ижтимоий институт. Суд – инсоният ақл заковатининг бутун цивилизация тарихи давомида яратган энг буюк ютуғидир. Зеро, суд ижтимоий низоларни ўрнатилган қонун-қоидалар асосида холис ва ошкора муҳокама тарзида ҳал этишни таъминлайди. Суд – қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатишнинг ўта нозик сайқал топган, энг такомиллига етган воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида урғу бериб таъкидлаганидек, “Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим”<sup>1</sup>.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

– суд ҳокимияти алоҳида давлат органлари – судлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасидаги судлар йиғиндиси суд тизимини, суд ҳокимиятини ташкил этади;

– суд ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқаровий, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов ишларини юритиш орқали амалга оширилади;

– суд ҳокимияти аниқ белгиланган процессуал шаклларга (тегишли ҳуқуқий таомилларга) биноан амалга оширилади;

– суд ҳокимияти органларининг қарорларини ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари назорат қилиши мумкин эмас.

Шунингдек, судларнинг фақат уларгагина хос бўлган ушбу сифатларини таъкидлаш жоиз:

*биринчидан*, судлов фаолияти давлат номидан амалга оширилади;

*иккинчидан*, судлов махсус тартибда ташкил этилган (сайланган ёки тайинланган) муассасалар томонидан амалга оширилади (масалан, суднинг ҳукми ва ҳал қилув қарори “Ўзбекистон Республикаси номи билан” деб эълон қилинади);

*учинчидан*, судлар ўз фаолиятида фақат қонунга бўйсундилар ҳамда фуқаролик, маъмурий, жиноий, иқтисодий ва бошқа ишларни қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳал этадилар;

*тўртинчидан*, судлар бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритадилар;

*бешинчидан*, суд танҳолик билан таърифланади, яъни давлатнинг бошқа ҳеч қайси идораси судлов функцияларини ўз зиммасига ололмайди; фақат суд давлат номидан мажбурлов

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 42-бет.

ваколатларини амалга оширади;

*олтинчидан*, суд ҳокимияти тўлақонли ва қатъийдир, яъни суднинг қонуний қарори (ҳукми) барча учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг фаолияти ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартибот, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган. Суд – ҳокимиятнинг мустақил тармоғидир. Давлат ва жамиятнинг обрўси суд органлари ҳамда судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари ҳаққоний таъкидлаганидек, судларнинг адолатли фаолият юритиши уларнинг чинакам мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ<sup>1</sup>.

Суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги одил судловнинг холислиги ва адолатлилигини таъминловчи муҳим принциплардан биридир. Конституциянинг 112-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига биноан, судьялар мустақилдирлар, улар фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Судьяларнинг мустақиллиги, шунингдек, уларнинг бирон-бир партияга мансуб бўлмаслиги билан ҳам таъминланади. Конституцияга мувофиқ, судьялар сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судьяларнинг мустақиллиги – суд ҳокимияти тўсқинликсиз эркин рўёбга чиқиши ва судларнинг юксак нуфуз билан фаолият юритишининг муҳим шартидир. У қанчалик мустақил бўлса, қонун

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М.. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 9-бет.

асосида иш юритса, одил судловни холис амалга ошириши, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиши шунчалик самарали бўлади. “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолатларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев эътироф этгандек: *“Суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш керак. Тергов ва суд ишига аралашши ҳолатларини аниқлаш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш зоят муҳимдир.”*

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

1) уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

2) уларнинг дахлсизлиги;

3) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомилларнинг мавжудлиги;

4) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

5) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик ўрнатилганлиги;

6) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш (Қонуннинг 67-моддаси).

Судьялар дахлсизлигининг муҳим кафолатларидан яна бири уларни алмаштириб бўлмаслигидир. Бунинг маъноси, судья тегишли суддаги судьялик лавозимини ваколат муддати тугагунига қадар эгаллаб туриши ва судьялик ваколатидан фойдаланиш ҳуқуқидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 112-моддасининг 5-бандида судья ваколат муддати тугагунга қадар ўз судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Давлат органлари ва барча корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллиги ҳамда дахлсизлигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 69-моддасига мувофиқ, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашашига йўл қўйилмайди. Шунингдек, ушбу моддада муайян ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга бирон-бир тарзда таъсир ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Судьядан кўрилган ёки иш юритувдаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас (9-модда). Суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш керак. Тергов ва суд ишига аралашаши ҳолатларини аниқлаш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш ғоят муҳимдир<sup>1</sup>.

Судьяларнинг фақат қонунга бўйсунганининг маъноси шуки, судьялар ўзларига қонун билан берилган ваколат доирасида иш юритадилар ва ҳар бир масалани қонунга мувофиқ ҳал этадилар. Башарти, суд иш кўраётган вақтда давлат органи ёки бошқа идора ҳужжатининг қонунга номувофиқлигини аниқласа, ўз қарорини фақат қонунга асосланиб чиқаради. Ушбу конституциявий қоида

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Т., 2018, 37-38 бетлар

давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ҳужжатларига нисбатан татбиқ қилинади.

Суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигининг кафолатларидан яна бири – *судьяларнинг дахлсизлиги таъминланишидир*. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сонли резолюцияси билан маъқулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” (айниқса унинг 16, 17 – 20-моддалари) судьяларнинг дахлсизлиги талабларини мустаҳкамлаган. Ушбу ҳужжатни суд органларининг ўзига хос конституцияси, дейиш мумкин. Зеро, мустақил суд тўғрисидаги талаб ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига мос келади.

Судьянинг дахлсизлиги нафақат унинг шахсига, балки унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунининг қатор моддаларида судьялар дахлсизлигининг асосий кафолатлари мустаҳкамланган.

Биз барпо этишга интилаётган ҳуқуқий давлатда инсон олий кадрият сифатида эъзозланади, суд инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг асосий ва доимий ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади. Суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда... одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қоидаси, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий кадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов тамойиллари, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi, айбсизлик презумпцияси каби қатор нормалар ўз аксини топган. Айбсизлик презумпцияси – шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан

тасдиқланмагунича, унинг айбсиз ҳисобланишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида кўрсатилишича, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунича, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ушбу принципга амал қилиниши суд органларининг жазо тўғрисида ҳукм чиқаришларидан олдин айнан шу шахснинг айби бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Дастлабки текшириш органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда, унинг ушбу жиноятни содир қилишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб беришга мажбур, чунки айбланувчи айбсизлик презумпциясига кўра, суднинг чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга киргунига қадар айбдор деб ҳисобланмайди. Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исбот қилиб беришга мажбур эмас. Жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини исботлаш мажбурияти терговчи, суриштирувчи, прокурор ва судга юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир кишининг **ҳимоя ҳуқуқи** кафолатланади. Қоидага кўра, шахснинг ушбу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади. Адвокат ҳар бир ҳуқуқий масала юзасидан малакали ёрдам бериб, жинойий ва фуқаровий суд ишларида иштирок этади ва уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги қонунида ҳеч қандай шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Ҳар кимнинг *суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи* муҳим конституциявий принцип ҳисобланади. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи принципи ҳозирги замон адолатли ва холис одил судлов концепциясининг асосини ташкил этади. Бу принцип ҳақида «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 9-моддасида қуйидагилар мустаҳкамланган:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга».

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилатганида прокурор иштирок этади (Қонуннинг 9-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Президенти баён этган Концепцияда куйидаги эътиборга молик фикрлар айтилган: «Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ, эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин»<sup>1</sup>.

*Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи* ҳам конституциявий принциплар қаторига киради. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги Асосий қонуннинг 18-моддасида белгиланган. Ана шу қонуннинг судга татбиқан талқини «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 6-моддасида баён этилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ. 2010. – 17-б.



тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир. Мустақиллигимиз қўлга киритилгандан то ҳозирга қадар суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар мантиқий изчиллик ва собитқадамлик билан босқичма-босқич амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларининг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ушбу фармонларда белгиланган вазифа ва чора-тадбирлар суд тизими ислоҳотларида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари ушбу фармонларда илгари сурган ташаббуслар асосида Ўзбекистон Конституциясининг суд тизимига ва бошқа шунга боғлиқ 80, 81, 83, 93, 107, 110 ва 112-моддаларига бир қатор янги қоидалар киритилди (2017 йил 28 март). Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд ишлари юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Мамлакат суд тизимида янги ҳисобланган иқтисодий ва маъмурий судлар жорий қилинди. Шунингдек, суд тизимида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилиб, унинг ваколатларини белгиловчи алоҳида Қонун қабул қилинди<sup>1</sup>. Унга биноан Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судлари раисларини ҳамда судьяларини мустақил равишда лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади. Шунини қайд

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14 – сон, 214 – модда.

этиш керакки, аввал бу тоифадаги судьялар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланар эди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан – жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибида судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тайинланади.

Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва у бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини бошқаради.

Кенгаш раиси, котиби ва судьялар орасидан тасдиқланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, Кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан Кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Судьялар олий кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш;

– судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

– судьяларни касбий тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини

баҳолаш, шунингдек уларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш ва бошқ.

Мазкур вазифаларни бажариш учун шундай ваколатларга эга бўлди:

– судьялик лавозимларига номзодларнинг захирасини шакллантиради;

– судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлашни ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

– вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

– вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раисларини ва судьяларини лавозимга тайинлайди;

– Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қонунга мувофиқ хулосалар (тақдимномалар) киритади;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига кўра судьяларни уларнинг ваколатлари муддати даврида ўз аризаларига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раислари ва судьялари лавозимларига қайтадан тайинлайди;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига кўра судьяларни ўз аризаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьялари лавозимларига қайтадан тайинлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайладиган судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар (таклифлар) киритади;

– судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

– судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади;

– судьяларни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан хулоса беради;

– суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриб чиқиши учун киритади;

– судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг мазкур департамент фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитади;

– судьялик лавозимларига биринчи марта тайинладиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари

даражасини ўрганиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади ва бошқ. (Қонуннинг 7 – моддаси)<sup>1</sup>.

Судьялар корпусини шакллантириш судьялик лавозимларига номзодларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари тенглиги асосида амалга оширилади.

Кенгаш мажлислари маслаҳатлашуви сир тутилади.

Кенгаш аъзоларининг овоз бериши ёпиқ мажлисда ўтказилади. Овоз бериш чоғида Кенгаш аъзоларидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Кенгаш аъзоси маслаҳатлашув сирини ошкор этишга ҳақли эмас. Кенгаш аъзоларининг овози ва уларнинг фикри сир сақланади ҳамда унинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Кенгаш аъзолари кўрсатилган ахборотни ошкор этганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади (Қонуннинг 15 – моддаси).

Кенгаш мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:

судьялик лавозимиغا номзодни захирага қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

судьялик лавозимиغا тайинлаш, қайта тайинлаш тўғрисида;

судьяларни рағбатлантириш ташаббуси билан чиқиш ҳақида;

судьяга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида;

судьяни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ҳақида;

судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш тўғрисида.

Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир (17 – модда).

Судьялар олий кенгаши давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритади. Кенгаш судьялик лавозимиغا биринчи марта, навбатдаги ўн йиллик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 11.09.2019 й., 03/19/566/3734 – сон.

муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг кейинги муддатсиз даврига тайинланадиган (сайланадиган) номзоднинг муносиблигини аниқлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раҳбарлик лавозимларига номзодни тайинлашда (сайлашда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан зарур ахборотни сўраб олиши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Кенгашнинг сўрови олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тегишли хулосани тақдим этиши керак<sup>1</sup>.

Қонунда Кенгаш аъзоларининг дахлсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Судьялар орасидан тасдиқланган Кенгаш аъзосига нисбатан ушбу модданинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида судьялар учун назарда тутилган дахлсизлик кафолатлари татбиқ этилади.

Кенгаш аъзоси Кенгашнинг розилигисиз жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек қамоққа олиниши мумкин эмас.

Кенгаш аъзосига нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин (28 – модда).

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилиши муносабати билан “Судлар тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уларга мувофиқ Кенгаш зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш функциялари юклатилди. Шундай тартиб белгиландики, унга кўра судья Судьялар олий кенгашининг хулосасисиз маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Қонунда судья лавозимга биринчи марта беш йиллик муддатни, навбатдаги ўн йиллик муддатни ва судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврини белгилаш, умумий судьялик стажидан келиб чиққан ҳолда судьяларнинг ваколат муддатини

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

ҳисоблаб чиқариш тартиби, судлар раисларини 5 йилга сайлаш (тайинлаш), айти бир судда ушбу лавозимни сурункасига икки муддатдан ортиқ эгаллаш мумкин эмаслиги назарда тутилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари учун судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши 70 ёшни, бошқа судларнинг судьялари учун 65 ёшни ташкил этади. Олий суднинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши мамлакат Президенти томонидан, бошқа судларнинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши Судьялар олий кенгаши томонидан беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини янада оширишга, чинакам мустақиллигини таъминлашга, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонун манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди” деган сўзларда қандай катта маъно борлигини барча судьялар яхши англаб олишлари керак. Шунга кўра, суд қарорлари қонунга асосланган ва адолат мезонларига таянган бўлиши лозим. Шундай бўлган тақдирда, бир томондан, судларнинг обрў ва нуфузи юксалади, иккинчи томондан, фуқароларнинг судларга ишончи ва ҳурмати ошади.

Аксинча, суд қарорларининг бажарилишида сусткашликка йўл қўйилиши суднинг обрўсига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Суд фаолиятидаги ана шу заиф нуқтага эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун ана шу камчиликни бартараф этишга йўналтирилган. Амалдаги маъмурий ва жиноят қонунчилигимизда судга ҳурматсизлик қилиш ёки суд қарорлари бўйича тегишли чораларни ўз вақтида кўрмаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд унда кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек, хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида

жавоб бермаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жамиятда судларнинг аҳамияти ва нуфузини юксалтиришга мамлакат Президенти мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июндаги судьялар ҳамжамияти вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви ва унда суд тизимининг вазифалари хусусида таҳлилий – дастурий нутқи бунинг ёрқин ифодасидир. Видеоконференцияда илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, 2017 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси судьялари Ўзбекистон Халқига мурожаат билан чиқди.

Президентимиз ўртага қўйган муҳим вазифалар қаторида судьяларнинг ўз фаолиятига масъулият билан ёндашиши, ишларни қонун ва адолат талаблари асосида кўрилиши, халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш масалалари бор.

Ўзбекистон Республикаси судьяларининг мамлакатимиз халқига мурожаати бугунги кунда судьяларнинг ўз хизмат вазифаларини бекаму-кўст амалга оширишга қаратилган, ҳозирги замон талабларини инобатга олиб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни ўта муҳим аҳамиятини ва долзарблигини англаган ҳолда ўз зиммаларига олган масъулиятлари мажмуасидан иборат.

Ушбу масъулиятлар қўйидагилардан:

– кундалик фаолиятида халқ билан бевосита юзма-юз, очиқ мулоқот шакллари кенгайтириш, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ва ҳақиқатни қарор топтириш;

– ўз фаолиятларини яна бир бор қайтадан танқидий таҳлил қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлашга, одил судловни амалга оширишдаги ғов-тўсиқларни таг-томири билан бартараф этиш, судни том маънода “**Адолат кўргони**”га айланттиришда бор билим ва тажрибамизни сафарбар этиш, судга борган ҳар бир фуқаро фақат адолат топишига қафолат бериш;



– ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса покликустувор бўлиши;

– судьялик шаънига доғ туширадиган ҳар бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатга **“фавқулодда ҳолат”** сифатида қараш, адолатга хиёнат қилган ходимларга нисбатан муросасиз курашишга ва сафларимиз софлигини таъминлаш;

– суд амалиётини доимий таҳлил қилиб бориш асосида қонун бузилишларни аниқлашга ҳамда ушбу соҳадаги камчиликларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– судьяларнинг ўз қасамёдига содиқ бўлишидан иборат.

Хўш, Ўзбекистон судьяларининг халққа мурожаати нима учун яралди, унинг асл маъно-мазмунини нимада? Фикримизча, ушбу Мурожаат, *биринчидан*, давлатимиз раҳбари судьялар ҳамжамияти олдига қўйган долзарб вазифа ва талабларни бажаришга йўналтирилган ўзига хос одил судлов манифести;

*иккинчидан*, барча судьяларни халққа халол ва холис хизмат қилишга сафарбар этувчи қудратли дастурий ҳужжат;

*учинчидан*, шарафли ва машаққатли судьялик касбини адо этаётган барча инсонларнинг халқимизга берган қатъий ваъдаси ва зиммасига олган юксак мажбуриятларининг ифодасидир.

Судьялар олий кенгаши қонунда берилган ваколат доирасида одил судга оид 14 та тартиб ва тавсияларни тайёрлаб, тегишли тартибда ўз қарорлари билан тасдиқлади. Жумладан, “Суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик ҳолатларини аниқлаш, бу ҳақда хабар берган судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш” тартиби, “Суд раисларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ахборот бериш юзасидан” тавсиялар, “Судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан суд ишларини электрон тақсимлаш тизимини жорий этиш бўйича” таклифлар, Судлар фаолияти очиклиги ва шаффофлиги ҳолатини

ўрганиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш эркинлиги даражасини ошириш, уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш бўйича таклифлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра, судьяларнинг фаолияти уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назардан ўрганиш, судьялар фаолиятининг ахлоқий-маънавий мезонларини белгилаш, судьялар фаолиятини таҳлил этиш ва баҳолаш масалалари Кенгаш ваколатига киритилган. Шундан келиб чиқиб, Кенгаш 2017 йилнинг август ойида “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси”ни тасдиқлади. Мазкур кодекс Ўзбекистон судьялари ўз касбий фаолиятини амалга оширишда қатъий риоя этиши лозим бўлган ахлоқий, маданий ва этик қоидалар, шунингдек уларнинг жамиятда ўзини юриш-туриши, хатти-ҳаракати билан атрофдагиларга ибрат намуналарини кўрсатишига оид мезонлар мажмуидир. Ушбу қоидалар 2002 йил 26 ноябрда Ҳалқаро ҳамжамият доирасида тасдиқланган “Судьяларнинг хулқ-атвориға оид” Бангалор принципларига тўла мос келади. Судья хулқ-атворининг Бангалор принциплари қуйидаги олтита кўрсаткич (принцип)ни назарда тутди: мустақиллик, холислик, халоллик ва моддиятга берилмаслик, этика нормаларига риоя этиш, тенглик, ваколатлилиқ ва тиришқоқлик. Ҳужжатда ушбу принципларнинг ҳар бир муфассал таърифланган.

Одил судловни амалга ошириш судьялардан махсус билим ва тажрибадан ташқари юксак маънавий ёндашув ва масъулиятни талаб этади. Суднинг кичик бўлса-да, ҳар қандай хатоси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги баҳоси баробарида зарар етказди. Бобокалонимиз Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб асарида ёзганидек: “Қози мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир... Қозининг маҳкамаси шариат илмининг хазинаси бўлмоғи; у ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қармоғи лозим... Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги – тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим... Модомики, ҳукм элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори

тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим”<sup>1</sup>. Ҳазрат Навоийнинг ушбу боқий сўзлари ҳозир ҳам долзарб жаранглайди. Улар бугунги кундаги судьялар учун арзигулик ибрат мактабидир. Аслида одил судлов – инсоният маънавияти ва маданияти хазиначисининг улугъ неъматидир, беназир ютуғи ҳамда маърифий қадриятидир. Шундай юксак тавсиф баробарида одил судлов – давлатнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, жамият сиёсий ва иқтисодий негизларини ҳимоялашга йўналтирилган ҳуқуқий сиёсатининг мужассам ифодаси ва бевосита амалидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак. Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”. Бундан кейин судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, аҳолидан тушаётган шикоятлар сони, уларнинг ҳалқ билан мулоқот қилиб, одамларни қийнаётган муаммоларни қандай ҳал қилаётганига қараб баҳо берилади. Қисқача айтганда, бундан буён судьяларга ҳалқнинг ўзи баҳо беради. Президент таъбири билан айтганда: “Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт”.

Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла Мингбоев ўзининг “Дунёдаги энг ноёб тушунча – бу адолат!” номли мақоласида судьяларимиз учун ибрат мактаби бўладиган қатор қимматли фикр – мулоҳазаларни билдирган. Жумладан, “Суд иши ўз табиатига кўра эзгу амал, адолатни қарор топтириш бўлгани учун қалбимиз беғубор, одилликка йўғрилган бўлиши лозим”, – дейди. Муаллиф бунда буюк мутафаккир бобомиз А.Р.Берунийнинг куйидаги ўғитларига таянади: “Ҳар қандай эзгу амални қилиш учун, энг аввало руҳиятимиз тирик, қалбимиз беғубор, пок бўлиши керак”.

Шунингдек, “Судья ва суд ходимлари шайтоний ҳаю-ҳавасларга берилмасдан, – дейди Убайдулла Қурбонович, – иймон билан виждонга содиқ ҳолда конституциявий ваколатини амалга оширсагина, тўғри йўл танлаган бўлади”. Маълумки қадим – қадимдан қози мартабасига эришган инсон ниҳоятда камтар ва пок

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т., 1983, 23-24-бетлар.

ниятли бўлган. Унинг ақлу салоҳиятидан, юриш-туришидан, кийинишидан, муомала маданиятидан бошқалар ўрناق олган.

“Адолатли киши, албатта, шон – шарафга эришади. Чунки, инсониятнинг энг ноёб тушунчаларидан бири – АДОЛАТ дир”<sup>1</sup>. Юртимиз судьяларининг устози ҳозирги фаолият юритаётган судьялар ва суд тизими ходимларига мурожаат қилиб, уларни одиллик поклик ва мурувватлиликка чорлаб, Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг қуйидаги хикматлари билан хитоб қилади:

“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидир!

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидир!

Яхши киши кўрмагай ёмонлик харгиз,

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топғусидир”.

Демак, адолат торозини тенг тутмоқ, ҳар ишда билим ва тафаккур билан етти ўлчаб, бир кесмоқ ҳар бир судьянинг ҳаётий маёғи ва инсоний маслағи бўлмоғи даркор.

Жамият шакллантирган ва сайқал топтирган кўплаб қадриятлар ҳуқуқий меъёрларда қонунлаштириб қўйилгани учун улар одил судлов орқали рўёбга чиқарилади. Мамлакатимизда судлов тизими ва ҳуқуқий тизимда кенг қамровли демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда *одил судловнинг ҳуқуқий маданияти* хусусида сўз юритиш ниҳоятда долзарб масаласидир. Шу боис судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳуқуқий маданият жамиятда тўпланган ҳуқуқий қадриятларни эътироф этиш, уларга риоя қилиш, уларни асраш ва ривож топтиришни назарда тутди.

Суд – жамият аъзоларига ҳуқуқий маданиятни сингдириш, тарбиялаш, шакллантириш ва юксалтиришда катта ўрин тутди. Ҳар бир суд жараёни катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга. Фуқаролар ўзгалар хатосидан хулоса чиқариб, қонунларни бузмаслик бобида ибрат оладилар. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида Президентимиз таъкидлаганидек, “Судларнинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, суд

---

<sup>1</sup>“Инсон ва қонун”, 2019 йил 8 октябрь.

ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олишга жиддий эътибор қаратилди”<sup>1</sup>.

Қиёсий таъбир жоиз бўлса, шифокор инсон вужудидаги касалликни даволаса, суд жамият вужудидаги қусур – касалликларни даволайди. Беморга – ширин сўз даво бўлса, жабрланувчи ва судланувчига – адолатли сўз даркор бўлади. Судьянинг етуклиги ва маҳорати қонун асосида ана шу адолатли сўзни айтишда намоён бўлади.

Судьянинг касбий-ҳуқуқий маданиятини, одил судловнинг ҳуқуқий маданияти даражасини қуйидаги омиллар воситасида аниқлаш мумкин:

- 1) қонунчиликни такомиллаштириш ва малакали қўллаш;
- 2) суд ҳаракатларининг тезкорлиги, тежамлилиги, суд ҳужжатларининг саводли ва мукамал тузилиши;
- 3) суд фаолияти устидан ички ва самарали жамоат назоратининг ўрнатилганлиги;
- 4) судьялар ўртача иш юкламаси меъёрини оқилона белгиланишини таъминлаш;
- 5) замонавий ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти ютуқларини одил судлов амалиётига сингдириш;
- 6) судлар фаолиятини халқаро ҳуқуқ стандартларига мослаштириш;
- 7) судья кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим савияси, тажрибаси, маданияти, яъни судьялар томонидан жамиятнинг илғор маънавий қадриятларини теран ўзлаштирилганлиги ва бошқалар.

Судьяларнинг ҳуқуқий маданияти қуйидаги мезонлар билан белгиланиши мумкин:

- олий ҳуқуқшунослик маълумоти ва тажрибасига эгаллиги;
- одил судлов тамойилларини пухта ўзлаштирилганлиги;
- юксак касбий маҳорат соҳиби бўлиши;
- холислик ва беғаразлик;
- адолатпарварлик ва ҳалоллик.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М.. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 10-бет.

Ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнидаги муҳим вазифалардан бири суд ҳокимиятини амалга оширувчи шахсларга юксак ҳуқуқий маданият мезонларини, зарур касбий малака ва маҳоратни сингдиришдан иборат. Фикримизча, судьялар эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар қуйидагилардан иборат:

– судловни амалга оширишда қатъиятлилиқ ва вазминлик; хотиржамлик ва совуққонлик; ўзгага ҳурмат, эҳтиёткорлик, хушёрлик ва тавозе; эҳтиросга берилмаслик ва жиззаки бўлмаслик; вазиятга баҳо беришда сермулоҳазалилик;

– суд жараёни иштирокчиларига кўполлик, дўқ-пўписа қилмаслик; хушмуомалалиқ, адолатпешалиқ, ҳақпарвар ва халқпарварлик; жабрдийда дардига эътиборлилиқ; ҳукм чиқаришда виждонга, ички эътиқодга, имонга таяниш.

Фуқароларнинг айбсизлик презумпцияси принципини судлов жараёнида қатъий таъминлаш судьянинг чуқур ахлоқийлилиги ва юксак ҳуқуқий маданиятига узвий боғлиқ.

Судларнинг фаолиятдан халқнинг мунтазам хабардор бўлиб туришида одил судлов ҳақидаги ахборотни олиш, уни аҳолига етказиш тизимини йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Бунда судларнинг оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик қилиши, суд қарорларининг электрон маълумотлар базасини яратиш ва уларни тегишли веб-сайтларда, Интернет тармоқларида жойлаштириб, аҳолига етказиш самара беради. Бу иш судларни ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашни янада жадаллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга иккинчи Мурожаатномасида қуйидагилар таъкидланади: “фақат суд – ҳуқуқ соҳасида олдимизда турган асосий устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Судьялар корпусини шакллантириш тизимини суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига тўлиқ мослаштириш, бу

жараёнда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш зарур. Бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада жамоатчилик фикри ва улар олдида ҳисобот (ахборот-таъкид О.Х.) бериш масаласи ўз ифодасини топиши зарур”<sup>1</sup>.

Судлар фаолиятининг қонун имкон берган даражадаги очиқлигини (ошкоралигини) таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари орқали жамоатчилик назоратини жорий этиш ҳам уларни халққа яқинлаштиришга кўмак беради. Шунингдек, давлатимиз раҳбари судьялар билан учрашувда ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдирган таклифлари асосида судьялар маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида сайёр суд мажлисларини мунтазам ўтказиб бориши, самара беради. Биргина 2017 йилда судлар томонидан 373 минг 256 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди<sup>2</sup>. Барча судлар ўз амалиётлари юзасидан халқ депутатлари кенгашлари олдида ахборот бериши тартибини жорий этиш судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ўзига хос тизими яратилишига олиб келмоқда.

Ишларни назорат тартибида кўриш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Чунки, илгари Олий суд масъулиятни ўз зиммасига олишни истамас эди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овораю сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

«Кўпчилик яхши билади,- деб таъкидлади Президент, - илгари қарийб 90 фоиз жиноий ишлар қайта терговга юборилар эди. Эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини кўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М.. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 10-11 бетлар.

органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий (2018) йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ҳолбуки, илгари битта оқлов ҳукми чиқариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса эди.

Терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилди. Хусусан, шу давр мобайнида тергов органлари томонидан 238 та ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланди. 302 та ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати ўтгани, 370 та ҳолатда айбдорлар қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инобатга олинди. 549 та ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотгани, 1 минг 636 та ҳолатда қилмишда жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Ана шундай асосларга таяниб, 3,5 мингдан ортиқ жиноят иши тугатилди.

Ҳар бир ҳукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида – 152 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида – 18 нафар, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида – 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Масалан, биргина Шайхонтоҳур туманида 15 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафиллиги эътиборга олинди.

Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди, 11 нафар шахс



жавобгарликдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди»<sup>1</sup>.

Суд ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга оид жараёнлар узлуксиздир. Бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган “Маъмурий ислоҳотлар концепцияси”га мувофиқ, судларни бошқаришни оптималлаштириш, одил судлов доирасида маъмурий адлия (юстиция) тизимини ривожлантириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Бу вазифани ҳал этиш учун унинг қонунчилик базасини яратиш устида муайян ишлар олиб борилди. Шу маънодаги саъй-ҳаракатлар намунаси сифатида эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил декабрдаги ўн учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси”ни, “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси” ни ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси” ни тасдиқлаш тўғрисидаги қонунлари маъқулланди<sup>2</sup>.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 30 ноябрда “Суд – тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” фармон қабул қилди<sup>3</sup>. Унда:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ, қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018., 11 – 12-бетлар.

<sup>2</sup> Халқ сўзи, 2017 йил 21 декабрь.

<sup>3</sup> Халқ сўзи, 2017 йил 1 декабрь.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин;

ҳақиқий маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишга номақбуллиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёки тарафлар илтимосномаси бўйича белгиланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилларнинг номақбуллиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлган қонунбузилиши нимада ўз аксини топганлигини аниқлашга ва асослантирилган қарор (ажрим) қабул қилишга мажбур;

суд муҳокамаси жараёнида стенография юритилади, унинг материаллари жиноят иши материалларига қўшиб қўйилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган, шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тавсия этилсин.

Суд – тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар

алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилинсин, деб тавсия берилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 13 июлда “Суд – ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни қабул қилди<sup>2</sup>. Фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигига салбий таъсир кўрсатиб, кенг аҳоли орасида судга бўлган ишончнинг етарли даражада юқори эмаслигига сабаб бўлмоқда. Одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, қуйидаги ўзгаришларни амалга ошириш назарда тутилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад судларнинг қарор қабул қилишдаги масъулияти ва эътиборини ошириш, қарорларнинг қонуний ва асослантирилган бўлишини таъминлашдан иборат. Бунда, албатта, шахсий дахлсизлик ва шахсий маълумотларнинг ошкор этилмаслиги тўла кафолатланади. Хусусан, эълон қилинаётган суд ҳужжатида фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар ўзгартирилади;

иккинчидан, қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш кўзда тутилмоқда. Маълумки, суд мажлиси яқунлангач судья томонидан суд ҳужжати (ҳал қилув қарори, ҳукм, қарор, ажрим ва ҳоказо) қабул қилинади. Унинг мазмуни ҳар доим ҳам тарафлар учун тушунарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, суд нима учун айнан шундай тўхтамга келганлигини, ушбу ҳужжат суд процесси иштирокчилари учун қандай оқибатларга олиб келиши, уларнинг

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2017 йил 1 декабрь

<sup>2</sup> Халқ сўзи, 2018 йил 14 июль.

ҳуқуқ ва мажбуриятларига қай даражада таъсир этиши батафсил тушунтирилиши лозим;

учинчидан, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш тартиби киритилди.

Бизга маълумки, очиқлик ва ошкоралик ҳар қандай ҳокимиятга бўлган ишончининг асосий қафолатидир. Шу сабабли, суд ҳокимиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, унинг халққа ҳисобдорлигини қафолатлаш мақсадида ўрта бўгин (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлари, иқтисодий ва маъмурий судлар раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан оммавий ахборот воситалари иштирокида чораклик ахборотни эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг холислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир худудда судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия тузиш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йилнинг 6 январида “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди<sup>1</sup>. Унда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, суд тизими ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, Судьялар олий кенгаши ҳузурида *Судьялар олий мактаби* ташкил этилди. У махсус давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Суд – ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислохотларнинг самарасини англаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2019 йилнинг тўққиз ойи давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қилинган ишлар кўламадан қуйидаги фактларни келтириш кифоя. Бу давр мобайнида жиноят ишлари бўйича судлар

---

<sup>1</sup>Халқ сўзи, 2019 йил 7 январь.

томонидан 26 859 нафар шахсга нисбатан 20 627 та иш кўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар 2018 йилнинг шу даврига нисбатан шахслар бўйича 27,2 фоизга, ишлар бўйича эса 28,2 фоизга камайган. Жумладан, 576 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди.

Судланган шахслар сони 20 818 нафарни ташкил этиб, шундан 5 300 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 14 482 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 1036 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланганларнинг 18 429 нафари эркаклар, 2 389 нафари аёллар, 8 036 нафари ёшлар (шу жумладан 378 нафари вояга етмаганлар) ва 674 нафари 60 ёшдан ошган шахслардир.

Шунингдек, 2 306 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залидан озод қилинди, 19 667 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 041 нафарига тайинланган жазоси енгили билан алмаштирилди ва 5 116 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

202 нафар шахсга Ёшлар иттифоқи, 175 нафар аёлга Хотин-қизлар қўмитаси ва 1 078 нафар шахсга маҳалла фуқаролар йиғинларининг қафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Шу даврида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 4 613 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Етказилган 362,2 млрд. сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 2 327 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. 9 869 та жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 47,9 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, суд ҳоқимияти мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган ислохотларга халқимизнинг муносабатини аниқлаш мақсадида “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ Маркази 2018 йилда ўтказган социологик тадқиқоти натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Жамоатчилик фикри сўрови натижаларининг ишончли тарзда кўрсатишича, мамлакатнинг мутлақ, кўпчилик (81,5 фоизи) фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакат суд тизимини такомиллаштириш бўйича ташаббусини маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Фуқаролар амалга оширилаётган суд тизимини ислоҳ қилиш суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаши, фуқароларнинг бирор-бир монеликсиз одил судловдан фойдаланишини таъминлаши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириши кераклигини англайдилар.

2. Тадқиқотнинг аниқлашича, ҳозирги вақтда суд тизими давлат ҳокимияти органларининг таъсиридан чиқарилганлигига ҳамда судлар ва судьяларнинг тўла мустақиллиги таъминланганлигига сўралган фуқароларнинг 39,9 фоизи қўшилади. Ҳар учинчи респондент (30 фоизи) судлар ҳали тўла мустақил ҳисобланмайди ва ҳокимият органлари вакиллари уларга таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди. 7.7 фоиз респондентларнинг фикрича, судларнинг мустақиллиги деярли таъминланмаган.

3. Сўров натижаларининг кўрсатишича, тадқиқ қилинган даврда судларнинг очиқлик даражасини ижобий баҳоловчи респондентларнинг 34.8 фоизи уни тўла даражада очиқ ва шаффоф, деб ҳисоблашади. Сўралганларнинг 33.4 фоизи судлар ишини тўла даражада очиқ эмас, деб ҳисоблайди. Сўровда судларнинг фаолиятини “кам даражада очиқ”, шунингдек, уни “тўла ёпик”, деб ҳисобловчи респондентлар сонининг ўсиш тенденцияси қайд қилинди.

4. Сўровнинг кўпчилик иштирокчилари судьяларнинг беғаразлигига, уларнинг ўз касбий вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришларига ҳамда судлов қарорини чиқаришда ишни холисона ва адолатли кўриб чиқишларига ва фақат Қонунга амал қилган ҳолда судлов қарорини чиқаришларига ишонадилар. Фуқароларнинг фикрича, ҳеч бир ҳолат ҳукм чиқаришда судьяга таъсир қилиши

мумкин эмас, суд адолат ва инсонпарварлик қоидаларига асосланиб қарор қабул қилади.

5. Сўров натижаларининг кўрсатишича, Ўзбекистоннинг кўпчилик фуқаролари “Хабеас корпус” институтининг мамлакат ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилинганлигини ижобий баҳолайдилар ва шунга ишонадиларки, унинг жорий қилиниши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Тадқиқотнинг бундай натижалари мамлакат аҳолиси томонидан фуқароларнинг эркин ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига риоя қилишнинг муҳимлигини англашидан, пировард натижада Ўзбекистон халқининг демократик ва гуманистик қадриятларга содиқлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, янада кенгроқ кўламда олиб бориш жамиятимизда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтиришга кўмаклашади. Юқорида баён этилган барча ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар жамиятимизда суднинг юксак нуфузини таъминлашга, унинг самарали фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароит яратишга қаратилган. Мустақил, холис, демократик суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга, шу аснода ҳуқуқий давлатчилик асосларини шакллантиришга хизмат қилади.

## 8. ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Ижтимоий адолат тамойиллари ва демократия мезонларига асосланиб амалга ошириладиган давлат ҳокимияти халқ манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи яратувчанлик, бунёдкорлик омили (ижодкор куч) сифатида майдонга чиқади. Давлат жамият тараққиётига ижтимоий-сиёсий йўналиш бериб, унга яхлитлик, жамулжамлик ва барқарорлик бахш этади. Мамлакатимизда давлат органларининг халқ манфаатига бўйсундирилганлиги конституциявий принцип тарзида мустақамланиб, улар фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Асосий қонунимизнинг 26 йиллигига бағишланган маърузасида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий ҳаётини атрофлича таҳлил этди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўл, эришган юксак марралар Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради. Чексиз ифтихор билан эътироф этиш лозимки, “Халқимиз сиёсий – ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”<sup>1</sup>. У жамият миқёсида эришилган ўзига хос *ижтимоий келишувнинг* маҳсули сифатида намоён бўлиб, энг аввало, давлат ҳокимияти ваколатларини инсон ҳуқуқлари кўламига мос тарзда меъёрлаш, легитим чеклаш имконини беради ва шу орқали ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаш ва шаффофлаштириш вазифасини адо этмоқда.

Дарҳақиқат, Конституция тараққиётимизнинг ҳозирги янги инновацион ривожланиш босқичидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитларини яратиш, иқтисодиётимиз равнақи,

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Халқ сўзи, 2018 йил, 8 декабрь.



энг муҳими, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишдек олижаноб мақсадларимизнинг кафолати ва ҳуқуқий пойдевори сифатида барчамизни янада юксак марраларга руҳлантирадиган беқиёс қудрат манбаи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Асосий қонунда халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат ғояларига бўлган ишончи ҳамда қатъий садоқати мустаҳкамланган. Зеро, халқимиз ҳаётий тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига, барча фуқаролар ва турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларига мос келадиган асл демократияни қарор топтириш ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига таянган давлатни қуриш улкан сиёсий аҳамиятга молик вазифадир.

Мамлакатимиз илмий ҳамжамияти, шу жумладан ҳуқуқшунослар, асосий эътиборни истиқболда барпо этилиши мўлжалланаётган ҳуқуқий давлатни таъриф ва тавсиф этишга, унинг турли хусусият ҳамда қирраларини очишга, илмий изоҳлашга қаратиб келдилар. Айни вақтда, қад ростлаётган давлатимизнинг ижтимоий моҳиятини, инсонпарвар табиатини, социал вазифаси ҳамда функцияларини таҳлил этиш ҳуқуқшунослар диққат марказидан ўрин олиши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир. Шу боис **“ҳуқуқий давлат”** категорияси билан бир қаторда **“ижтимоий давлат”** феноменини ҳам илмий тадқиқот мавзусига айлантириш жиддий методологик аҳамиятга молик.

Ижтимоий давлатчилик тушунчаси XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келди. Бу даврда неолиберал назарийтчилар “эркинлик” нинг янги “позитив” талқинини илгари суриб, давлатнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатни таъминлаш мажбурияти ғоясини илгари сурдилар. Бунга кўра, давлат “ижтимоий тенгсизлик” ни бартараф этиши, яъни бойлик ва қашшоқлик ўртасидаги нисбатни мувозанатлаши лозим эди. Шу тариқа давлатнинг “иккинчи авлод” инсон ҳуқуқларини (яъни, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар) таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини назарда тутувчи “ижтимоий давлат” ғояси, таълимоти пайдо бўлди. У XX асрнинг иккинчи ярмида кенг ривож топди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларининг (ГФР, Франция, Италия, Россия, Туркия, Дания,

Швеция ва бошқ.). Конституцияларида “ижтимоий давлат” (“социал давлат”) формуласи ўз ифодасини топди.

Илмий манбаларда кенг тарқалган талқинга биноан, ижтимоий давлат, энг аввало, ижтимоий адолат ҳақида, ўз фуқароларининг фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги хусусида ғамхўрлик қиладиган давлатдир. Бундай давлат эркинликни таъминлаш вазифасини аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари (ишсизлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, боқувчисидан ажралганлар, ногиронлар ва ҳ.к.) ни ижтимоий ҳимоялаш билан қўшиб олиб боради.

“Ижтимоийлик” нинг асосий шарти – инсон шахсига, унинг шаъни, кадр-қиммати, эркига асраб-авайлаб муносабатда бўлишдан иборат. Давлатнинг моҳияти унинг фаолият йўналишларида мужассамлашади ва намоён бўлади. Маълумки, давлат фаолиятининг муайян қисмини ижтимоий вазифаларни бажариш ташкил этади. Ана шундай вазифалар фаолиятининг мазмунини ташкил этган демократик давлатлар – ижтимоий давлат саналиши мумкин. Ижтимоийлик, аввало, бу адолат, яъни кўпчиликнинг манфаатига мувофиқликдир, иккинчидан, инсонларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро хайрихоҳлиги ифодасидир. Шунга кўра, ҳаётни адолатлироқ қиладиган ҳар қандай қоида, ҳар қандай қонун, ҳар қандай тартиб том маънода ижтимоийдир.

Юридик адабиётларда ижтимоий давлатнинг табиатига, белги ва хусусиятларига оид турли талқинлар берилади. Бир қатор тадқиқотчилар ижтимоий давлатни фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини (яъни, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва бошқ.) эълон қилувчи ёки пенсия ва бошқа нафақаларни таъминловчи давлат деб баҳолайдилар<sup>1</sup>. Аммо, бу ёндашув ижтимоий давлатнинг аслида ўта бой маъносини етарлича очаолмайди. У анча теран мазмун-моҳият касб этади. “Социал (ижтимоий) давлат, – профессор В.М.Баглайнинг фикрича, – фуқароларни иш билан таъминланишига шароит яратадиган, умумий даромадларни бюджет воситасида қайта

---

<sup>1</sup> Қаранг: Иваненко В.А., Иваненко В.С. Социальные права человека и социальные обязанности государства: международные и конституционные правовые аспекты. – СПб., 2003. – 62-63 б.

тақсимлайдиган, одамларга турмуш кечиришнинг энг қуйи чегарасини (минимумни) таъминлайдиган, кичик ва ўрта мулкдорлар хиссаси кўпайишига кўмаклашадиган, ёлланма меҳнатни муҳофаза қиладиган, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва оила хусусида ғамхўрлик қиладиган, ижтимоий таъминотни мунтазам яхшилайдиган давлатдир”<sup>1</sup>.

Конституция давлат учун аниқ ижтимоий дастурни белгилаб бермаса-да, шубҳасиз унда давлат сиёсатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари белгиланади. Давлат сиёсатининг икки муҳим жиҳатини назарда тутиш лозим. *Биринчиси* – фуқароларга муносиб ҳаёт кечириш учун ва инсоннинг эркин ривожланиши учун шароит яратишда ифодаланади. Бу – меҳнатни ва инсонлар соғлиғини муҳофазалаш, иш ҳаққининг минимал ҳажмини белгилаш, ишсизликнинг олдини олиш ва ҳ.к. *Иккинчиси*, – аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш, оилани, оналик, оталик ва болаликни муҳофазалаш, ногиронларга ва қарияларга ғамхўрлик қилиш ва бошқалар. Ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, нафақалар ва бошқа ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаш кўзда тутилади<sup>2</sup>. Профессор О.Э.Лейст таъбирича, “*социал давлат*” нафақат ҳуқуқий тартиботни муҳофазалаш, шунингдек, кам таъминланганлар ва бутун жамият манфаати учун ижтимоий сиёсатни амалга ошириши (қонун воситасида иш куни давомийлигини, болалар ва аёллар меҳнатини чеклаш ҳамда таъқиқлашни, меҳнатга қобилиятсизларни ижтимоий ҳимоялашни, ишсизларни иш билан таъминлашни, давлат ҳисобидан умумий ўрта таълимни, бепул медицина хизматидадан фойдаланиш кабиларни ҳуқуқий тартибга солиши) лозим<sup>3</sup>.

Ижтимоий давлатни тавсифловчи ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан таркиб топади: меҳнатни ва одамлар соғлиғини муҳофазалаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг минимал миқдорини кафолатлаш, оилани, оналик, оталик ва болаликни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Баглай В.М. Конституционное право Российской Федерации. – М., 2007. – 137 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Конституция Российской Федерации: комментарий / Под общ.ред. Б.Топорнина и др. – М., 1994. – 21 б.

<sup>3</sup> Қаранг: Лейст О.Э. Гражданское общество, государство и право / Общая теория государства и права. Академический курс. Отв.ред. М.Н.Марченко, Том 1. – М., 1998. – 346 б.

давлат томонидан кўллаб-қувватланиши, ногиронлар ва кексаларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, бошқа тўлов ва нафақаларни белгилаш, ижтимоий ҳимояни кафолатлаш ва ҳ.к. Демак, биз назарда тутаётган маънодаги давлат ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритиши, ижтимоий (шу жумладан, мулкӣ) тенгсизликни ижтимоий адолат талаблари асосида мувозанатлаштириши, ижтимоий ривожланишда мўътадиллик ва барқарорликни таъминлаши лозим. Бирок, ижтимоий давлатни патерналистик давлат<sup>1</sup> билан айнанлаштириш ўринсиз бўлар эди, давлат жамият ва инсонларнинг барча эҳтиёжларини тўла таъминлаб беради, деб умид қилиш тўғри эмас. Давлат ҳамма нарсани муҳайё қилади, мурувват манбаи бўлади, деб боқимандаликка берилиш ҳам маъқул эмас.

Ижтимоий давлатни ижтимоий тенглик, умумий ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъуллик принципларининг ҳуқуқ воситаси мустаҳкамланганлигига таяниб, юксак ижтимоий тараққиётни таъминлашни бош вазифаси сифатида билувчи давлат деб таърифлайдилар. Ижтимоий давлат жисмонан заиф инсонларга кўмаклашади, иқтисодий (моддий) бойликларни ижтимоий адолат принципи руҳида тақсимлаб, ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт кечиришни таъминлашга интилади<sup>2</sup>.

Инсон ўз эҳтиёжларини қондириши, муносиб ҳаёт кечириши учун тегишли маблағга эга бўлиши, бунинг учун эса, иш билан таъминланган бўлиши лозим. Шу боис ижтимоий давлат аввало шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, ишсизликнинг олдини олади, иш ўринлари яратади, ижтимоий муҳтожларни, ногиронларни пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Конституция демократик мамлакат шароитида ҳуқуқий ижтимоий давлат мумкин қадар ҳамма фуқароларнинг равнақига тенг шароитлар яратишга кўмаклашишини ва ҳаёт машаққатларини имкон қадар тенг тақсимлашини назарда тутди.

---

<sup>1</sup> Патернализм – лот. “paternus” – отага тааллуқлик. Патерналистик давлат – ўз фуқароларига “оталарга” ғамхўрлик кўрсатадиган давлат маъносида. Давлат ҳамма шарт-шароитларни яратиб беради, деб ишониш.

<sup>2</sup> Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России. – М., 1999. – с.131.

*Ижтимоий давлатнинг функциялари* анча кенг. Булар аҳоли бандлигини таъминлаш, жамият миқёсида моддий бойликларни бюджет йўли билан мувозанатлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва муҳофаза этиш, таълим-тарбия борасида ғамхўрлик қилиш, одамларга тирикчилик учун энг кам чегарани белгилаш, оилани ҳимоялаш, ижтимоий таъминот тизимини йўлга қўйиш, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш каби функциялар. Мазкур йўналишлардаги ижтимоий фаолият иқтисодиётга давлат аралашувини кенгайтирмайди, балки бозор иқтисодиётини ҳамда шахсий ташаббускорлик (тадбиркорлик) ни ривожлантиришни назарда тутди.

*Ижтимоий давлатнинг мақсадларига эришиш* ижтимоий сиёсат услубларидан ташқари, тегишли қонунчилик ва маъмурий ташкилий-тузилмалар вужудга келтирилишини ҳам тақозо этади. Бу иқтисодиётда структуравий ислохотларни амалга ошириш ва сиёсий тизимни либераллаштиришни талаб қилади. Жамиятдаги сиёсий кучлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида муросаи-мадорага эришиш, ижтимоий ҳамкорлик (шериклик) ни йўлга қўйиш ҳар қандай ҳукумат шароитида ҳам ижтимоий сиёсатни равон юритиш имконини беради. Шунингдек, ижтимоий зўриқишлар (инкирозлар) ни бартараф этишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларига мувофиқ, давлатимизни ижтимоий йўналтирилган, инсонпарвар – ижтимоий табиат ва моҳиятга эга эканлигини эътироф этиш мумкин. Аввало, Асосий қонунимизнинг муқаддимасида давлатнинг мақсади – республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, деб белгиланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда). Ушбу конституциявий талаб давлатнинг жамият ва фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбуриятларини тўла-тўқис бажариш соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Асосий қонунимизда мустаҳкамланганидек, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Ижтимоий адолат принципага урғу берилиши, давлатга, унинг барча органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, “Адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш қонуннинг янгиланган ижтимоий сиёсат қўрилишига асос қилиб олинди”<sup>1</sup>. Шахсни ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади (Конституциянинг 30-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз маърузаларида бир неча бор таъкидлаганидек, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Конституцияда ижтимоий давлатга ҳос қўйидаги нормалар мустаҳкамланган: ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир (37-модда). Ушбу конституциявий талабни амалга ошириш мақсадида 1998 йил 1 майда “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” қонун қабул қилинди. Кейинчалик Бандлик тўғрисидаги қонун яратилиб, жойларда меҳнат биржалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ижтимоий табиатга эга давлатимиз ҳар кимга қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини кафолатли таъминлайди. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас (Асосий қонуннинг 39-моддаси).

Ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишларидан бири аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини жорий этишдир. Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳукумат ҳар бир инсоннинг ушбу

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995. – Б.129.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., 2017, 16-бет.

конституциявий ҳуқуқини таъминлаш учун изчил сиёсат олиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшни ташкил этди. Болалар ўлими 3 баробар камайишига эришилди. Биз бу борадаги натижаларимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш бўйича муҳим амалий дастурлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Соғлиқни сақлаш тизимини 2019 – 2025 йилларда ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Бугунги куннинг талаби бўлган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Кўрилган чоралар туфайли 2018 йилнинг ўзида 400 дан ортиқ хусусий тиббиёт масканлари ташкил этилди. Аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида келгусида мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилади.

Президент Ш.Мирзиёев ўзининг 2017 йил 7 декабрдаги маърузасида куйидагиларни таъкидлаган эди: “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин... Ана шу мақсадлар учун барча маблағлар ҳисобидан 7 трлн. 480 млрд. сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди”<sup>1</sup>.

Конституциямизда умумбашарий мазмундаги кадриятлар ва демократик сиёсий – ҳуқуқий мафкура ўз “қонуний” ифодасини топганлиги боис у жамият ва давлат ҳаётини изчил демократлаштиришни, адолатли давлат бошқаруви тизимини шакллантиришни кафолатлайди. Энг муҳими, бу – миллий истиқлол мафкураси, инсон қадрини эъзозланадиган адолатли жамият барпо этиш мафкурасидир.

Президентимиз Асосий қонунимизнинг 26 йиллигига бағишланган маърузасида Конституциямиз принцип ва

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., 2017, 14-бет.

нормаларининг ҳаётга жорий этилишини, амалда ижро қилинишини ёрқин далилловчи фактлар, аниқ рақамлар ҳамда мисоллар аслида давлатимизнинг инсонпарвар, халқчил ва ижтимоий табиатини яққол намойиш этиб берди. Маълумки, сўнгги икки йилда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажара бориб, ижтимоий соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди; ижтимоий ҳимоянинг тамомила янги модели яратилди. Ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтож инсонлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратиб бериш масаласи давлатимиз диққат марказида бўлиб келмоқда. Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлар, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – қафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрликдир<sup>1</sup>.

Шу борадаги ижтимоий сиёсат таҳлил этиладиган бўлса, 2017 йилда ногиронларга 2 триллион 600 млрд. сўм пенсия ва нафақалар тўланди. Кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 1 минг 200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арзон уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб, бошланғич тўловлар учун 22 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди<sup>2</sup>. Меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилди ва улар учун доимий даромад манбаи яратилди. Шу тоифага мансуб фуқароларга 7 мингдан ортиқ протез-ортопедия воситалари, 6 минг 500 дан ортиқ ногиронлик аравачалари, 1 минг 600 га яқин эшитиш аппаратлари бепул берилди. Ногиронлиги бўлган ва нафақа ёшидаги фуқароларнинг даволаш-профилактика

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 30-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 25 – бет.



муассасаларида бепул даволаниши учун 23 минг 500 га яқин йўлланма ажратилди<sup>1</sup>.

Мазкур сиёсат изчил давом эттирилиб, 2018 йилда ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахсларни, эҳтиёжманд ва ночор оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларга арзон уй-жойлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилди, натижада 21 минг 500 дан зиёд ана шундай оила арзон уй-жойлар билан таъминланди<sup>2</sup>. Бундан ташқари, 30 минг 500 га яқин ногиронлиги бўлган шахсларга умумий қиймати 3,6 миллиард сўмлик протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари ажратилди. Уларнинг 16 минг нафари реабилитация марказларида даволанди ва бу мақсадлар учун қарийб 17 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Конституциямизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида кафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилади ва ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўла миқдорда тўланади<sup>3</sup>.

Шунингдек, 2018 йил мобайнида халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, педагог-ўқитувчилар учун муносиб меҳнат шароитини яратиб бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи босқичма-босқич кўпайтирилиб, уларни рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий қилинмоқда.

Таълим тизимининг кейинги босқичи – олий таълим соҳасида ҳам салмоқли ислохотлар олиб борилмоқда. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда 5 та янги олий таълим муассасаси ҳамда 12 та нуфузли хорижий олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилди.

Таълимнинг муҳим бўғини мактабгача таълим тизимидир. Кейинги икки йилда юртимизда болалар боғчалари сони 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди. Давлат – хусусий шериклик

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 25-бет.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

<sup>3</sup> Ўша манба.

асосидаги хусусий болалар масканлари икки баробар кўпайиб, ҳозирги кунда 568 тани ташкил этмоқда.

Ижтимоий давлатнинг муҳим функцияларидан яна бири – аҳолининг кам таъминланган қатламларини устувор қўллаб-қувватлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзлари таҳсинга лойиқ: “Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг бир қисмини давлат томонидан компенсация қилиш чораларини кўришимиз лозим”<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, давлат жамият миқёсида даромадларни бюджет воситасида мувозанатлашдек муҳим ижтимоий функцияни бажаради. Ўзбекистон давлати бу функцияга алоҳида эътибор қаратишига куйидаги сатрлар мисол бўлади. Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди (МДХ даги энг юқори кўрсаткич)... энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баравардан бугунги кунда 7,8 бараварга тушди. Бу ўринда жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра, 10 баравар қилиб белгиланганини айтиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасига кўра, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Юртимизда катта ёшдаги авлодга, кексаларга хурмат кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрда ўтказилган мажлисида таъкидланганидек, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш тадбирларини амалга

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. – Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

ошириш давом эттирилмоқда, ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалардан 2,0 триллиондан сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилади<sup>1</sup>. Бу йўналишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 29 мартда қабул қилинган “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида” ги қарорининг<sup>2</sup> ижросини изчил таъминлаш ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Асосий қонунимизнинг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Кейинги моддада мустаҳкамланганидек, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бунинг яна бир тасдиғи 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинганлигидир. Бу чуқур рамзий маънога, улкан маънавий-тарбиявий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳага оид қонунчилик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бу йўналишда юқоридаги конституциявий қоидалар реализациясига оид баъзи норматив ҳужжатларни мисол тарзида келтирамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни (1991 йил 18 ноябрь), “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги қонун (2008 йил 8 январь), “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида” ги қонун (2010 йил 29 сентябрь), “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонун (1993 йил 3 сентябрь), “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида” ги қонун (2014 йил 2 январь), “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” ги Президент фармони (1996 йил 10 декабрь), Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида” ги қарори (2002 йил 29 март)<sup>3</sup>,

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2015 йил 20 октябрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002, 5-6 сон, 46-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. 2002, 5-6 сон, 46-модда.

“Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори (2007 йил 29 ноябрь)<sup>1</sup> ва бошқ.

Юқоридаги йўқлама тарзидаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси салмоқли ижтимоий ва инсонпарвар мазмундаги моддаларни ўз мазмунига жо этган. Конституциямиз ўрнатган принцип ва нормалар давлатимизнинг моҳиятини, сиёсий-ижтимоий табиатини ҳам белгилаб беради. У амал қилаётган йиллар мобайнида давлатимизнинг ижтимоий йўналтирилган функциялари, инсонпарвар табиати ҳам тобора яққолроқ намоён бўлиб бормоқда. Конституция ва унинг негизида яратилган ижтимоий қонунчилик тизими ҳамда ушбу қонунчилик базасини ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ давлат функциялари йўналишларини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, давлатимиз ўз фаолияти мазмунига кўра, демократик ҳуқуқий ижтимоий давлат мартабасига тобора кўпроқ эга бўлиб бормоқда.

Давлатимизнинг ижтимоий мазмун билан йўғрилган табиати Президент Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида баён этган ижтимоий сиёсатига оид мисолларда ҳам жонли ифодасини топган. Жумладан, аҳолининг фаровонлигини ошириш мақсадида 2018 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори жиддий тарзда оширилди. Педагог ходимларнинг иш ҳақи, масалан, сўнгги ўн йилда илк мартта 50 фоизгача кўпайтирилди. Аҳолининг реал даромадлари ўтган йилга нисбатан 12 фоизга ошди. Ижтимоий дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан зиёд бизнес лойиҳалари амалга оширилди<sup>2</sup>.

Маълумки, Президентнинг тегишли фармонида биноан, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ишлайдиган барча пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда (100 фоиз) тўланиши белгиланди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. 2007, 48-49-сон, 485-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь.

аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи ҳукуматнинг доимий диққат марказидадир. Бунинг биргина мисоли: 2019 йилдан бошлаб умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишланган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақалар тури жорий этилди. Ушбу тадбир жамиятнинг умумий эътирофига ва таҳсинига сазовор бўлди десак, муболаға эмас.

Юртимизда инсон капиталига эътибор кучайиб бормоқда, таълим-тарбия соҳасига сармоя сарфлашни кўпайтиришга аҳд қилинди. Болаларни мактабгача таълим тизими қамровига жалб этиш 2019 йилда 44 фоизга, кейинги йилларда 50 ва ундан ортиқ фоизга етказишга эришилади. Мактабгача таълим ва ўрта таълим тизимида давлат-хусусий шериклик имконияларидан кенг фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилди, тегишли қонун қабул қилинди.

Мурожаатномада “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йилда унга 2 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратиш ва шу орқали 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш белгиланди.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар-жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш доимий диққат-марказидаги масаладир. Айниқса, ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш, улар учун ижтиёзли кредитлар бериш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўтган йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида арзон уй-жойлар қуриш лойиҳалари амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларда жами 3.5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Сўнгги икки йилда 1 млн. 800 минг квадрат метрдан зиёд арзон, барча қулайликларга эга уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ҳаракатлар Стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш”га оид йўналишида белгиланган устувор вазифаларни бажаришга бағишлаб тасдиқланган Давлат дастурлари ижросини таъминлаш асосида, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган 2019 йилда аҳолининг

имкон қадар кенг қатламлари тирикчилик манбаи ва зарур маблағларга эга бўлиши мақсадларидан келиб чиқиб, 370 000 янги иш ўринлари яратилди, жамоат ишлари жамғармасидан 106,2 млрд. сўм маблағ сарфланди. “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёшлар - келажагимиз” дастурлари доирасида 252,7 мингдан зиёд инсонлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди. Айни вақтда, ишсизлик нафақалари тўлаш мунтазам йўлга қўйилиб, 31,9 минг шахсга пул маблағлари тўлаб берилди. Ўтаётган йилда ушбу кўрсаткич 5,3 бароварга ошди (2018 йилда у 6,1 минг шахсга тўланган эди). Бандликка кўмаклашиш фондидан 1,3 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 1,5 минг фуқаро иш билан таъминланди.

Бу борада касб-ҳунар эгалламаган, тегишли малакаси бўлмаган шахсларни ишга жойлаш муайян қийинчиликлар туғдиради. Шунини инобатга олган ҳолда касбга йўналтириш учун Бандликка кўмаклашиш фондидан 10 млрд. сўм сарфланди.

Зарур иш ўринларини яратишда 60.455 ўринга эга бўлган 2434 та оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларини яратилиб, ишга туширилганлиги эътиборга молик бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлат – хусусий шериклик асосидаги ишлар янада фаоллаштирилди. Бугун мамлакатда боғчалар сони 9774 та бўлса, шундан 3942 таси нодавлат хусусий боғчалардир. Давлатга қарашли боғчаларда – 2 млн. 632 минг бола, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тизимида 1 066 353 (бу умумий миқдорнинг 40,5 фоизи) бола қамраб олинган.

Халқ таълими – ижтимоий соҳанинг муҳим узвий қисми. 2019 йилда халқ таълими тизимида 16.4 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, 15,2 трлн. сўм пул халқ таълими тизимида меҳнат қилувчи педагогларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланди.

Мамлакатимиз аҳолиси генофондини мустаҳкамлаш тиббий хизмат кўрсатиш тизимини сифат жиҳатдан тубдан яхшилашни назарда тутади. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишининг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Соғлиқни сақлаш концепцияси ва Дастури соҳада ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтож инсонлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароитларни яратиб

бериш давлатимиз ва жамиятимиз учун ўта долзарб, устувор аҳамиятга молиқ масаладир. Шунга кўра 2019 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 12,1 трлн. сўм маблағ ажратиш режалаштирилди. Давлат бюджетидан 1 трлн. сўмлик, шунингдек халқаро молия ташкилотлари кредитлари ҳисобидан дори-дармон ва тиббиёт буюмлари учун 120 турдиги 30 млн. долларлик асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Вилоятларда 14 та стационар ва мобил рақамли рентген, 8 та МРТ (1,5 тесла) билан жиҳозланди. Жами 581,6 млрд. сўмлик (60 фоиз) ишлар бажарилиб, 33 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

2019 йил ўн ойи ҳисобида хусусий-тиббий муассасалар сони 5100 дан ошди. Ҳозир соғлиқни сақлаш хусусий секторида 15 мингдан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари ва 13 мингга яқин шифокор-врач фаолият юритмоқда. Шу даврда 434 та янги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилди. Уларнинг 129 таси, яъни 30 фоизи вилоятлар марказларидан узоқ бўлган ҳудудларга тўғри келмоқда. Жами лойиҳаларнинг 18 таси чет эл инвесторлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Давлат ва жамиятнинг ногиронлар ва меҳнат қилиш имкониятлари чекланган аҳоли тоифаларига ғамхурлиги ҳам ортиб, тобора кенг кўлам ёзмоқда. 2019 йилнинг ўн ойи мобайнида ногиронлиги бўлган шахсларга жами – 7,9 млрд. сўмлик 9256 дона протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари етказиб берилган. Жумладан, 4258 та ногиронлик аравачаси, 1152 та эшитиш мосламаси, 1875 та ҳасса, 856 жуфт кўлтиқ таёқ, 1133 та бошқа протез-ортопедия воситалари бепул таъминлаб берилган.

Жамиятнинг эътибор ва меҳрга муҳтож бошқа аъзоларига ҳам ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Шу йил давомида 19,5 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар санаторийларда соғломлаштирилди. 3730 нафардан зиёд якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож пенсионер ва ногирон шахслар ҳар ой бепул 3567,9 млн. сўмлик 5 турдаги меъерий озиқ-овқат ва гигиена маҳсулотлари билан таъминланган (ҳар бир шахсга

бир ойда ўртача – 162 минг сўмлик моддий неъматлар, доридармонлар тўғри келган).

Она-боллар ҳаётини муҳофаза этиш ҳам жиддий ижтимоий масаладир. Таҳлил этилаётган даврда тегишли лойиҳа ва дастурлар ижроси натижасида оналар ўлими – 18.4 промиллени ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4.7 га камайган. Гўдак-болалар ўлими (динамикаси) интенсив кўрсаткичи 8.8 ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1.3 га камайган.

Республикада хотин-қизлар ҳаёт шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги маълум (2019 йил июль). Республика бўйича хотин-қизларга жами 222,6 мингта иш ўринлари яратилиб, уларнинг 213,2 минг нафари кафолатли иш ва маош билан таъминланди. Оғир турмуш шароитларида яшаётган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳудудий дастурлар доирасида – 6,7 минг хотин-қиз иш билан таъминланди. Шу жумладан, уларнинг муайян қисми касаначиликка жалб этилиб, ўз уйида меҳнат фаолиятини олиб борадилар. Уларга имтиёзли кредитлар, тикув машиналари, тўқув дастгоҳлари етказиб берилди.

Маҳаллий жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари ташаббуси билан 1,7 минг кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 13 000 нафар аёллар ва қизларнинг иш билан бандлиги таъминланди. Иш билан банд этишда оилавий боғчалар салмоғи ва нафи ортмоқда. Оилавий боғчалар сони – 1,8 мингтани ташкил қилиб, унда 5000 нафар хотин-қизлар учун иш ўринлари яратилган.

2019 йилда – 26,9 минг хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Шу тариқа 41,4 минг иш ўринлари яратишга эришилди.

Хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фаонди ҳисобидан 3 300 нафар хотин-қизга 76,7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Тижорат банклари томонидан шу мақсадларда 56,7 минг нафар хотин-қизларга 2,4 трлн. сўмлик кредитлар ажратилди.



Президентнинг иккинчи Мурожаатномасида мамлакатимизда 22 мингдан зиёд онкологик касалликка чалинган беморлар борлиги айтилган эди. Ҳукуматнинг махсус дастурларини амалга ошириш асносида Республика ва 6 та ҳудудий онкология муассасалари жами 6,5 млн. доллар қийматида 15 та 2 турдаги гамма терапия ускуналари билан жиҳозланди.

“Болалар кўптармоқли тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳаси доирасида 17 млн. доллар ҳажмида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2019 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида бошлаб республикамизга 42,3 млн. долларли 381 турдаги замонавий тиббиёт ускуналари келтирилди. Уларни самарали фойдаланиш чоралари кўрилиб, малакали медицина ходимлари тайёрлаб, фаолиятга жалб этилди.

Давлатимизнинг ижтимоий табиати ва моҳиятини намоён этувчи, исбот қилувчи бундай фактик мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, юқоридаги фактлар мазкур воқеликни ёрқин далиллаб турибди. Таҳлилимизни давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари билан яқунлаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидаги ибратли сўзларни баён этди: “Барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак: яхши яшаш учун энг аввало яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур хис этишимиз зарур. Бунга эришиш эса, фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ.

Кўзланган марраларимиз қанчалик юксак ва машаққатли бўлмасин, уларга етиш учун барча имкониятларимиз мавжуд. Аждодларимиз мероси, халқимизнинг илмий ва бунёдкорлик салоҳияти ҳамда тадбиркорлик фазилати бизга бу йўлда бекиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ  
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА**

*Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган*

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қонун ҳужжатларида касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Референдумларга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор-кидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**3-модда. Жамоатчилик назорати субъектлари**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари

томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

#### **4-модда. Жамоатчилик назоратининг объекти**

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.

#### **5-модда. Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари**

Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;

жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

#### **6-модда. Жамоатчилик назоратининг шакллари**

Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:  
давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;  
давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок  
этиш;

жамоатчилик муҳокамаси;

жамоатчилик эшитуви;

жамоатчилик мониторинги;

жамоатчилик экспертизаси;

жамоатчилик фикрини ўрганиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан  
давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва  
ахборотини эшитиш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа  
шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **7-модда. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар**

Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига  
аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга,  
шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга  
сўровлар юборишга ҳақли.

Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва  
сўровлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат  
органлари томонидан кўриб чиқилади.

Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга  
бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд  
давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни  
ташқил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса,  
чекланиши мумкин.

#### **8-модда. Давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш**

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларида  
белгиланган тартибда давлат органларининг очик ҳайъат  
мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари ўзининг очик ҳайъат мажлисларида  
жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар  
яратади.

## **9-модда. Жамоатчилик муҳокамаси**

Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳоқама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.

Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳоқама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очик ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

## **10-модда. Жамоатчилик эшитуви**

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳоқама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

Жамоатчилик эшитувини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли.

Жамоатчилик эшитувининг ташкилотчиси жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалалар, эшитувни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик эшитувининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

### **11-модда. Жамоатчилик мониторинги**

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади.

### **12-модда. Жамоатчилик экспертизаси**

Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

### **13-модда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш**

Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиши мумкин.

**14-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш**

Фуқаролар йиғини:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

### **15-модда. Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тadbирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;



давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиши шарт.

Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **16-модда. Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, муружаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;

жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт.

Давлат органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **17-модда. Жамоатчилик назоратининг натижалари**

Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда якуний ҳужжат тайёрланиши мумкин.

Якуний ҳужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

#### **18-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **19-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

#### **20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 12 апрель,  
ЎРҚ-474-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДА

*Қонунчилик палатаси томонидан  
2014 йил 18 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган*

## **1-боб. Умумий қоидалар**

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **2-модда. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари**

Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

#### **4-модда. Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари**

Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунга бўйсунуш;

тенг ҳуқуқлилиқ;

очиқлик ва шаффофлик;

ҳаммабоплиқ;

мустақиллик;

холислиқ;

ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият;

мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

#### **5-модда. Ижтимоий шериклик соҳалари**

Ижтимоий шериклик қуйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин:

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;

атроф муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

оналик ва болалиқни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий

маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш;

истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Ижтимоий шериклик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

## **2-боб. Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби**

### **6-модда. Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари**

Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар (бундан буён матнда битимлар ва шартномалар деб юритилади) тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш.

**7-модда. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат**

## **ташкilotларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки**

Давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини уларнинг розилигига кўра жалб этиши мумкин.

Давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда манфаатдор нодавлат нотижорат ташкilotларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан таклифлар тўплашни амалга оширади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслар билан чиқишда, тегишли таклифлар ва лойиҳаларни тайёрлашда иштирок этишга, шунингдек уларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишда, ишлаб чиқувчилар билан келишувга кўра, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқишда иштирок этишга, лойиҳалар юзасидан таклифларни ишлаб чиқишга, уларни тўплашни ва умумлаштиришни амалга оширишга, шунингдек ушбу таклифларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга;

биргаликда тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни

ҳал этишга қаратилган лойиҳаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан давлат органларига таклифлар киритишга;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, унинг яқунлари бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли давлат органларига киритишга ҳақли.

Давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда таклифларини кўриб чиқиши шарт.

**8-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва таъминлаш, бошқа социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил этиладиган давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ҳамда жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида белгиланган тартибда иштирок этишга ҳақли.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек ушбу лойиҳаларга доир таклифларни тайёрлашга, уларни давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларининг мажлисларида кўриб чиқиш учун киритишга;

давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларига уларнинг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш, мазкур масалаларни ҳал



этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисидаги таклифлар билан муурожаат этишга;

олдиндан келишувга кўра давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларининг мажлисларида уларнинг ваколатига киритилган масалалар юзасидан ўз вакили орқали сўзга чиқишга ҳақли.

**9-модда. Ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш**

Ижтимоий шериклик субъектлари:

конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, жамоатчилик муҳокамалари, ҳашарлар, фестиваллар, социологик сўровлар шаклида ва бошқа шаклларда биргаликда тадбирлар;

битимлар ва шартномалар тузишга, биргаликдаги лойиҳалар ҳамда режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, биргаликда тадбирлар ташкил этишга қаратилган маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиши мумкин.

Маслаҳатлашувлар ва музокаралар биргаликдаги учрашувлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларининг фикрларини сўраш, улар иштирокида давлат органлари ҳузурида ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари тузиш йўли билан ўтказилади.

**10-модда. Ижтимоий шериклик субъектлари томонидан битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш**

Ижтимоий шериклик субъектлари битимлар ва шартномалар тузиши, шунингдек биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши мумкин.

Битимлар тарафларнинг ўз зиммаларига олган ўзаро мажбуриятларидан иборат бўлиб, улар доирасида тарафлар биргаликдаги фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларини, йўналишларини аниқлайди, ижтимоий шерикликни амалга ошириш шаклларини кўрсатади.

Шартномалар ишлар бажаришни ёки хизматлар кўрсатишни, шунингдек ижтимоий шериклик субъекти томонидан моддий, шу жумладан молиявий қўллаб-қувватлашда социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутиши мумкин.

Биргаликдаги лойиҳалар ва режалар, битимлар ҳамда шартномаларни, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишга, гуманитар масалаларни ҳал этишга, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини белгилайди.

### **11-модда. Ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш**

Ижтимоий шериклик субъектлари ўз ваколатлари доирасида ўқув-услубий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватлайди.

Ижтимоий шериклик субъектлари ўз тасарруфида бўлган ва ҳамкорлик предметига тааллуқли ахборотни ёзма сўровлар асосида бир-бирига тақдим этади.

Ёзма сўровга жавоб, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, имкони борича қисқа муддатда, лекин сўров олинган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай берилиши керак.

Ижтимоий шериклик субъектлари давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни тақдим этиши мумкин эмас.

### **3-боб. Ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

#### **12-модда. Ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари**

Ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари қуйидагилардан иборат:

нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкӣ, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш;

нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалари бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш.

### **13-модда. Мулкӣ ёрдам кўрсатиш**

Ижтимоий шериклик соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида давлат мулки текин ёки имтиёзли шартларда вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига вақтинча фойдаланишга берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилиши керак.

### **14-модда. Ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услугий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш**

Ижтимоий шериклик соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услугий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

ижтимоий шериклик соҳасидаги ахборотдан эркин фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий шерикликни амалга оширишдаги иштироқи масалаларига доир услубий материалларни ишлаб чиқиш ҳамда нашр этиш;

ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда билим берувчи тадбирлар, услубий маслаҳатлар, илмий-амалий семинарлар ва конференциялар ўтказиш;

ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш.

**15-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ҳамда бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди деб юритилади) тузилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинадиган маблағларни жамлайди, бу маблағлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар масалаларни ҳал этишда уларнинг иштирок этишига қаратилган дастурларни амалга ошириш учун тақсимланишини ташкил этади;

маблағларни кейинчалик нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга тақсимлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларига йўналтиради;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳат, ташкилий, техник жиҳатдан ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан белгиланади.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида тузилади.

Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, адлия ва молия вазирликларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари орасидан раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Парламент комиссияси:

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларининг нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун тақсимланишини ташкил этади, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ва давлат органларининг таклифларини ўрганиш асосида аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқади;

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини тақсимлашда очиклик ва шаффофликни таъминлайди, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ўтказилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда, демократик кадриятларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда иштирок этиши масалаларини муҳокама қилишга жамоатчиликни жалб этади;

жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун маблағларнинг ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг (бундан буён матнда жамоат комиссиялари деб юритилади) буюртмалари асосида аниқлайди ҳамда тақсимлайди, ушбу комиссиялар фаолиятига услубий раҳбарликни таъминлайди;

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, ушбу жамоат фонди томонидан молиялаштириладиган дастурлар ҳамда лойиҳалар устидан назоратни (мониторингни) амалга оширади, ўз мажлисларида молиялаштирилаётган дастурлар ҳамда лойиҳалар амалга оширилишининг бориши ва натижалари тўғрисида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳисоботларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотини эшитади, ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришга доир зарур тавсияларни ишлаб чиқади ва топширади;

социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда нодавлат нотижорат

ташкilotларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш жараёнларига кўмаклашади;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини, жамоатчилик экспертизасини ташкил этишда давлат органларига ёрдам кўрсатади, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича тизимли ишлар олиб боради;

ижтимоий шериклик соҳасида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

бажарилган ишлар тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва Сенатига ахборот тақдим этади;

ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади.

Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг васийлик кенгаши вазифасини бажаради.

Парламент комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Парламент комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан белгиланади.

**17-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари**

Нодавлат нотижорат ташкilotларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббусларини ривожлантириш ҳамда ролини кучайтириш, шунингдек уларнинг жойларда социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фондлари тузилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари:

маҳаллий бюджетдан ва Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондидан олинадиган маблағларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жамлайди;

жамланган маблағлардан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини, уларнинг жойлардаги социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилишини ташкил этади;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга, гуманитар масалаларни ҳал этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади.

**18-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари**

Жамоат комиссиялари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, адлия ва молия органларининг, шунингдек бошқа давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари орасидан раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Жамоат комиссиялари:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ҳамда



лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга кўмаклашади, уларнинг таклифларини ўрганиш асосида ижтимоий шерикликнинг устувор йўналишларини аниқлайди;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жойларда ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган социал ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга, уларни амалга ошириш учун маблағларнинг зарур ҳажмларини аниқлашга доир тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда тегишли буюртмаларни Парламент комиссиясига юборади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари маблағларининг самарали тақсимланишини ташкил этади, шунингдек улардан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторингни амалга оширади;

тегишли ҳудудда ижтимоий, социал-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда ижтимоий шериклик ҳолатининг мониторингини ва баҳоланишини амалга оширади, зарур ҳолларда, мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштиришга доир аниқ тадбирларни ишлаб чиқади;

ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида манфаатларни келишиб олишга ва биргаликдаги фаолиятнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган маслаҳатлашувлар ҳамда музокараларни ташкил этади ва ўтказди, улар ўртасида битимлар ва шартномалар тузишга, шунингдек уларнинг ижро этилишига кўмаклашади;

ижтимоий шериклик соҳасида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади.

Жамоат комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва

фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг васийлик кенгаши вазифасини бажаради.

Жамоат комиссиялари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Жамоат комиссиялари ўз фаолиятини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган регламентга мувофиқ амалга оширади.

Жамоат комиссиясининг намунавий регламенти Парламент комиссияси томонидан тасдиқланади.

Жамоат комиссиялари фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

### **19-модда. Давлат субсидияси ва уни ажратиш тартиби**

Давлат субсидияси социал ва ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан бериладиган ҳамда аниқ лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий кўмақдир.

Давлат субсидияларидан фақат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учунгина фойдаланилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат субсидиясини олиш учун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондига буюртмалар билан мурожаат этади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг буюртмаларини умумлаштиради, субсидиялаш ҳажмларига доир таклифларни тайёрлайди ҳамда уларни Парламент комиссиясига киритади.

Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, субсидиялашнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарур ҳажмлари тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тасдиқланганидан кейин Парламент комиссиясига давлат субсидияларини тақсимлашга доир таклифларни тақдим этади.

Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг таклифлари олинганидан кейин нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратиладиган давлат субсидияларининг ҳажмларини аниқлайди.

Давлат субсидияларини ажратиш тартиби ва шартлари Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида айрим нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари учун давлат томонидан субсидиялашнинг бошқача тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **20-модда. Давлат гранти ва уни ажратиш тартиби**

Давлат гранти ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, шунингдек жамоат фондларининг маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг буюртмалари бўйича танлов асосида бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

Давлат грантларини ажратиш Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фондлари орқали амалга оширилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат

ташкiлотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари давлат грантини тақсимлаш мақсадида грант танловларини ташкил этади.

Грант танловларида ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни тақдим этган нодавлат нотижорат ташкiлотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишга ҳақлидир.

Грант танловларига тақдим этилган лойиҳаларни танлаб олиш ва ғолибларни аниқлаш Парламент комиссияси, жамоат комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Давлат гранти ажратилаётганда грант берувчи ва грант олувчи ўртасида грант ажратилганлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкiлотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат грантларини ажратиш тартиби ҳамда шартлари Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

## **21-модда. Давлат ижтимоий буюртмаси ва уни бериш тартиби**

Давлат ижтимоий буюртмаси давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкiлоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир давлат топшириғидан иборат бўлади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкiлотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари орқали, шунингдек давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат органлари ушбу Қонунда назарда тутилган ижтимоий шериклик соҳалари доирасида ўз фаолиятининг нодавлат нотижорат ташкiлотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари қўллаб-

қувватлашини талаб этадиган устувор йўналишларини белгилайди ҳамда келгуси молия йили учун давлат ижтимоий буюртмаларини бериш тўғрисида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондига ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларига буюртмалар юборди. Буюртмада давлат органи фаолиятининг устувор йўналишлари, ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир топшириқнинг мақсадлари, вазифалари ва шартлари кўрсатилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танлов ташкил этади, нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан тушган таклифларни умумлаштиради ҳамда уларни тегишинча Парламент комиссиясига, жамоат комиссияларига киритади.

Парламент комиссияси ёки жамоат комиссиялари тегишинча Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, давлат ижтимоий буюртмаларини беришнинг мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг ҳажмлари тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади, давлат буюртмачиларининг рўйхатини ва кўрсатилган маблағларни ажратиш режалаштирилаётган фаолият йўналишларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини

ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун тегишинча Парламент комиссиясига, жамоат комиссияларига тақдим этади.

Давлат ижтимоий буюртмаси берилаётганда давлат ижтимоий буюртмасини бериш тўғрисида буюртма юборган давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузилади.

Давлат органлари Парламент комиссияси, жамоат комиссиялари томонидан қўллаб-қувватланган давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча молиялаштиришни амалга ошириши мумкин. Бунда қўшимча молиялаштириш миқдори умумий молиялаштириш суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

Давлат бошқаруви органлари социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмаси бериши мумкин. Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаларини бериш давлат буюртмачиларининг рўйхати ва фаолиятнинг маблағлар ажратиш режалаштирилаётган йўналишлари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ҳузурида жамоатчилик кенгаши тузилади, ушбу кенгаш аъзоларининг ярми нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларида иборат бўлади. Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танлов ёлиби лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни

баҳолаш натижаларига кўра аниқланади. Давлат бошқаруви органи ва танловда ғолиб деб топилган нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузилади.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш, жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартиби, шунингдек танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **22-модда. Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш**

Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари;

ижтимоий шериклик субъектларининг ўз маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

## **4-боб. Ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **23-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз уставларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз аъзолари ва иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, давлат органларига тегишли таклифлар киритиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

*Олдинги тахрирга қаранг.*

коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этиш;

давлат органларига ахборот олиш тўғрисида сўровлар билан муурожаат этиш, шунингдек ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш;

ижтимоий шериклик масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш ҳақида ташаббуслар билан чиқиш, битимлар ва шартномалар тузиш тўғрисида таклифлар киритиш, битимлар ва шартномаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилишда иштирок этиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, битимлар ҳамда шартномалар, шунингдек бошқа қўшма ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**24-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги мажбуриятлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини;

ижтимоий шериклик соҳасидаги битимлар ва шартномалар, дастурлар ва лойиҳалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини;



ижтимоий шериклик доирасида фаолиятни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олиншини;

ижтимоий шериклик доирасида тақдим этилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

*Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунинг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунинг 19-моддаси.*

## **25-модда. Давлат органларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқлари**

Давлат органлари ижтимоий шериклик соҳасида:

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этишга;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда ишчи гуруҳлар ҳамда комиссиялар тузишга, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик-маслаҳат органлари ишида иштирок этишини таъминлашга;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан битимлар ҳамда шартномалар тузишга, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга, биргаликдаги тадбирларни ташкил этишга қаратилган маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказишга;

ижтимоий шериклик доирасида берилган давлат пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан мақсадли фойдаланилиши

устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширишга ҳақли.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **26-модда. Давлат органларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги мажбуриятлари**

Давлат органлари ижтимоий шериклик соҳасида:

фаолиятнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган устувор йўналишларини аниқлаши, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали аниқлаши;

нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига улар ижтимоий шерикликда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиши;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда таклифларини, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслари ҳамда таклифларини кўриб чиқиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишининг бориши бўйича зарур ҳолларда жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиши, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг уларни амалга ошириш самарадорлигини юксалтиришга доир таклифларини кўриб чиқиши;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан олдиндан маслаҳатлашувлар ҳамда музокаралар ўтказилишини таъминлаши;

ижтимоий шериклик соҳасидаги битимлар ва шартномалар, дастурлар ҳамда лойиҳалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши шарт.

Давлат органлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **27-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ижтимоий шериклик соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **28-модда. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **29-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### **30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун 2015 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2014 йил 25 сентябрь,

ЎРҚ-376-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ МЕДИАЦИЯ ТЎҒРИСИДА

*Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнда қабул  
қилинган*

*Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган*

## **1-боб. Умумий қоидалар**

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади медиация соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **2-модда. Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек яқка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### **4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

медиация — келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули;

медиатор — медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс;

медиатив келишув — медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишув;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув — тарафларнинг тузилган пайтдан эътиборан медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган келишуви;

медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув — низо келиб чиққунига қадар ёки у келиб чиққанидан сўнг тарафларнинг низои медиация тартиб-таомилини амалга оширган ҳолда ҳал этиш зарурлиги тўғрисида тузилган келишуви.

### **5-модда. Медиациянинг асосий принциплари**

Медиация махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади.

### **6-модда. Махфийлик принципи**

Медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **7-модда. Ихтиёрийлик принципи**

Медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади.

Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли.

Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга мажбурлаш тақиқланади.

## **8-модда. Тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принципи**

Медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Медиация тарафлари медиаторни, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини, медиация тартиб-таомилидаги ўз нуқтаи назарини, бу нуқтаи назарни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини танлашда, ахборот олишда, медиатив келишув шартларининг ўзаро мақбуллигини баҳолашда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида тенг мажбуриятлар бўлади.

## **9-модда. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принципи**

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл кўйилмайди.

Медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак.

### **2-боб. Медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **10-модда. Медиация иштирокчилари**

Тарафлар ва медиатор медиация иштирокчиларидир. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам медиация тарафлари бўлиши мумкин.

Медиация икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида бўлиши, шунингдек бир ёки бир нечта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тарафлар медиацияда шахсан ёки ўз вакили орқали қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этади.

### **11-модда. Медиация тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Медиация тарафлари:

медиаторни ихтиёрий равишда танлашга;

медиатордан воз кечишга;

медиациянинг исталган босқичида унда иштирок этишдан воз кечишга;

медиация тартиб-таомилини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли.

Медиация тарафлари ўз ўрталарида тузилган медиатив келишувни ушбу келишувда назарда тутилган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.

Медиация тарафлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **12-модда. Медиаторга доир талаблар**

Медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин.

Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши мумкин.

Қуйидагилар медиатор бўлиши мумкин эмас:

давлат вазифаларини бажариш учун ваколат берилган ёки унга тенглаштирилган шахс;

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўзига нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилаётган шахс.

Медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

### **13-модда. Медиаторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

Медиатор:

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида бир вақтнинг ўзида ҳам тарафларнинг барчаси билан, ҳам тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида учрашувлар ўтказишга, уларга низони ҳал этишга доир оғзаки ва ёзма тавсиялар беришга;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириши муносабати билан сарфлаган харажатларининг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Медиатор:

медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида фақат медиация тарафларининг розилиги билан ҳаракат қилиши;

низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний воситалари ва усулларидан фойдаланиши;

ўзининг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки юзага келса, бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт.



Медиатор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Медиатор тарафлар олдида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **14-модда. Профессional медиаторлар реестри**

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Профессional медиаторлар реестри юритилади, ушбу реестр уларнинг расмий веб-сайтларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Шахснинг медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши уни Профессional медиаторлар реестрига киритиш учун асос бўлади.

Профессional медиаторлар реестрида қуйидагилар бўлиши керак:

медиаторнинг фамилияси ва исми;

медиаторнинг жойлашган ери ва алоқа боғлашга доир маълумотлари;

медиатор ихтисослашган медиация соҳаси;

медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишга қодир бўлган тил ҳақидаги маълумотлар.

#### **3-боб. Медиацияни қўллаш ва медиация тартиб-таомилини амалга ошириш**

##### **15-модда. Медиацияни қўллаш шартлари**

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади.

Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Медиация низони ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиация суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилган тақдирда фаолиятини профессионал асосда амалга оширувчи медиаторнинг албатта иштирок этиши талаб этилади.

Медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

### **16-модда. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув**

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда низо предмети ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

### **17-модда. Давлат органининг иш бўйича медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари**

Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомили амалга оширилган тақдирда, уни амалга ошириш даврида ижро ишини юритиш тўхтатиб турилади.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади.

Судда иш кўзғатилганидан кейин медиация тартиб-таомилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал қонун ҳужжатларида белгиланади.

Суд муҳокамаси жараёнида, низони ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг иш юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади.

Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув ижро ҳужжати ўз иш юритувида бўлган давлат ижрочисига дарҳол юборилади.

Низо медиатив келишув билан медиация тартибида хал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно.

**18-модда. Давлат органи иштирокидаги низода медиацияни қўллаш**

Давлат органи иштирокида низо келиб чиққан тақдирда, давлат органи медиацияни қўллаш бўйича чоралар кўриши керак.

**19-модда. Медиация тартиб-таомилининг бошланиши**

Медиация тартиб-таомили медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида тарафлар томонидан келишув тузилган кундан эътиборан бошланади.

**20-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув**

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда:

тарафлар ҳақидаги;

низо предмети тўғрисидаги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, медиатор, тарафлар томонидан келишилган мажбуриятлар, уларни бажариш шартлари ва муддатлари ҳақидаги;

медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган тил, жой ва сана тўғрисидаги;

медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган муддат ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

### **21-модда. Даъво муддатининг ўтишини тўхтатиб туриш**

Медиация тартиб-таомили амалга оширилаётганда даъво муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

### **22-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби**

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун тарафлар ўзаро келишувга кўра бир ёки бир неча медиаторни танлайди.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, қоида тариқасида, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади.

Медиация тартиб-таомили амалга оширилаётганда медиатор ўзининг ҳаракатлари билан бирор-бир тарафни устун ҳолатга кўйишга, худди шунингдек тарафлардан бирининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга ҳақли эмас.

### **23-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати**

*Олдинги тахрирга қаранг.*

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади. Бунда медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугалланиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши керак. Зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати кўпи билан ўн беш кунни ташкил этади.

#### **24-модда. Медиациянинг тугатилиши**

Медиация қуйидаги ҳолатлар муносабати билан тугатилади:

тарафлар томонидан медиатив келишув тузилганлиги;

низо хусусида ўзаро мақбул бўлган қарорга эришиш имконияти йўқлиги;

мавжуд ихтилофлар бўйича келишувга эришмай туриб медиацияни тугатиш тўғрисида тарафларнинг келишуви тузилганлиги (медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида ёзма келишув мавжуд бўлган тақдирда);

бирор-бир тарафнинг медиацияни давом эттиришдан воз кечишни маълум қилганлиги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари ўтганлиги.

#### **25-модда. Медиацияни қўллаш чоғидаги чекловлар**

Медиацияни қўллаш чоғида медиатор:

айни бир низо бўйича бирор-бир тарафнинг вакили бўлишга, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва унинг иштирок этишига ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги бўлган ҳоллар мустасно;

бирор-бир тарафга юридик, маслаҳат ёрдами ёки бошқа ёрдам кўрсатишга;

агар у медиацияни амалга ошириш натижасидан шахсан (бевосита ёки билвосита) манфаатдор бўлса, шу жумладан тарафлардан бири бўлган шахс билан қариндошлик муносабатларида бўлса, медиатор фаолиятини амалга оширишга, бундан унинг иштирок этишига ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги бўлган ҳоллар мустасно;

тарафларнинг розилигисиз низонинг моҳияти бўйича ошкора баёнотлар беришга ҳақли эмас.

#### **26-модда. Медиацияга тааллуқли ахборотнинг махфийлиги**

Тарафлар, медиатор, шунингдек медиация тартиб-таомилини амалга оширишда ҳозир бўлган бошқа шахслар муҳокаманинг

медиация предмети бўлган низо билан боғлиқ бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, агар тарафлар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, муҳокама жараёнида:

тарафлардан бирининг медиацияни қўллаш тўғрисидаги таклифи ҳақидаги, худди шунингдек тарафлардан бири уни амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлиги тўғрисидаги;

низони ҳал этиш эҳтимоли хусусида тарафлардан бири билдирган фикрлар ёки таклифлар ҳақидаги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш жараёнида тарафлардан бири томонидан билдирилган эътирофлар тўғрисидаги;

тарафлардан бири медиаторнинг ёки иккинчи тарафнинг низони ҳал этиш ҳақидаги таклифини қабул қилишга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ҳавола қилишга ҳақли эмас.

### **27-модда. Медиацияга тааллуқли ахборотни медиатор томонидан ошкор қилиш шarti**

Агар медиатор тарафларнинг биридан медиацияга тааллуқли ахборотни олган бўлса, у бу ахборотни фақат уни тақдим этган тарафнинг розилиги билан бошқа тарафга ошкор қилиши мумкин.

### **28-модда. Медиаторнинг фаолиятига ҳақ тўлаш**

Профессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти ҳақ эвазига ёки текин амалга оширилиши мумкин.

Нопрофессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти текин амалга оширилади.

Нопрофессионал медиаторга унинг медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатларининг, шу жумладан низони кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун йўл ҳақи, яшаш ва овқатланиш харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

Ҳақ тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш тарафлар томонидан, агар улар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, тенг улушларда амалга оширилади.

Медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишни рад этган тақдирда, у медиация тарафлари томонидан ўзига тўланган пул маблағларини қайтариб бериши шарт.

### **29-модда. Медиатив келишув**

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан қайси шахснинг манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган бўлса, ўша шахс мазкур давлат органининг ёки бошқа органнинг иштирокисиз медиатив келишув тузишга ҳақли.

Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади.

Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли.

Медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу келишувнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

##### **30-модда. Низоларни ҳал этиш**

Медиация соҳасида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

##### **31-модда. Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

##### **32-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

##### **33-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 3 июль,

ЎРҚ-482-сон



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДА

*Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 26 апрелда қабул  
қилинган*

*Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган*

## **1-боб. Умумий қоидалар**

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши маҳсулот тақсимооти тўғрисидаги битимларга ва давлат харидлари соҳасига нисбатан татбиқ этилмайди.

### **2-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат-хусусий шериклик** — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

**давлат-хусусий шериклик лойиҳаси** — иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

**давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси** — давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан

тайёрланадиган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, ушбу лойиҳанинг қийматини ва тавсифини белгилайдиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини, асосий тавсифномалари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат;

**давлат-хусусий шериклик объекти** — лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

**давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланилиши учун тўлов** — давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганлик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

**давлат шериги** — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкilotлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади;

**фойдаланганлик учун тўлов** — товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинадиган тўловлар;

**хусусий шерик** — Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим

тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси.

**4-модда. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари**

Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;

давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;

хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;

камситишга йўл қўймаслик;

коррупцияга йўл қўймаслик.

**5-модда. Давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги принципи**

Давлат шериги ва хусусий шерик тенг тарафлардир.

**6-модда. Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги принципи**

Давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари манфаатдор шахслар учун очиқ, шаффоф ва тушунарли бўлиши керак.

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт.

**7-модда. Хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик принципи**

Хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик танловга кўра саралаб олиш механизмларидан фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик қоидалари ҳамда тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ва холис ҳамда асослантирилган мезонлар асосида мақбул вариант фойдасига қарорлар қабул қилишдаги ҳалоллик ва шаффофлик ҳисобига таъминланади.

**8-модда. Камситишга йўл қўймаслик принципи**

Камситишга йўл қўймаслик қуйидагиларни таъминлаш орқали кафолатланади:

тендер тартиб-таомиллари иштирокчилари ҳуқуқларининг тенглиги;

хусусий шерикни танлашдаги холислик;

хусусий шерикни танлашдаги очиқлик.

Хусусий ташаббускорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга, шу жумладан чет эллик хусусий ташаббускорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тенг ҳуқуқлар, фаолиятнинг камситиш хусусиятига эга чоралар қўлланилишини истисно этувчи ҳуқуқий режими кафолатланади.

### **9-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи**

Давлат-хусусий шериклик қоидалари ва тартиб-таомилларига доир талаблар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги ҳамда коррупциянинг ва коррупцияга сабаб бўлувчи омилларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таъминлаши керак.

### **2-боб. Давлат-хусусий шериклик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

#### **10-модда. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

мавжуд ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга, тиклашга, ундан фойдаланишга, уни сақлашга кўмаклашиш;

ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишни кенгайтириш;

хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш;

давлат-хусусий шерикликнинг институционал-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун давлат шеригини белгилайди;

давлат-хусусий шериклик соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлайди;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритиш тартибини белгилайди.

**12-модда. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

давлат-хусусий шериклик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлайди;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепцияларини ишлаб чиқишда вазирликларга, давлат қўмиталарига, идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;

инвесторлар, халқаро молия ва донорлик ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, шунингдек давлат-хусусий шерикликнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил этади;

давлат-хусусий шериклик соҳасида услубий ҳужжатларни, қўлланмалар ва йўриқномаларни тайёрлайди;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг техник-иқтисодий параметрларига доир шарҳларни кўриб чиқади ва тақдим этади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлашга ва амалга оширишга кўмаклашади;

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради;

умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади;

тендер ҳужжатларининг ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг лойиҳаларини келишиб олади;

давлат-хусусий шериклик соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

давлат-хусусий шериклик масалалари юзасидан тушунтиришлар беради;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бажарилишининг бориши юзасидан мониторингни амалга оширади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш учун маслаҳатчиларни жалб этади.

### **3-боб. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **13-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари**

Давлат шериги ва хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафларидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини молиялаштирувчи молиявий ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар ҳам давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари бўлиши мумкин.

Давлат шериги томонидан ваколат берилган давлат корхоналари ва (ёки) ташкилотлар давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шеригининг мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун давлат шериги тўлиқ жавобгар бўлади.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир неча ташкилотга топшириши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун хусусий шерик тўлиқ жавобгар бўлади.

#### **14-модда. Давлат-хусусий шериклик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат шериги:

хусусий шерикдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартлари бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот сўраш ва олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини назорат қилишга ва давлат-хусусий шериклик

лойиҳаларининг амалга оширилиши натижаларини баҳолашни амалга оширишга;

қонун ҳужжатларига ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш доирасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича хусусий шерик айби билан юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш учун маслаҳатчиларни жалб қилишга ҳақли.

Давлат шериги:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши;

тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатларини бериши, уларга тендер ҳужжатлари қоидаларини тушунтириши;

тендер иштирокчиларига давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланилаётган жой ва объект билан танишиб чиқиш учун зарур шароитларни таъминлаши;

фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулкни хусусий шерикка эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланишга бериши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномаларни олишда хусусий шерикка кўмаклашиши;

ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик тўғрисида тузилган битимларнинг кўчирма нусхаларини, шу жумладан битимларга доир иловаларни, ўзгартишларни ёки қўшимчаларни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёхуд тегишли ўзгартишлар ёки қўшимчалар имзоланган санадан эътиборан йигирма календарь кун ичида тақдим этиши;

хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ўз инвестициялари ва даромадларини эркин бошқариш ҳамда тасарруф этиш ёки активларини ва амалга ошираётган фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишга доир ҳуқуқларини чекламаслиги;



хусусий шерик ёки хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга аралашмаслиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

Хусусий шерик:

давлат шеригидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритишга;

давлат шеригининг айби билан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Хусусий шерик:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзига берилган ер участкасини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

#### **4-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш ва тайёрлаш**

##### **15-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш**

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси давлат органи (ташкilotи) (бундан буён матнда давлат ташаббускори деб юритилади) ва (ёки) яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс (бундан буён матнда хусусий ташаббускор деб юритилади) томонидан ташаббус қилиниши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқишни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини баҳолаш, келишиш ва тасдиқлаш учун тегишли давлат органига юборишни;

ваколатли давлат органи томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини кўриб чиқишни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини ваколатли давлат органи томонидан маъқуллашни, рад этишни ёки маромига етказиш учун қайтаришни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг келишиб олинган концепциясининг давлат шериги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланишини;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ваколатли давлат органи томонидан Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритишни ўз ичига олади.

### **16-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини давлат ташаббускори томонидан тайёрлаш**

Давлат ташаббускори давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини, қоида тариқасида, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ўз ваколати соҳасига кирувчи устувор йўналишлари бўйича ишлаб чиқади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг оқилоналиги ва самарадорлигини ҳамда бу лойиҳани амалга ошириш мақсадида унинг мақбул шаклини аниқлашни таъминловчи дастлабки молиявий ҳисоб-китоблар асосида, хусусан:

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ хусусий шерик томонидан лойиҳалаштирилаётган, барпо этилаётган, молиялаштирилаётган, реконструкция қилинаётган, фойдаланилаётган ёки хизмат кўрсатилаётган давлат-хусусий шериклик объектининг таркиби ва параметрлари;

хусусий шерикнинг кутилаётган инвестициялари ҳажми ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларидан тахмин қилинаётган молиялаштириш ҳажми;

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг мажбуриятлари;  
хусусий шерикка кўрсатиладиган давлат кўмагининг турлари;  
музокаралар ўтказиш муддатлари;

давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланган ҳолда тақдим этиладиган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) фойдаланиш шартлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Аҳолининг, товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчиларнинг, улардан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш жамоатчилик муҳокамалари билан бирга олиб борилиши керак.

### **17-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини хусусий ташаббускор томонидан тайёрлаш**

Хусусий ташаббускор давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқишга ва потенциал давлат шеригига тақдим этишга ҳақли. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси мавжуд муаммоларни ҳал қилишга доир инновацион ёндашувни ўз ичига олиши ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаши керак.

Хусусий ташаббускор давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тақдим этишдан олдин дастлабки муҳокама ўтказиши, шунингдек потенциал давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида ахборот алмашиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини олган потенциал давлат шериги унинг амалга оширилишини маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади.

Хусусий ташаббускорнинг умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепцияси маъқулланган тақдирда, потенциал давлат шериги ушбу концепцияни ваколатли давлат органига келишиш учун юборади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

хусусий ташаббускорнинг талабгорларга нисбатан қўйиладиган, ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаганлиги;

потенциал давлат шеригида давлат-хусусий шериклик объектига нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқининг ёки оператив бошқарув ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги;

давлат-хусусий шериклик объектини лойиҳалаштириш, куриш, барпо этиш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш заруриятининг мавжуд эмаслиги;

лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги ва (ёки) бунга ижтимоий эҳтиёжнинг мавжуд эмаслиги.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланган тақдирда, потенциал давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ҳамда бошқа талабгорларга давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини ўзининг расмий веб-сайтида, ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа махсус веб-сайтларда беш календарь кун ичида эълон қилади.

Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида потенциал давлат шеригига бирор-бир яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, потенциал давлат шериги ушбу Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилади ва хусусий ташаббускор билан музокараларни ўтказишга киришади, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишади ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишиб олинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида хусусий ташаббускор билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида тендер ўтказмаган ҳолда битим тузади.

Агар бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилса, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикни аниқлаш тендер асосида амалга оширилади.

Хусусий ташаббускорга давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни давлат-хусусий шериклик лойиҳаси умумий қийматининг бир фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тендернинг ғолиби ёки захирадаги ғолиби ҳисобидан қопланиши мумкин.

### **18-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш**

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланганидан ва у Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритилганидан кейин давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади.

### **19-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри**

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги

маълумотларни ва ахборотни ўз ичига олган ягона ахборот тизимидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри ваколатли давлат органи томонидан юритилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **20-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги ахборот**

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг концепцияси, хусусий шерикларни танлаб олиш шартлари ва мезонлари ҳақидаги ахборот, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг асосий қоидалари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнлари ҳақидаги маълумотлар давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши керак.

### **5-боб. Хусусий шерикни танлаш**

## **21-модда. Давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер**

Давлат шериги тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича аниқланадиган хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Тендерлар бир босқичли ёки икки босқичли бўлиши мумкин.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган концептуал қарорлар ва шартлар асосида батафсил техникавий таклиф ва тижорат (молиявий) таклифи, баҳоси (тарифи) албатта кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилган буюртмалари (таклифлари) кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар

билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан расмий буюртмалар ва тендер буюртмаларини (таклифларини) олиш;

тендер ҳужжатлари тўпламини тақдим этиш;

талабгорларнинг тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш;

тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш;

тендернинг ғолибини ва захирадаги ғолибини аниқлаш;

тендер ғолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер ғолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Тендерда иштирок этиш учун тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидадан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.

Икки босқичли тендер дастлабки малакани аниқлаш ва тендер ғолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

Икки босқичли тендер қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда буюртмалар кўриб чиқилади ҳамда тендер ҳужжатлари шартларида кўрсатилган концептуал ва техник ечимлар асосида ишлаб чиқилган тендер таклифлари баҳоланади. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади;

иккинчи босқичда тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо (тариф) албатта кўрсатилган

ҳолда киритилган техникавий таклифларни ва тижорат (молиявий) таклифлари кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорлардан тендерда иштирок этиш учун расмий буюртмалар олиш;

тендерда иштирок этиш учун манфаатдор шахслар доирасини белгилаш;

давлат шериги томонидан тендерда иштирок этиш учун талабгорларга дастлабки малака ҳужжатларини юбориш;

талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йиғиш ва баҳолаш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш;

тендерда иштирок этиш учун давлат шериги томонидан тендер ҳужжатларини ва тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишга доир сўров юбориш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан техникавий таклифларни ва тижорат (молиявий) таклифларини тақдим этиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорларнинг тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш;

тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш;

тендернинг ғолибини ва захирадаги ғолибини аниқлаш;

тендер ғолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер ғолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Дастлабки малакалашда иштирок этиш учун буюртмалар йиғиш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Дастлабки малакалашни ўтказиш учун камида иккита талабгорнинг иштирок этиши зарур.



Ғолибни танлаб олиш босқичида давлат шериги дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этиш ҳақида сўровни ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини юборади.

Тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш учун сўнгги муддат тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва у дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер буюртмасини (таклифини) тақдим этишга ҳақли эмас. Талабгор тендер комиссиясига тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этиш муддати тугагунига қадар исталган вақтда тендер буюртмасини (таклифини) ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат ичида ўтказилади. Буюртмаларни (таклифларни) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир тендер мезони бўйича амалга оширилади.

Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси талабгорларни тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилигини тасдиқлаш учун чақириш ҳуқуқига эга. Тендер яқунларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ишончли шахслари иштирок этиши мумкин.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер буюртмаларини (таклифларини) тендер таклифларининг сўрови талабларига номувофиқ деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тендер комиссияси тендер ғолиби тўғрисидаги ахборотни давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, бундан ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

## **22-модда. Тендер ҳужжатлари**

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказишни тартибга солувчи тендер ҳужжатларини тайёрлайди, ваколатли давлат органи билан келишади, тасдиқлайди.

Тендер ҳужжатларида куйидагилар акс эттирилиши керак:

талабгорларнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга доир талаблар;

давлат-хусусий шериклик объектининг жойлашган ери;

давлат-хусусий шериклик объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари;

давлат-хусусий шериклик объектини лойиҳалаштириш, куриш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш муддатлари;

давлат-хусусий шериклик объекти ёки хусусий шерик томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатининг кўрсаткичлари ёки унга доир энг кам талаблар;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бажариш мақсадида давлат шериги томонидан хусусий шерикка бериладиган молиялаштириш ҳажми, мол-мулкнинг ёки мулкрий ҳуқуқларнинг рўйхати;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ўз зиммасига олаётган хавф-хатарлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг параметрлари акс эттирилиши керак бўлган валюта ва уларни таққослаш ва баҳолаш мақсадида ягона валютага келтириш учун ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган валютанинг курси;

тендер мезонларининг тавсифи;

тендер буюртмаси (таклифи) бериладиган тилга доир талаблар;

тендер буюртмасининг (таклифининг) мазмуни, тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш ва уларнинг амал қилиш усули, жойи, муддатлари;

тендер буюртмасига (таклифига) доир таъминот киритиш шартлари;

тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш тартиб-таомиллари, жойи, санаси ва вақти.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси тендер ҳужжатларининг ажралмас қисмидир.

Давлат шериги ваколатли давлат органи билан келишувга кўра тендер ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир. Давлат шериги тендер ҳужжатларига ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш календарь кундан кечиктирмай барча талабгорларни тендер ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар ҳақида хабардор қилиши шарт. Бунда талабгорлар тендер буюртмаларида (таклифларида) ушбу ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчаларни ҳисобга олиши учун тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишнинг сўнгги муддати давлат шериги томонидан ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилади.

### **23-модда. Тендер мезонлари**

Тендер мезонлари аниқ бўлиши ва унда камситувчи қоидалар бўлмаслиги керак.

Талабгор давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдириш учун тендерда иштирок этганда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ва (ёки) моддий, техник ресурсларга ва (ёки) малакали меҳнат ресурсларига эга бўлиши;

мавжудлиги манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.

Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ва (ёки) банкротлик босқичида бўлган талабгорларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Тендер ғолибини танлаб олиш босқичида фойдаланиладиган мезонларда қуйидагилар назарда тутилади:

давлат шериги ва хусусий шерик томонидан амалга ошириладиган тўловларнинг ҳажми;

энг юқори нархлар ва тарифлар;

хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бажариш учун жалб этиладиган маблағлари ҳажми;

хусусий шерикни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми ва турлари;

давлат-хусусий шериклик объектини лойиҳалаштириш ва (ёки) куриш, барпо этиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш муддати;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг техник ва технологик афзалликлари, функционал ва инновацион тавсифлари.

#### **24-модда. Тендер комиссияси**

Давлат шериги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссиясини шакллантиради.

Тендер комиссияси таркибига давлат шеригининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ва ваколатли давлат органининг вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

Давлат шеригининг вакили тендер комиссияси раисидир. Ваколатли давлат органининг вакили тендер комиссияси таркибида маслаҳат овози билан иштирок этади.

Тендер комиссияси аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак.

Тендер комиссияси, агар мажлисда унинг аъзолари умумий сонининг камида етмиш беш фоизи ҳозир бўлса, қарорлар қабул

қилиш ҳуқуқига эга, бунда тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Тендер комиссиясининг қарорлари тендер комиссиясининг овоз берган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тендер комиссияси ўз мажлисларининг баённомаларини юритади, баённомалар унинг мажлисларда ҳозир бўлган барча аъзолари томонидан имзоланади.

Тендер комиссияси аъзосида мажлисга чиқарилган масалалар юзасидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у ўз номзодини қайтариб олишини билдириши ва ушбу масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

### **25-модда. Тўғридан-тўғри музокаралар**

Тарафлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни давлат шеригининг қарорига мувофиқ куйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан тузиши мумкин:

давлатнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашда;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг зарурий шарти ҳисобланган интеллектуал фаолият натижаларига доир мутлақ ҳуқуқлар, бошқа мутлақ ҳуқуқлар, ер участкаси, бошқа кўчмас мол-мулк объекти ва ўзга мол-мулк муайян шахсга тегишли бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари билан белгиланган ҳолларда.

### **6-боб. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим**

**26-модда. Тендер ёлиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш**

Давлат шериги тендер ҳужжатларида баён этилган шартлар, муддатлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ тендер ёлиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Агар тендер ғолиби тендер хужжатларида назарда тутилган муддат тугаганидан кейин давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзоламаса ёки тендер комиссияси томонидан тендер ғолиби такдим этган ахборотнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, тендер комиссияси уни дисквалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва тендернинг захирадаги ғолибини ғолиб деб топади ҳамда унга тендер ғолибини дисквалификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичида ғолиб шартлари асосида давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузишни таклиф этади. Тендер комиссияси томонидан тендернинг захирадаги ғолибига давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш ҳақидаги таклиф юборилган санадан эътиборан ўттиз календарь кун ичида ундан ижобий жавоб олинмаган тақдирда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер эълон қилади.

### **27-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг асосий шартлари**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва шартларда давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган хужжатдир.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг предмети ҳақидаги;

тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги;

давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида хавф-хатарларнинг тақсимланиши ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ бошқа ўтказилган ёки лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, ундан фойдаланилиши ва унга хизмат кўрсатилиши

лозим бўлган давлат-хусусий шериклик объектларининг тавсифи, улардан фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари тўғрисидаги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муддатлари ва тартиби ҳақидаги;

тарафларнинг тегишли инфратузилмага нисбатан ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича ҳуқуқларини тақсимлаш тўғрисидаги, шунингдек уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун талаб этиладиган ер участкаларини бериш тартиби ва тартиб-таомили тўғрисидаги, ер участкаларига тааллуқли бошқа шартлар ҳақидаги;

хусусий шерик томонидан бериладиган товарларга, бажариладиган ишларга, кўрсатиладиган хизматларга доир нархларни, тарифларни белгилаш ва уларни ўзгартириш шартлари тўғрисидаги;

тарафларнинг ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш усуллари, миқдорлари ва муддатлари ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг муддати, бу муддатни белгилаш тартиби ҳақидаги;

ҳақ тўлаш, эркин фойдаланилиш учун тўлов, фойдаланганлик учун тўлов, хусусий шерикнинг давлат шеригига тўловининг ва (ёки) бошқа тўловларнинг шакллари, миқдорлари, муддатлари, шартлари, уларни тўлаш тартиби, шу жумладан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилиши муносабати билан даромадларнинг тақсимланиши ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тугатиш асослари, тартиби ва шартлари, муддатидан олдин тугатилганлик учун тўлов миқдори ва тартиби ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги;

суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар ҳақидаги;

лойиха ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги;

тарафларнинг давлат-хусусий шериклик ҳақидаги битимга доир мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги;

низоларни ҳал этиш тартиби ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга олиш ва меҳнатдан фойдаланишга нисбатан қўлланиладиган шартлар тўғрисидаги;

ишонтиришлар ва кафолатлар ҳақидаги;

хусусий шерикнинг улушларига эгалик қилишга нисбатан талаблар ва хусусий шерикнинг ҳамда унинг аффилланган шахсларининг мол-мулкига нисбатан бошқа мулкый ҳуқуқлар тўғрисидаги;

махфийлик ҳақидаги;

атамалар ва уларга доир тушунтиришлар тўғрисидаги.

**28-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати уч йилдан кам бўлмаслиги ва қирқ тўққиз йилдан ошмаслиги керак.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафлари битимнинг амал қилиш муддатини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган ҳолларда ва шартлар асосида, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида узайтириш ёки қисқартириш ҳақида келишиб олиши мумкин.

**29-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор қилиш асослари**

Агар қонун ҳужжатларида ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафларнинг келишувига кўра ёхуд суднинг қарорига биноан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.



Тарафлардан бирининг талабига биноан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим фақат қуйидаги ҳолларда суднинг қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

бошқа тараф давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни жиддий равишда бузган тақдирда;

қонун ҳужжатларида ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тарафлардан бирининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бузиши бошқа тараф учун у давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш чоғида мўлжаллашга ҳақли бўлган нарсадан сезиларли даражада маҳрум бўладиган тарзда зарар етказилишига сабаб бўладиган бузилиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг жиддий бузилиши деб эътироф этилади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бажариш тўлиқ ёки қисман бир томонлама тарзда рад этилган тақдирда, бундай рад этишга қонунда ёки битимда йўл қўйилса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бекор қилинган деб ҳисобланади.

### **30-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун жалб қилинган мол-мулк**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим давлат шеригининг давлат-хусусий шериклик объектини ташкил этувчи мол-мулкни ва (ёки) давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкни хусусий шерикка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш учун ўтказиш мажбуриятини назарда тутиши мумкин. Бундай ўтказиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим асосида амалга оширилади. Бундай ўтказиш учун қўшимча шартномаларни ёки битимларни имзолаш талаб этилмайди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг мулк ҳуқуқига эга бўлган тарафлари бундай ҳуқуқларни, шу жумладан ер участкаларининг, бошқа кўчмас, шунингдек кўчар мол-мулкнинг ва номоддий активларнинг ижарасига бўлган ҳуқуқни, уларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган доирада, бошқа

мулкий ҳуқуқлар билан бир қаторда бир-бирига бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

### **31-модда. Ер участкаларини бериш**

Давлат-хусусий шериклик объекти жойлашган ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланадиган муддатга берилади.

Ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун шартнома асосида танлов ўтказмасдан берилади.

Давлат шериги томонидан хусусий шерикка ер участкасини ёки унга бўлган ҳуқуқларни беришга доир мажбуриятнинг бажарилмаганлиги хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бир томонлама бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тугатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун берилган ер участкасига нисбатан шартномавий муносабатларни тугатиш учун асос бўлади.

### **32-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафларининг мулкий жавобгарлиги**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қонунга мувофиқ мулкий жавобгар бўлади.

Тарафлардан бири давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бошқа тараф етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлади.

### **33-модда. Давлат-хусусий шериклик объектига бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш тартиби**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида лойиҳалаштирилган, барпо этилган, молиялаштирилган, реконструкция қилинган, фойдаланилаётган ва хизмат кўрсатилаётган давлат-хусусий шериклик объектига бўлган

мулк ҳуқуқларини давлат шеригига ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш органига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ хусусий шерикка ўтказиш тартибини белгилайди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда давлат-хусусий шериклик объектига бўлган мулк ҳуқуқларини ўтказиш пайти, хусусан:

давлат-хусусий шериклик объекти фойдаланишга топширилган пайт;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати тугалланган пайт;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган бошқа вақт кўрсатилиши керак.

### **7-боб. Хусусий шерик ва кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилиш**

#### **34-модда. Хусусий шерик ҳуқуқларининг кафолатлари**

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари давлат-хусусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартларини ёмонлаштира, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида хусусий шерикка нисбатан битимни тузиш санасида амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси янги қонун ҳужжатларининг давлат-хусусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартларини яхшилайдиган қоидаларини ўз хоҳишига кўра қўллаш ҳуқуқига эгадир.

#### **35-модда. Кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилиш**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кредитор ҳуқуқларининг кафолатларини таъминловчи қоидалар, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда кредиторларга тўланадиган компенсациянинг миқдорлари назарда тутилиши мумкин.

Хусусий шерик ўз кредиторларига таъминотнинг ҳар қандай турини ёки шаклини тақдим этиши, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва ушбу битимни бажариш учун

тузилган битимлар бўйича ўз ҳуқуқларини, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси таркибига кирувчи ҳуқуқларни, активларни, акциялар гаровини, ҳуқуқларнинг гаровини ёки бу ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечишини, мазкур битим бўйича ўзига тегишли бўлган фойдани ва суммаларни бериши мумкин.

Кредитор ва давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан хусусий шерикни ёки унинг раҳбариятини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган шартларга мувофиқ четлаштиришга ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган шартларга мувофиқ уни янги хусусий шерикка алмаштиришга ёки унинг раҳбариятини алмаштиришга ҳақли.

Янги хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ ишларни яқунлаш ва (ёки) хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган талабларга жавоб бериши керак. Хусусий шерик янги хусусий шерикка алмаштирилган тақдирда тендер ўтказилмайди.

#### **8-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши соҳасида мониторинг ва ҳисобдорлик**

##### **36-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда битим тарафларининг давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотни алмашишга тааллуқли мажбуриятлари назарда тутилади.

Ваколатли давлат органи давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бажарилишининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларига риоя этилиши нуқтаи назаридан мониторингини амалга оширади. Хусусий шерик мониторингни амалга ошириш мақсадлари учун давлат-хусусий шериклик объектларига кирилишини ва тегишли ҳужжатлардан фойдаланилишини таъминлаши шарт.

##### **37-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳисобдорлик**

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни ваколатли давлат органига

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари томонидан имзоланган ҳолда ҳар олти ойда тақдим этади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш тартиби ва унинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**9-боб. Давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари**

**38-модда. Давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш турлари**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида хусусий шерикларга қуйидаги молиявий қўллаб-қувватлаш турлари тақдим этилиши мумкин:

субсидиялар, шу жумладан хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муайян миқдорини ёки бир қисмини истеъмол қилганлик ёки улардан фойдаланганлик учун тўловга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси бюджетлари тизимининг бюджет маблағлари;

бюджет ссудаларини, қарзларини, грантларини, кредит линияларини ва молиялаштиришнинг бошқа турларини бериш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари;

солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар;

бошқа кафолатлар ва (ёки) компенсациялар.

**39-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича тўловлар**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда фойдаланганлик учун тўловлар, эркин фойдаланилиш учун тўловлар ва бошқа тўловлар назарда тутилиши мумкин.

Эркин фойдаланилиш учун тўловларга ажратиладиган бюджет маблағлари, бошқа тўловлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг бутун амал қилиши давомида тегишли бюджетнинг харажатлар қисмида ҳар йили назарда тутилади.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шеригига тўловларни қуйидагича амалга ошириши мумкин:

даврий асосда тўланадиган, қатъий сумма тарзида;

бир йўла тўлов тарзида;

хусусий шерикнинг фаолиятдан келадиган ўзига тегишли бўлган ҳар қандай даромаднинг муайян қисми тарзида.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда тўловларнинг ҳар хил турлари биргаликда назарда тутилиши мумкин.

### **10-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **40-модда. Низоларни ҳал этиш**

Давлат-хусусий шериклик соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **41-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **42-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ваколатли давлат органи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

#### **43-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**44-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 май,  
ЎРҚ-537-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ  
ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий кадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.



Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмапти.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтиришдемократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир!” деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва

ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий кадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юримдик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юримдик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

2. “Юксак ҳуқуқий маданият - мамлакат тараққиёти кафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча

қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс - оила - маҳалла - таълим муассасаси - ташкилот - жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.

4. Қуйидагилар:

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда - “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Концепцияда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш, уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганиш,

шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда қўшимча ҳуқуқий маълумотлар (юримдик луғат, ҳуқуқий адабиётлар электрон майдончаси, қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси бўйича онлайн форум ва бошқалар) етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш;

аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш;

умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўламини янада кенгайтириш;

аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган ҳуқуқий масалалар юзасидан савол-жавоб тарзидаги қўлланмаларни тайёрлаш ва хонадонларга бепул тарқатиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича олиб бораётган фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида “Бола ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” мавзусидаги машғулотларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўргазмали тарзда тизимли жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ва тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизмининг жорий этсин, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

2019 йил 1 мартга қадар ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилсин;

ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва

идоралар билан биргаликда икки ой муддатда таълим муассасаларида турли ҳуқуқбузарликлар, қоидабузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимининг ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин;

2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали яратилишини тўлиқ яқунласин;

уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

доимий равишда энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган масалаларни белгилаб, аниқ дастурлар асосида улар бўйича манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширсин, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш борасида аҳоли турли қатламларининг фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб борсин;

икки ой муддатда ёшидан келиб чиқиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тизимли равишда амалга ошириладиган “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасини жорий этсин;

бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқсин;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиб борсин;

зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, хорижий экспертларни Концепция ва “Йўл харитаси”ни самарали амалга оширишда иштирок этишга, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилишга ва натижаси бўйича зарур чора-тадбирларни белгилашга кенг жалб қилсин;

Концепция ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

Концепция ва “Йўл харитаси”ни амалга ошириш жараёнининг самарали мувофиқлаштирилиши ва мониторинги, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига доимий равишда ахборот бериб борсин;

икки ой муддатда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, педагогик-психологик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб борсин.

15. Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш билан боғлиқ

лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмасини бериши мумкин.

16. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Фармондан келиб чиқадиган ҳуқуқий-маърифий тадбирларни амалга оширишга қаратилган маблағларни ўзларининг харажатлар сметасида назарда тутиб борсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, бу борада уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмуни ва моҳиятини ҳамда унинг амалга оширилиши бўйича кенг тушунтириш ишларини оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

2019 йил 9 январь  
№ ПФ-5618



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ  
ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, айрим ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг замонавий талабларга жавоб бермайдиган институционал асослари ва улар фаолиятининг принциплари ўтказилаётган ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳамда қўйилган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга

оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти;

тўртинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

бешинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

олтинчидан, давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

еттинчидан, бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда;

саккизинчидан, хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг

асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

тўққизинчидан, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекламоқда ва оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

ўн биринчидан, айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган тизимли муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда «Йўл харитаси» деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш:

ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилишида мустақиллигини ошириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини янада кенг жорий этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

б) куйидагиларни назарда тутган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш:

ижро этувчи ҳокимият органларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни ва жавобгарлик соҳаларини белгилаш, ишониб топширилган тузилма фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш;

давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш;

мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш;

«ақлли тартибга солиш» моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш;

айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш йўли билан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш;

ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш;

ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнида жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакл ва механизмларидан кенг фойдаланиш;

в) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш:

энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда бошқарув тизимини такомиллаштириш;

иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда нодавлат ноижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;

айрим давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларни хусусий секторга ўтказиш;

г) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш:

давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш;

д) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш:

стратегик режалаштириш тизимини ташкил этиш ҳамда давлат бошқарувининг инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган замонавий шаклларини жорий этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

е) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш:

давлат хизмати, давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг махсус таълим йўналишларини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг муносиб шароитларини яратиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 3-иловага мувофиқ таркибда;

Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш юзасидан танқидий ўрганиш ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳлар деб юритилади) 4-иловага мувофиқ таркибларда ташкил этилсин.

4. Комиссия (А.Н. Арипов):

бир ҳафта муддатда Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш юзасидан танқидий ўрганиш ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш жадвалини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»ни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, «давра суҳбатлари» ва пресс-конференциялар ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

ҳар ойда Комиссияга мониторинг натижалари тўғрисида ахборот киритсин.

6. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда

вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги зарурат бўлганда, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакиллариини жалб қилган ҳолда давлат бошқаруви соҳасида илғор хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишни ташкил этишда Комиссияга, ишчи гуруҳларга кўмаклашсин.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг таркибий бўлинмалари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, шунингдек, ишчи гуруҳлар раҳбарлари мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари У.С. Исмоилов, О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 9 сентябрдаги 180 (6874)-сонида эълон қилинган.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 сентябрь,  
ПФ-5185-сон



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 8 сентябрдаги  
ПФ-5185-сон Фармонига  
1-илова*

## **Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) мувофиқ, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш ва либераллаштириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш давлат ва жамиятни модернизация қилишнинг муҳим мақсадлари этиб белгиланди.

Ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлай оладиган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлайдиган ва самарали ҳал қиладиган давлат бошқаруви тизимининг аниқ фаолият кўрсатиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнининг тизимли таҳлили ва аҳоли билан мулоқот натижалари давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) фаолиятини ташкил этишда ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи жиддий камчиликларнинг сақланиб қолаётганлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти. Ижро этувчи ҳокимият органлари (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар) ҳуқуқий мақомининг айрим ҳолатларда аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги уларнинг давлат аппаратидаги аниқ ўрни ва ролини аниқлаш имконини бермаяпти;

айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив характерга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан уларга хос бўлмаган функцияларнинг бажарилиши, шунингдек, сезиларли даражада квазидавлат секторнинг (хўжалик бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари) мавжудлиги иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг давлат томонидан ҳаддан ташқари тартибга солинишига олиб келмоқда;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти. Давлат-ҳокимият ваколатлари берилган кўплаб идоралараро коллегиял органларнинг (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) мавжудлиги ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келмоқда;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу аксарият ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳаларининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувини ортиқча бюрократлаштириш ва унинг юқори сарф-харажатларининг сабаби ҳисобланади;

хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари кўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган, эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чеклайди ҳамда оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламайди;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократияга ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда. Давлат хизматларини кўрсатиш даражаси аҳоли ва бизнеснинг истак ва талабларига жавоб бермаяпти, давлат бошқаруви тизимига бўлган ишончни ошириш имконини бермаяпти;

айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда. Давлат хизматининг унификацияланган ҳуқуқий асослари, давлат хизматчиларининг мақомини белгиловчи ягона нормалар, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари шакллантирилмаганлиги давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш имконини бермаяпти;

Ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилишнинг паст даражада эканлиги, юклатилган жавобгарлик даражасининг улар ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига мувофиқ келмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот жамғармасини шакллантиришнинг ягона принциплари мавжуд эмаслиги малакали кадрларнинг давлат хизматидан чиқиб кетиши ҳамда коррупциявий ҳолатлар, давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурсларнинг адолатсиз ва номутаносиб тақсимланиши учун шароит яратмоқда.

Давлат бошқаруви тизимидаги мавжуд камчиликлар жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига лозим даражада муносабат билдириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, оқибатда эса одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишни таъминлаш имконини бермайди.

Шу муносабат билан қуйидаги асосий йўналишларни назарда тутувчи Маъмурий ислоҳотлар концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали давлат бошқарувининг концептуал янги моделини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади:

## **I. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**

1. Ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг маъмурий аппарат, бюджет юкламаси асоссиз ошиши ва давлат

бошқарувини бюрократлаштиришнинг олдини олишга қаратилган аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш.

2. Реал эҳтиёж, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсирга йўл қўймаслик, республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги номуносибликни бартараф этиш, шунингдек, кадрлар ва моддий ресурсларнинг тўғри тақсимланишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш.

3. Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли департаментлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш ҳисобига бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилиши учун уларнинг мустақиллиги ҳамда жавобгарлигини ошириш.

4. Маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш, ҳудудлар ва бутун мамлакатда юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ҳамда муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида "Электрон ҳукумат" тизими ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш.

5. Қуйидагилар орқали давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш:

"ягона дарча", шу жумладан, идоравий марказлар негизида жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш;

барча давлат хизматларини тартибга солиш, уларни ягона реестрга киритиш;

давлат хизматлари кўрсатишда ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан идоралараро ҳамкорлик орқали олиш лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг рўйхатини белгилаш ва босқичма-босқич кенгайтириш.

6. Ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, низоларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш.

**II. Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, Уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш**

1. Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари) ва жавобгарлик соҳасини белгилаш, ҳар бир вазифа ва функцияни амалга ошириш механизмларини белгилайдиган, шу жумладан, ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, тартибга солиш функцияларини амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда регламентларни жорий этиш.

2. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали ишини ташкил этиш ва кучларини сафарбар этиш, шунингдек, тор идоравий ёндашув ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти девони - Вазирлар Маҳкамаси - республика давлат бошқаруви органлари - таркибий ва ҳудудий бўлинмалар - маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари" таъсирчан тизимини жорий этиш.

3. Тегишли ваколатларни аниқ давлат органларига ўтказиш ва уларга қабул қилинаётган қарорларнинг натижаси учун жавобгарликни юклаш орқали давлат-ҳокимият ваколатлари берилган идоралараро коллегиял органларни (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) тубдан қисқартириш.

4. Худудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жойлардаги долзарб муаммоларни комплекс ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш.

5. Мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, дастурий бюджетлаштириш ва вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг таъсирини лозим даражада баҳоламасдан қабул қилишга йўл қўймаслик, шунингдек, коллизия нормалар, икки хил шарҳлаш, коррупция кўринишлари ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларига олиб келувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётини босқичма-босқич бартараф этишни назарда тутувчи "ақлли тартибга солиш" моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш.

7. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мавжуд муаммоларнинг оқибатларига қарши курашишга эмас, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш ва ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш орқали тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш.

8. Ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш.

9. Ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминлайдиган жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шакллари (Виртуал қабулхоналар, "ишонч телефонлари") кенг жорий этиш.

### **III. Иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш**

1. Энг зарур иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда, бошқарув тизимини такомиллаштириш.

2. Хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш.

3. Иқтисодий фаолиятда, энг аввало, давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари ваколатларини, уларнинг иқтисодий ва бошқарув самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, давлат активларини бошқариш тизимининг молиявий шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг корпоратив механизмларини ривожлантириш соҳаларида давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш.

4. Назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини ("Ўздавнефтгазинспекция", "Ўздавэнергоназорат" ва бошқалар) уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқаруви органлари ("Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ ва бошқалар) ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиш.

5. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини (таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, коммунал хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси) ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга ҳамда бюджет харажатларини



камайтиришга қаратилган ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш.

6. Лицензиялаш, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларнинг айримларини хусусий секторга ўтказиш. Айни вақтда давлат назоратининг ортиқча маъмурий чораларини (лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари), шу жумладан, уларни муқобил тартибга солиш турларига (жавобгарликни мажбурий суғурталаш, мувофиқликни декларациялаш ва бошқалар) алмаштириш орқали қисқартириш.

#### **IV. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш**

1. Республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш. Давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органларида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини, шу жумладан, маҳаллий бюджетга солиқ ажратмаларини кўпайтириш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқ солиш базасини кенгайтиришдан манфаатдорлигини кучайтириш орқали кенгайтириш.

3. Ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг

котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, айниқса, халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш.

5. Тегишли ваколатларни ҳокимга босқичма-босқич ўтказиш орқали ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.

6. Келгусида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш.

7. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш.

## **V. Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш**

1. Мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш.

2. Давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш.

3. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга

инвестицияларни кенг жалб қилиш, уларни янада ривожлантиришни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш.

4. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини, шу жумладан, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопаркларни ташкил этиш орқали яратиш.

5. Табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, шу жумладан, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни ривожлантириш, сувни тозалаш ҳамда чучуклаштиришнинг замонавий шакллларини кенгайтириш, ундан оқилона фойдаланиш орқали кенг жорий этиш.

## **VI. Профессional давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш**

1. Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органни ташкил этиш.

3. Давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш.

4. Давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига

ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш.

5. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш.

7. Иш вақти ва моддий-ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш.

## **VII. Маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар**

1. Кутилаётган ислоҳотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва

аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятдан қаноатланиш даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

"Электрон ҳуқумат" тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

жамиётда қонун устуворлигини таъминлаш.

Маъмурий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозим.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

### **АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда, бу аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради.

2003 йилдан буён тадбиркорлик субъектларини "ягона дарча" тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекциялар деб юритилади) томонидан амалга ошириб келинган.

2016 йил 1 январдан бошлаб Инспекциялар негизда Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (кейинги ўринларда Ягона марказлар деб юритилади) ташкил этилди.

2017 йил 1 февралдан Ягона марказларнинг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича кейинги қадам бўлиб, вертикал бошқарувни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада Ягона марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқাগача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги "Doing Business 2018" глобал рейтингдаги "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўридан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига айрим тизимли муаммолар тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш имкониятидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаролар ҳанузгача турли давлат органларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлмоқда;

иккинчидан, қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг мавжуд эмаслиги, улар идоралараро интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминламаяпти;

учинчидан, кўпчилик давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари мураккаб ва фойдаланиш учун қийин бўлиб қолмоқда, нархни шакллантириш механизмлари шаффоф эмас, алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларда "монопол" хизматлар кўрсатишга талаблар белгиланмоқда;

тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада эканлиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолган андозалари асоссиз молиявий харажатларга, фуқаролар кўп вақт кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига ҳамда оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда;

бешинчидан, давлат хизматлари кўрсатишни, шу жумладан реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган омиллар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган улугвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

иккинчидан, Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга "ягона дарча" тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;

учинчидан, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

бешинчидан, давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали ("мобиль давлат хизматлари")



кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графигидан фойдаланиш;

олтинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда он-лайн сўровларни ташкил қилиш;

еттинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизимли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизимли равишда оширишни ташкил этиш.

2. Қуйидагилар негизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин:

38 та штат бирлиги сонига эга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари.

Қуйидаги маблағлар ҳисобига молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети - Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг 24 та штат бирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналарининг 157 та мутахассис лавозими штат бирлиги Агентликка ўтказилсин.

3. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш;

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. 2018 йил 1 январдан Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилсин, қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларга "ягона дарча" тамойили бўйича, шу жумладан олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат хизматлари сервисининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик;

идоралараро ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамларини тақдим этиш;

ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлаш.

#### 5. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари томонидан;

Давлат хизматлари марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари томонидан амалга оширилади.

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш схемаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Агентлик фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2750-сон қарори билан ташкил этилган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати тузилмасида умумий штат сони доирасида 4 та штат бирлиги билан Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда илғор халқаро амалиётни ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларининг уларда Давлат хизматлари марказларини жойлаштиришни ҳам назарда тутган ҳолда намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари замонавий биноларини тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, энг аввало, давлат-хусусий шериклик шартларида қуриш чораларини кўрсин;

янги бинолар фойдаланишга топширилгунга қадар Давлат хизматлари марказларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларида, зарур ҳолларда эса - жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини сифатли кўрсатиш учун зарур шароитларни яратган ҳолда бошқа биноларда жойлаштиришни таъминласин.

9. Қуйидагилар:

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) 2-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, "ягона дарча" тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати

(кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар ва Рўйхатнинг амалга оширилиб борилишини ҳар ойда кўриб чиқсин.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2412-сон ва 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2750-сон қарорларига мувофиқ Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Рўйхатда кўрсатилган масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар белгиланган муддатларда:

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва бошқа актларнинг намунавий шакллари, бланкаларини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат хизматларининг тегишли турларини кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб этиш бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар муддатда Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантиришни таъминласин.

Белгилансинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар

уларнинг Давлат хизматлари ягона реестрида рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди, 2018 йил 1 июндан бошлаб эса мазкур реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Адлия вазирлигига халқаро ва хорижий ташкилотлар билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун техник қўмаклашиш маблағлари ва грантларни жалб қилиш масалаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, мазкур Фармонда назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширишда қўмаклашсин.

13. Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, "Ўзинжиниринг" Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун зарур ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилиш ва аппарат-дастурий комплексларни ўрнатишнинг концепцияси, техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ва техник топшириғи тайёрланишини ҳамда тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

тасдиқланган концепция, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ва техник топшириқ асосида Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилишини, шунингдек, аппарат-дастурий комплекслар ўрнатилишини таъминласин;

Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уларнинг ахборот ва телекоммуникация тизимлари, маълумотлар базалари, серверлари ва бошқа ускуналарини инвентаризациядан ўтказиб, кейинчалик уларни Агентликнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин ва идоралараро электрон ҳамкорликни жорий этсин;

Агентлик билан биргаликда унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказларини зарур видео, аудио ва бошқа ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин ҳамда реал вақт режимида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини масофадан кузатишни ташкил қилсин.

14. Ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан таъсирчан чораларни кўрган ҳолда тизимли назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. Мирзиёев**

2017 йил 12 ДЕКАБРЬ  
№ ПФ-5278

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ.

Ушбу йўналишда мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кун воқелиги тизимли муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришни талаб қилади, уларнинг ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларда акс этмоқда. Бироқ, бу борада қўлланилаётган норма ижодкорлиги ёндашуви қонун ҳужжатларининг мамлакат иқтисодиёти тармоқларига таъсирини баҳолаш заруриятини ҳисобга олмаяпти ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларга эришишни таъминламаяпти.



Шу билан бирга, умумий тусга эга бўлган қонунлар кўплиги, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян механизмсиз айрим қарорларнинг қабул қилиниши, умуман давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий муносабатларни асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишга олиб келмоқда.

Тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда - Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда - Амалий чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;

норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

норма ижодкорлигида "ақлли тартибга солиш" модели элементларини қўллаш;

норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақатгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар кучга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилади;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг кўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режасини илова қилади. Бунда, тадбирлар режаси қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқуллаш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан унинг ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаган ҳолда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида улар қабул қилинганидан кейин алоҳида тадбирлар ва назорат режаларини, шунингдек, "йўл хариталари"ни қўшимча тарзда тасдиқламаган ҳолда аниқ топшириқлар ва уларни амалга ошириш механизмларини белгиловчи нормалар, муддатлар ва масъул ижрочилар мажбурий равишда назарда тутилади;

янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга таклиф

этиладиган ўзгартишлар киритиш орқали, шу жумладан, уни янги таҳрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

4. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда уч ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда уларни манфаатдор идоралар билан келишиш тартибини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда илгари фаолият юритган Олий ҳўжалик суди Пленумининг қарорларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни тизимлаштириш, қонунчиликдаги ўзгаришларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар истисно этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта тасдиқлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 январдан эътиборан қуйидагиларни тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами" ва "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"га обуна бўлиш;

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"ни уларни Ўзбекистон Республикаси Қонун

хужжатлари маълумотлари миллий базасига ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) ўтказган ҳолда нашр этиш, бундан архивларда, ахборот-ресурс марказларида сақлаш учун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар талабларига кўра тайёрланадиган нусхалар мустасно.

6. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда - Комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Комиссия (Н. Исмоилов):

а) Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишни ва белгиланган тартибда киритишни таъминласин;

б) Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этсин;

в) бир ой муддатда қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин:

аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш;

амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустаҳкамлаш талаб этиладиган юқори юридик кучга эга нормаларни белгилаш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;

умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларининг мавжудлиги;

г) икки ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва "тартибга солиш гильотинаси" усулини қўллаш орқали қолган ҳужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини босқичма-босқич камайтириш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш бўйича таклиф киритсин.

д) икки ой муддатда қонунчиликни тизимлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадида халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари, кўриб чиқилиши зарур бўлган халқаро шартномалар талаблари ҳамда мажбурий тартибда риоя қилиниши керак бўлган ва ҳуқуқий базадан чиқариб юборилмайдиган талаблар бўйича ягона оммабоп рўйхатнинг шакллантирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар қуйидагиларни таъминласин:

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш, бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, маъсул идоралар, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйишни амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорликни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёни мониторинг қилинишини таъминлаш;

лойиҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш имконини яратиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимини, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда модернизация қилиш:

миллий қонунчиликнинг мавзули маълумотномасини такомиллаштириш;

ҳаволалар ёки муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатиб берган ҳаволаки нормаларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни қўшимча ахборот сифатида кўрсатиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи, шунингдек, чет эл инвесторлари учун муҳим аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг чет тилларига расмий таржимасини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими" порталининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими таркибий қисми сифатида унга интеграция қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда илмий эксперт доиралари вакиллари, олий ўқув юртлари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорлар томонидан илмий-таҳлилий фаолият асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ўз ичига олган онлайн оммабоп ахборот тизимини яратсин ва уни мунтазам равишда янгилаб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин;

ҳар ойда Комиссияга мониторинг натижалари тўғрисида ахборот киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Амалий чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда масъул органлар ва ташкилотларга илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан кўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Комиссияга норма ижодкорлиги соҳасида илғор хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, зарур ҳолларда, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакилларини жалб этган ҳолда ўрганишни ташкил этишга кўмаклашсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. Мирзиёев**

2018 йил 8 август  
№ПФ-5505

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги  
ПФ-5505-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Жамият ҳаётининг бир қатор соҳаларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ қонунчиликнинг жадал ривожланиши айрим ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган кўплаб нормаларнинг вужудга келишига олиб келди.

Мазкур ҳолат ўтказилаётган ислоҳотларнинг белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш учун бутун қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда.

**I. Қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий  
муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини  
таъминлаш**

1. У ёки бу ижтимоий муносабатни тартибга солиш учун зарур бўлган ҳужжатнинг муайян турини белгилаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметини аниқ белгилаш.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш мақсади, қабул қилиш тартиби ва амал қилишнинг юридик оқибатларидан келиб чиқиб, уларни таснифлашни такомиллаштириш.

3. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этиш ҳисобига аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаш.

4. Муайян муаммони ўзга чоралар (маъмурий тартиб-таомиллар, бошқаришга оид қарорлар, судда кўриб чиқиш) ҳал эта олмаса ҳамда давлатнинг тартибга солиш орқали аралашуви зарурлиги етарли даражада, шу жумладан мурожаатларни, жамоатчилик фикри сўрови натижаларини ва амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва таҳлил этиш негизида



асосланган бўлсагина давлатнинг тартибга солувчи аралашувига йўл қўйиладиган тартибга солувчи қарорлар қабул қилиш учун асосларнинг етарлилиги принципнинг амалда ишлашини таъминлаш.

5. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич камайтириш ва уларни қабул қилиш бўйича ваколатларни бекор қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда ҳар бир идоранинг юрисдикцияси рўйхатини аниқ белгилаш йўли билан уларнинг норма ижодкорлиги ваколатларини чеклаш.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий базасининг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва халқаро шартномалар нормаларига мувофиқлигини таъминлаш.

7. Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш.

8. Қонун ҳужжатларини қўллаш чегараларини аниқлаш билан уларнинг қўлланилишини тушунтириш бўйича Олий суд Пленуми қарорларини қабул қилиш жараёнларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, тушунтириш ва шарҳлашга доир ҳужжатлар устидан шикоят қилиш механизмларини жорий этиш.

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш**

1. Сифат, шаффофлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчилик жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижросини мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш.

2. Конституциявий суд томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси [Конституциясига](#) мувофиқлигини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда унинг қарорларини ижро

этишнинг таъсирчан тартибини жорий этган ҳолда Конституция нормаларига зид равишда қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорларни бекор қилишга қаратилган қарорларни кечиктирмай қабул қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш.

3. Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакиллари жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш.

4. Идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан (шу жумладан зарар ва зиён) келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш.

5. Фуқаролар, ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат устидан шикоят қилиш ва уни бекор қилишни талаб қилиш тартиб-таомилларини аниқлаштириш, маъмурий судларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мазкур жараёндаги ролини белгилаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш жараёнини аниқлаштириш.

### **III. Норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш**

1. Норма ижодкорлиги жараёни (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш, келишиш, киритиш ва ижросини мониторинг қилиш) босқичларини электрон шаклга ўтказишни назарда тутувчи электрон норма ижодкорлиги тизимини ривожлантириш.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини идоралараро электрон келишиш тартиб-таомилни оптималлаштириш ва расмиятчиликнинг олдини олишга қаратилган, шу жумладан лойиҳанинг ҳажми, тартибга солиш предметининг мураккаблиги ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда келишиб олиш тартиб-таомилларини назарда тутувчи механизмни жорий этиш.

3. Фуқароларга қонун лойиҳаларини барча босқичларда кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳақидаги ахборотни монеликсиз олиш имконини берувчи қонун ҳужжатлари маълумотлари билан ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва Олий Мажлис палаталари фаолиятига татбиқ этиш.

4. Икки ва ундан ортиқ тилларда тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари матнларининг ўзаро мувофиқлигини лингвистик экспертизадан ўтказишни таъминловчи органни белгилаш.

5. Фуқароларнинг жамоавий ташаббусларини электрон тақдим қилиш («Мening fikrim» веб-портали) тизимини ташаббусни тақдим қилиш учун овозлар сонини хорижий мамлакатлар тажрибасига мувофиқ қайта кўриб чиққан, ҳуқуқ нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга нисбатан фуқаролик ташаббусларини давлат органлари томонидан қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиб-таомилларини аниқлаштирган ва уларни кўриб чиқишга ваколатли органлар доирасини кенгайтирган ҳолда янада такомиллаштириш.

#### **IV. Норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш**

1. «Ақлли тартибга солиш» модели, шу жумладан тартиб-таомилларни мураккаблаштиришни назарда тутувчи, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда қуйидагилар тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган элементларини қўллашга босқичма-босқич ўтиш:

фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва жамият томонидан қилинган ижро харажатлари таклиф этилаётган лойиҳа нормасида назарда тутилаётган харажатларга тенг ёки ортиқ бўлганда мавжуд нормани бекор қилиш;

мураккаблаштирувчи тартиб-таомилларнинг амал қилиш муддатини чеклаш, бунда муддат ўтгач улар мавжуд тартибга солишни яхшилаш, унинг бундан буёнги заруриятини асослаш ёки

автоматик равишда кучини йўқотган деб топиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши лозим.

2. Муаммони, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этишни назарда тутувчи хорижий мамлакатларда ижобий синовдан ўтган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини мажбурий баҳолашдан ўтказиш тизимини жорий этиш.

3. Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш мониторинги жараёнининг узвий қисми сифатида уларнинг таъсир кучини баҳолаш тизими тартиб-таомилидан ўтиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг яқунланган рўйхатини аниқлаш.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига эришиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган мақсад ва вазифаларни улардан мазкур мақсадларга эришиш кўрсаткичлари сифатида фойдаланган ҳолда аниқлаштириш амалиётини йўлга қўйиш.

5. Қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизими амал қилишини унинг таъсирини қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга татбиқ этиш орқали таъминлаш.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг самарали усуллари ва методологиясини мазкур тартиб-таомилни қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимининг узвий элементи сифатида белгилаган ҳолда татбиқ этиш.

7. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини келишиб олиш ва жамоатчилик муҳокамаси босқичларида муаммони, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва

харажатларни таҳлил этишни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид таҳлилий ҳужжатлар билан мажбурий таъминлаш амалиётини йўлга қўйиш.

## **V. Норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш**

1. Давлат органлари, илмий ҳамжамият ва нодавлат тузилмаларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини, шунингдек, қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича яхлит илмий-назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни таъминловчи ягона мувофиқлаштирувчи ташкилотни белгилаш.

2. Қонун лойиҳалари бўйича парламент муҳокамалари жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини қуйидаги механизмларни жорий этиш йўли билан таъминлаш:

қонун лойиҳалари матнларини ва уларга доир таҳлилий материалларни ҳар бир ўқишдан кейин парламентнинг веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб бориш;

реал вақт режимида таклифлар ҳамда мулоҳазаларни йўллаш имкониятини жорий этган ҳолда мазкур жараёнларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек, парламентнинг веб-ресурсларида онлайн трансляция қилиш.

3. Муайян маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида тартибга солувчи қарорларни синов ҳамда эксперимент тарзида қўллаш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика миқёсида татбиқ этиш принциплари ва тартиб-таомилларини жорий этиш.

4. Қонун ҳужжатларининг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш ва қонунчиликнинг тизимли камчиликларини аниқлаш мақсадида суд, ҳуқуқни қўллаш ва назорат амалиётининг статистик ҳисоби ҳамда таҳлили натижаларини идоралараро ахборот алмашиш механизмларини такомиллаштириш.

5. Илмий ва эксперт доиралар вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорларнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўз ичига олган илмий-

таҳлилий фаолияти натижаларини, шу жумладан мазкур таклифларни ўз ичига олган онлайн ахборот тизимларини яратиш орқали кенг жалб этиш.

6. Эксперт ҳамжамияти билан маслаҳатлашиш ва уларнинг салоҳиятидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланишнинг самарали механизмларини яратиш.

7. Илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда замонавий иш усулларини ўргатиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизасини амалга оширувчи давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

8. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг илмий асослантирилганлигини фан ва амалиёт ўзаро ҳамкорлигининг оптимал моделини шакллантириш орқали таъминлаш.

## **VI. Мазкур Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг кафолатлари, ҳимояси ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш, уларнинг фикрларини тўлақонли ҳисобга олиш ва «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» принципини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

### **МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмаяпти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермаяпти;

учинчидан, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;

тўртинчидан, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортикча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизмлари мавжуд эмас;

еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узок



муддатли кенг кўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлан-тираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий

тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

### 4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб:

рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан

бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоиздан ошмаслиги керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой муддатда:

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилсин ҳамда улар ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг муассисларидир.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон

Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларини бузаётган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ваколатли органни белгилаган ҳолда, Гуманитар ёрдам юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва унинг янги таҳририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (кўнгиллилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгиласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.Р. Иноятов ва Р.Т. Камиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. Мирзиёев**

04.05.2018 й.  
N ПФ-5430

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни кўзловчи адлия органлари ва муассасаларига муҳим роль ажратилмоқда.

Сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, айниқса, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, уларнинг юридик хизматларини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари бўйича адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, адлия органлари ва муассасалари фаолиятида ҳуқуқий ислохотларнинг юқори самарадорлик даражасига эришишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, адлия органларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг мавжуд эмаслиги бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланиш даражасининг чуқур ўрганилишига, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий



ҳолатдан келиб чиқиб манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда;

иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан ва нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилмаган;

учинчидан, адлия органларига фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган ва бир-бирини такрорловчи, айниқса, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасидаги вазифаларнинг юклатилганлиги давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш соҳасида уларга юклатилган биринчи даражадаги вазифаларни бажариш учун мавжуд куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, амалга оширилаётган ислоҳотлар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича жойларда адлия органларининг иши лозим даражада ташкиллаштирилмаган, бунинг натижасида эса аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти, айниқса, қишлоқ жойларда қоникарсиз даражада қолмоқда;

бешинчидан, юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас;

олтинчидан, адлия органлари ва муассасалари ходимларини ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг паст даражада эканлиги мазкур соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, барқарор кадрлар захирасини шакллантириш имконини бермаяпти

ҳамда ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятига салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, адлия органлари ва муассасалари фаолиятига янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларни замонавий воситалар ва ускуналар билан жиҳозлаш қониқарсиз ҳолатда қолмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишлари деб қуйидагилар:

биринчи, адлия органларини «Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руhini қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир» деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш;

иккинчи, адлия органлари фаолиятига, устувор равишда, танқидий таҳлил ва ҳуқуқий муаммоларни, аввало, бевосита жойларда ишларни самарали ташкил этиш йўли билан ҳал этишга асосланган, сифат жиҳатидан янги механизмларни жорий этиш;

учинчи, давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, танқидий таҳлил асосида изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчи, ҳуқуқий тарғибот ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишнинг замонавий ва таъсирчан услубларини жорий қилиш, уларга қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчи, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларининг сифатини комплекс ва танқидий таҳлил қилишда адлия органларининг ролини ошириш, бу соҳаларда қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олтинчи, ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш йўли билан адлия органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот бериш тартибини жорий этиш, уларнинг аҳолини ташвишга солувчи муаммоларга юзаки муносабатда бўлиши ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш;

еттинчи, юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган топ доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш;

саккизинчи, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини, халқаро жамоатчилик ва хорижий инвесторларни мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида хабардор қилиш механизмларини ташкил этиш;

тўққизинчи, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини, шу жумладан уларни хизмат уйлари билан таъминлашни жорий этиш;

ўнинчи, адлия органлари ва муассасаларининг барча тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган касб-хунар коллежлари юридик

хизматларининг штат бирликлари ҳисобидан, «республика — вилоят — туман (шаҳар)» уч поғонали принципи бўйича вертикал бошқарувни жорий этган ҳолда туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки, касб-ҳунар коллежларининг тугатилаётган юридик хизматлари функциялари тегишли туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан амалга оширилади.

3. Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб куйидагилар:

ҳокимларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларидаги ижрочиларга етказиш, «республика — вилоят — туман — маҳалла» принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатларини кўриб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тугатилсин.

5. 2018 йил 1 июлдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФХДЁ деб юритилади) органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини юритиш, ФХДЁнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДЁ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилсин.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра 2018 йилдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ахборот тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йил якуни бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади;

туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ҳар чоракда тегишлича туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

давлат органлари ва ташкилотларига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига белгиланган тартибда халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар юбориш;

адлия органлари ва муассасалари, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш ҳуқуқи берилсин.

8. Тошкент давлат юридик университетининг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази негизида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган, бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 25 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилсин.

Қуйидагилар Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг инновацион услублари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиш амалиётини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги

муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш;

етақчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафталик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

бир ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда туман (шаҳар) ҳокимликларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 апрель,  
ПФ-5415-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини берди.

Натижада фақатгина 2017 йилнинг 10 оyi давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки охириги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқланган. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан



реабилитация ва бошқа асослар бўйича 3 511 та жиноят иши тугатилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келмоқда.

Қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини кўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг химояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда;

мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида;

номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин.

### 3. Қуйидагилар тақиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш;

процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш.

4. Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлғон

гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда, жиноий жавобгарлик киритилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

сиртдан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахс тегишли ваколатли органга етказилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини кўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга;

далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шарт;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилади;

ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт;

ҳақиқий маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишга номақбуллиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёки тарафлар илтимосномаси бўйича белгиланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилларнинг номақбуллиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлган қонун бузилиши нимада ўз аксини топганлигини аниқлашга ва асослантилган қарор (ажрим) қабул қилишга мажбур;

суд муҳокамаси жараёнида стенография юритилади, унинг материаллари жиноят иши материалларига қўшиб қўйилади;

прокурор томонидан:

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоққа олинган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилиши;

мазкур шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилган бўлиши мумкинлиги, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги;

ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари бўйича юқори турувчи прокурорни хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишининг қонунийлиги юзасидан мажбурий тарзда текширишлар ўтказилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (О.Б. Муродов) бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 1 — 5-бандларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда;

жиноят ишлари бўйича ушлаб туриш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини кўллашда;

маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазони ижро этишда;

содир этган жинояти ҳақида қонунда белгиланган муддатларда хабар қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи нормаларни кўллашда қонунийликнинг ҳамда қонунчилик талабларини бузганликнинг ҳар бир ҳолати бўйича жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларини видеокузатув воситалари билан жиҳозлашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган, шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

суд-тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишни;

ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга, шу жумладан, ўраб олиш орқали йўл қўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлашни;

қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, шу жумладан, «Электрон жиноят иши» тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритишни ташкил этсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 30 ноябрь,  
ПФ-5268-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясининг** ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асослантилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини берди.

Натижада фақатгина 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки охириги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқланган. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан

реабилитация ва бошқа асослар бўйича 3 511 та жиноят иши тугатилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келмоқда.

Қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **83-моддасига** мувофиқ:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;



гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда;

мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида;

номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин.

### 3. Қуйидагилар тақиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш;

процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш.

4. Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, камоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлғон

гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда, жиноий жавобгарлик киритилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахс тегишли ваколатли органга етказилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга;

далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шарт;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилади;

ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт;

ҳақиқий маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишга номақбуллиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёки тарафлар илтимосномаси бўйича белгиланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилларнинг номақбуллиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлган қонун бузилиши нимада ўз аксини топганлигини аниқлашга ва асослантирилган қарор (ажрим) қабул қилишга мажбур;

суд муҳокамаси жараёнида стенография юритилади, унинг материаллари жиноят иши материалларига қўшиб қўйилади;

прокурор томонидан:

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қамокда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамокқа олинган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилиши;

мазкур шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилган бўлиши мумкинлиги, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги;

ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари бўйича юқори турувчи прокурорни хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишининг қонунийлиги юзасидан мажбурий тарзда текширишлар ўтказилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (О.Б. Муродов) бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 1 — 5-бандларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда;

жиноят ишлари бўйича ушлаб туриш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини кўллашда;

маъмурий қамок тарзидаги маъмурий жазони ижро этишда;

содир этган жинояти ҳақида қонунда белгиланган муддатларда хабар қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи нормаларни кўллашда қонунийликнинг ҳамда қонунчилик талабларини бузганликнинг ҳар бир ҳолати бўйича жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларини видеокузатув воситалари билан жиҳозлашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган, шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

суд-тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишни;

ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга, шу жумладан, ўраб олиш орқали йўл кўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлашни;

қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, шу жумладан, «Электрон жиноят иши» тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритишни ташкил этсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов

ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев  
зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 30 ноябрь,  
ПФ-5268-сон

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017  
й., 06/17/5268/0341-сон)*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5278-сон Фармонини ижро этиш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) марказий аппаратининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Агентлик ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган штатлар сони 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг (кейинги ўринларда Марказлар деб юритилади) намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ходимларнинг чекланган сони қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Агентликнинг марказий аппарати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган 45 та бирлик;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган 174 та бирлик.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида Агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг

бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик директори мақоми ва меҳнат ҳақи шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига тенглаштирилсин.

### 3. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан текшириш;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш;

Марказлар орқали уларнинг бинолари ва туташ ҳудудларида реклама фаолиятини, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш.

4. Қуйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божи суммалари, шунингдек, Марказлар ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва барча турдаги йиғимлар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар;

адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

мансабдор шахслар давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлиги учун қўлланиладиган маъмурий жарима суммалари;  
қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Агентлик Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй манзили бўйича оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Агентликнинг худудий бошқармалари жойлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда Агентлик тўғрисидаги низомни, шунингдек, 2018-2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, "ягона дарча" тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

бир ой муддатда давлат хизматлари кўрсатиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. Мирзиёев**

**2017 йил 12 декабрь**  
**№ ПҚ-3430**



## М У Н Д А Р И Ж А

I. СИЁСИЙ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ .....	11
ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	11
2. ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ВА ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: МАЗМУНИ ВА УСТУВОР ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	30
3. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИСЛОҲОТЛАР .....	59
4. ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	76
5. ҚОНУН (НОРМА) ИЖОДҚОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ .....	97
6. ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ: ШАКЛЛАНИШИ, ТАБИАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	121
7. СУД – ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР .....	145
8. ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ .....	176
ИЛОВАЛАР .....	194

**Одилқориев Х.Т.**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ЖАМИЯТИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Муҳаррир: М. Турсунов  
Мусахҳиҳ **М.Талипова**  
Дизайн ва саҳифаловчи **Н.Файзиева**

Босишга рухсат этилди 02.11.2019 й. Бичими 60x84 1/16  
Офис қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.  
Шартли босма табағи 17. Нашр. ҳисоб табағи 14,5.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 15-05

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6 уй